

SOHIBQIRON YULDUZI

ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

академик Акмал Саидов
академик Анатолий Сагдуллаев
академик Дилором Юсупова
проф. Убайдулла Уватов
Спирожиддин Саййид
проф. Поён Равшанов
проф. Абдурахим Эржаев
проф. Қаҳрамон Ражабов
проф. Юлдуз Эргашева
проф. Баҳодир Эшов
ф.ф.д. Нафас Шодмонов
Тўлқин Ҳайит
т.ф.д. Г.Мўминова

Бош муҳаррир:

Очил Бўриев

Масъул котиб:

Азизбек Норов

Нашр учун масъуллар:

Равшан Тўхтамишев

Илҳом Тоғасев

Саҳифаловчи:

Баҳодир Мусаев

МУАССИС:

SOHIBQIRON SHULASI M.CH.J.

Қашқадарё вилоят матбуот ва ахборот
бошқармасида 2012 йил 12 мартда
14-076 рақами билан рўйхатга олинган.

Журнал йилда 4 мартаба чоп этилади.
Журналдан кўчирма олинганда манба
қайд этилиши шарт.

Манъалимиз:

Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси,
2-уй. Телефон: 221-13-78. 91.466-80-32
Теришга 28.02.2020 йилда берилди.
Босишга 13.03.2020 йилда рухсат
этилди. 16.03.2020 йилда босилди.
Бичими 70x100 1/16. 8,0 босма табақ.
Адади 388 нусха. Буюртма № 202
Журнал «Photo Express» ишлаб чиқариш
корхонаси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:

Қарши шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

Электрон манъалимиз:

sohibqiron_jurnali@mail.ru

2020 йил № 1 (39)



2020 йил - «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»

Журнал таниқли шоир, маънавият
жонкуяри (марҳум) Исмоил Тўхтамишев
ташаббуси билан ташкил этилган.
2010 йилдан чоп этилади.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация
Комиссияси раёсатининг 2018 йил
29 декабрдаги 260/7-сонли қарори билан
«Тарих» фанлари бўйича илмий журналлар
рўйхатига киритилган.



MUNDARIJA

БОШ МУҲАРРИР САҲИФАСИ

Янги Ўзбекистон миллий юксалишининг асосий дастури.....4

ХОТИРА - АЗИЗ, ҚАДР - АБАДИЙ

Очил БЎРИЕВ, Она Ватанини мадҳ этган адиб.....9

Дамин ТЎРАЕВ, Шеърятимизнинг бир жилғаси эди.....14

Исмоил ТЎХТАМИШЕВ, Яхшиликни соғиниб яша...(шеърлар)..17

Назира ЎРОҚОВА, Устозим (шеър).....19

ТЕМУРШУНОСЛИК

Тўлқин ҲАЙИТ, Мир Саййид Шариф Жўржонийнинг ҳаёти ва илмий мероси.....20

Ҳакимжон АЛИҚУЛОВ, Амир Темур ва Йилдирим Боязид: тарих ва ҳозирги замон.....24

Раъно ТЎХТАЕВА, Феруза САМАДОВА, Кеш (Шаҳрисабз) шаҳри муаррих Шарафуддин Али Яздий тавсифида.....29

ТАРИХШУНОСЛИК


Солижон ИБРАГИМОВ, Маҳмудхўжа Беҳбудий - улўғ аллома ва жамоат арбоби.....33

Акрам ҲАСАНОВ, Кеш - Шаҳрисабз воҳасининг ўрта асрлар тарихи тавсифи.....38

Гавҳар МЎМИНОВА, Ўзбекистонда иккинчи жаҳон уруши йилларида соғлиқни сақлаш муаммолари.....43

Анвар ОЧИЛОВ, Буюк ипак йўли хизмат кўрсатиш тизимида карвонсаройларнинг ўрни.....50

Гулора РАВШАНОВА, Қашқадарё воҳасида иқтисодий ва ҳарбий вазият (1917-1920 й).....55





ТАДҚИҚОТ

Шоҳжаҳон РАШИДОВ, Маърифатга ошно қалб
(Нуриддин Муҳитдиновнинг портретига чизгилар).....61

Гулрухбегим РАВШАНОВА, Абдулла Орипов ҳажвияларининг адабий
манбалари.....66

Ойдиной ОЧИЛОВА,Халқ таъбаотининг ривожда Абу Али ибн
Сино ва унинг асарлари аҳамияти.....71

Фахриддин ЭГАМБЕРДИЕВ, Нахшаб ва Кешнинг илк ўрта асрлар
даври археологик ёдгорликларининг типологияси масалалари.....75

Асилбек ХЎЖАЁРОВ, Султон Мир Ҳайдар ота маърифати.....80

Рамиз ЗОҲИРОВ, Оиладаги соғлом муҳит барқарорлигида
отанинг ўрни.....84

Шерзод НОРМАТОВ, Илк ўрта асрларда Сўғд ва Тохаристондаги
сиёсий ва этномаданий жараёнлар.....90

Нигор ТОШТЕМИРОВА, Ўзбекистонда болалар соғлигини сақлаш
ва қонуний манфаатларининг кафолатлари.....95

Фотима ТЎХТАМИШЕВА, Ўзбеклар анъанавий либослари учун мато
танлаш усуллари (Қашқадарё воҳаси аҳолиси мисолида).....99

Салима ЖУМАЕВА, "Ўзбаки кангул"нинг файласуф шоири.....103

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

О.БЎРИЕВ, Н.РАҲАБОВА, Қашқадарё воҳаси шаҳарлари тарихига
бағишланган салмоқли монография.....109

ЖАҲОНИЙ ЖАВОҲИР

Лев ТОЛСТОЙ, «Балдан сўнг» Рус тилидан Н.Алимуҳаммедов
таржимаси.....115





YANGI O‘ZBEKISTON MILLIY YUKSALISHNING ASOSIY DASTURI

***"Биз буюк тарих, буюк давлат,
буюк маданият яратган халқмиз".
Шавкат Мирзиёев***

Маълумки, мустақил Ўзбекистон янги ўн йилликка қадам қўймоқда. Эришган натижаларимиз тарихга айланиб, олдимизда янги-янги ўзгаришларни амалга ошириш бўйича улкан вазифалар ва имкониятлар пайдо бўлмоқда.

Ўзбек миллий давлатчилиги тарихида илк бор қўлланилаётган тадбир – халққа Мурожаатнома билан чиқиш анъанага айланмоқда. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатнома билан чиқиш қилди. Мазкур Мурожаатнома Ўзбекистон халқига, қолаверса бутун жаҳон аҳлига қилинган эзгу даъват, десак асло муболага бўлмас.

Юртбошимиз ўз Мурожаатномасида 2020 йилни "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили", деб ном беришни таклиф этди. Қуйида мазкур Мурожаатноманинг илм, маърифат, маънавият, ва ижтимоий соҳадаги йўналишларига эътибор қаратмоқчимиз.

Мурожаатномада таъкидланганидек, "Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз.

Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача – таълимнинг барча бўғинларини ислох қилишни бошладик.

Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади.

Шарқ донишмандлари айтганидек, **"Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!"** Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак.

Юртимиз "Халқаро ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси" бўйича 2019 йилда 8 поғонага кўтарилган бўлса-да, ҳали жуда ҳам орқадамиз. Аксарият вазирлик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқ, десак, бу ҳам ҳақиқат.



Катта салоҳиятга эга бўлган зиёрат ва тиббиёт туризмини ҳам жадал ривожлантириш зарур. Юртимизда 8 минг 200 дан зиёд маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, туризм маршрутларига уларнинг атиги 500 таси киритилган.

Ҳукумат уч ой муддатда зиёрат ва анъанавий туризмни ривожлантириш мумкин бўлган маршрутлардаги объектлар сонини 800 тага етказиш бўйича чора-тадбирларни белгиласин.

Яна бир вазифа - ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон моддий маданий мероси ва Номоддий маданий мероси рўйхатига Ўзбекистондаги янги объектларни киритишни тезлаштириш лозим.

Мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодий шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш зарур.

Биз 2020 йил номида белгиланган соҳаларни устувор даражада ривожлантириш ва ислоҳ этиш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширишимиз лозим. Хусусан, боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини жорий йилда 60 фоизга етказишимиз зарур. Ушбу мақсадларга шу йилнинг ўзида бюджетдан қарийб 1,8 триллион сўм маблағ ажратилади.

Бу йилдан бошлаб, тарихимизда илк бора 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизими жорий қилинади. Бунга бюджетдан 130 миллиард сўм ажратилиб, бу жараёнда хусусий мактабгача таълим муассасалари ҳам бевосита иштирок этади.

2020 йилда бюджетдан ажратиладиган 1,7 триллион сўм маблағ ҳисобидан 36 та янги мактаб қурилиб, 211 таси капитал таъмирланади. Шунингдек, 55 та хусусий мактаб ташкил этилиб, уларнинг сони 141 тага етказилади.

Педагогик маҳорат ва малака даражасига эга бўлган, ўз ишида аниқ натижаларга эришган ўқитувчиларга юқори маош тўлаш тизимини жорий этамиз.

Мактаб ўқув дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, ўқув юктамалари ва фанларни қайта кўриб чиқиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, дарслик ва адабиётлар сифатини ошириш зарур.

2021 йилги халқаро баҳолаш жараёнига тайёргарлик кўриш учун 348 та таянч мактаб белгиланиб, 6 мингдан ортиқ ўқитувчининг малакаси оширилади.

Жорий ўқув йилидан бошлаб мутлақо янги профессионал таълим тизими йўлга қўйилиб, 340 та касб-ҳунар мактаби, 147 та коллеж ва 143 та техникум ташкил этилади.

Кадрлар малакасини халқаро меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадида миллий малака тизими ишлаб чиқилади. Ушбу тизим 9 мингга яқин касблар бўйича кадрлар тайёрлаш имконини беради.

Олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илмли бўламан, деган, юрагида ўти бор, жўшқин ёшларимизнинг таҳсил олиши учун ҳамма қулай-



BOSH MUHARRIR SAHIFASI

ликларни яратишимиз шарт. Шунинг учун мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2020 йилда камида 25 фоизга ва келгусида 50–60 фоизга етказамиз.

Бу борада шуни унутмаслик керакки, олий таълим қамровини ошириш тўлов контрактга боғлиқ бўлиб қолмаслиги зарур. Шуни ҳисобга олиб, олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш давлат грантларини 2 баробар кўпайтирамиз, десам, сизлар бу фикрга қандай қарайсиз?

Қизларимиз учун алоҳида грантлар ҳам ажратилади. Хотин-қизлар қўмитаси ушбу грантлар асосида ўқитишга номзодларни танлаш ва саралаш мезонларини ишлаб чиқиши керак.

Олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини ҳам оптималлаштириш зарур. Биз бунда асосий эътиборни ўқишга кириш жараёнларини соддалаштиришга, олий ўқув юртларида чинакам билим ва тарбия олишга қаратишимиз зарур. Мисол учун, она тили бўйича билимни баҳолашнинг миллий тест тизимини яратиш лозим. Ёшлар исталган вақтда имтиҳон топшириб, тегишли гувоҳнома олса, олий ўқув юртига ўқишга кираётган пайтда она тили бўйича қайта синовдан ўтишга ҳеч қандай эҳтиёж қолмайди.

Олий таълим стандартлари хорижий тажриба асосида такомиллаштирилади, таълим йўналишлари ва ўқитиладиган фанлар қайта кўриб чиқилади. Мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони 2 баробар қисқартирилади.

Олий таълимда ўқув жараёнини кредит-модуль тизимига ўтказиш талаб этилади. Жорий йилдан педагогик таълимнинг 6 та йўналиши бўйича ўқиш муддати 3 йил қилиб белгиланади.

Олий ўқув юртларига босқичма-босқич академик ва молиявий мустақиллик берилади. Жорий йилда уларнинг 10 таси ўзини ўзи молиявий таъминлашга ўтади. Бундан ташқари, камида 5 та олий таълим муассасасини конкурс асосида танлаб, нуфузли хорижий олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда уларни трансформация қилишни бошлаймиз.

Жорий йилда математика, кимё-биология, геология каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилиб, олимларга барча шарт-шароитлар яратиб берилади. Шунингдек, илм-фан соҳасида фундаментал ва инновацион тадқиқотлар учун мақсадли грант маблағларини ажратиш механизмини тубдан қайта кўриб чиқиш керак.

Илм-фан ютуқларининг электрон платформаси, маҳаллий ва хорижий илмий ишланмалар базасини шакллантириш лозим. Ҳар бир олий таълим ва илмий-тадқиқот даргоҳи нуфузли чет эл университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши шарт.

Жорий йилда "Эл-юрт умиди" жамғармаси томонидан 700 дан зиёд олимлар, профессор-ўқитувчилар чет элга илмий изланиш ва малака ошириш учун юборилади.

Келгусида грантлар миқдорини 2 баробар кўпайтириш ва тадқиқот йўналишлари кўламини кенгайтириш лозим. Жорий йилда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича туб бурилиш қилишимиз керак.

Ҳозирги кунгача 7 мингдан ортиқ соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим



муассасалари ва мактаблар юқори тезликдаги Интернетга уланган бўлса, кейинги 2 йилда яна 12 мингта муассаса тезкор Интернетга уланади. Бу вазифаларни кўзда тутган ҳолда, "Рақамли Ўзбекистон - 2030" дастурини ишлаб чиқишни икки ой муддатда яқунлаш лозим.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи "Ўзбекистон ёшлари - 2025" концепциясини ишлаб чиқиши, унда маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказишнинг амалий чора-тадбирлари белгиланиши зарур.

Жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда ҳеч ким четда турмаслиги, "Ўз болангизни, ўз уйингизни, ўз Ватанингизни кўз қорачигидек асранг!" деган шиор одамларимиз қалбидан чуқур жой олиши керак. Жамиятимизда аҳоли, айниқса, ёш йигит-қизларимизнинг маънавий ва маърифий савиясини доимий юксалтириш - биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Шу боис, "Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари" деган дастурий ғоя асосида, ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш - ўта шарафли вазифадир.

Бундан ташқари, бу йил маданий ҳаётимиздаги муҳим воқеа - Шаҳрисабз шаҳрида иккинчи Халқаро мақом фестивалини муваффақиятли ўтказишимиз керак.

Шунингдек, 2020 йилда халқимиз тарихининг мураккаб дамларида, маърифат машғаласини балад кўтариб чиққан улуғ аллома ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 145 йиллик таваллуд санаси кенг нишонланди.

Биз жамиятда миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни изчил давом эттирамиз. Бу борада 30 июль - "Халқаро дўстлик куни" муносабати билан юртимизда биринчи марта "Дўстлик ҳафталиги"ни ва "Дўстлик" халқаро форум-фестивалини ўтказишни таклиф этаман.

Мамлакатимизда "жаҳолатга қарши - маърифат" деган эзгу ғоя асосида ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, тинчлик ва дўстлик каби олижаноб мақсадларга хизмат қилишини тарғиб этиш кун тартибимиздаги доимий масалалардан бири бўлиб қолади.

Жорий йилда ҳадис илмининг султони Имом Бухорий, калом илми асосчиси Абу Мансур Мотуридий ва унинг давомчиси Абу Муин Насофийнинг ҳаёти, илмий меросига бағишланган ҳамда диний бағрикенглик мавзуларида халқаро илмий-амалий конференциялар ва бошқа тадбирлар ташкил этилади.

Имом Бухорий бобомизнинг Самарқанддаги ёдгорлик мажмуасини бу мўътабар зотнинг мусулмон дунёсидаги улуғ мақомига мос равишда мутлақо янги лойиҳа асосида қайта барпо этиш ишларини ҳам бошлаймиз. Шунингдек, буюк аллома Баҳоуддин Нақшбанд бобомизнинг 700 йиллик таваллуд айёмини юқори савияда ўтказишимиз керак.

2020 йилда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланади. Бизнинг мард, енгилмас ва олижаноб халқимиз буюк Ғалабани таъминлашга беқиёс ҳисса қўшгани билан бар-



BOSH MUHARRIR SAHIFASI

чамиз ҳақли равишда фахрланамиз. Бу қонли урушда жами 1,5 миллиондан зиёд Ўзбекистон фарзандлари тинчлик ва озодлик учун мардона жанг қилгани, уларнинг ҳар уч нафаридан бири ўз яқинлари бағрига қайтмагани, эл-юртимизнинг фронт ортида кўрсатган жасоратини халқимиз ҳеч қачон унутмайди.

Уруш йилларида халқимиз кўрсатган ҳақиқий жасорат ва матонатни кино, театр санъати, бадий-публицистик асарлар, илмий тадқиқотлар орқали кўрсатиш, аҳоли, айниқса, ёшларимизга таъсирчан тарзда етказиш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрининг Ол-мазор туманида муҳташам "Ғалаба боғи" бунёд этилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Хотира ва қадрлаш қуни ва Ғалабанинг 75 йиллигини ҳар томонлама муносиб ва юқори савияда нишонлаш учун тайёргарлик ишларини пухта ташкил этишимиз керак.

Имом Бухорий бобомиз ўз китобларида келтирган муборак ҳадисда айтилганидек, **"Барча амаллар ниятга қараб бўлади"**.


Бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмайлик: биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқимиз. Биз - ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчиликдан қўрқмайдиган, адолатни қадрлайдиган, азму шижоатли, буюк халқимиз.

Барчамиз бир тану бир жон бўлиб, яқдил ва аҳил бўлиб ҳаракат қилсак, ҳалол-пок бўлиб, яхши ният билан меҳнат қилсак, ҳар қандай марраларни эгаллашга, бошқача айтганда, тарихимизнинг янги саҳифасини яратишга қодир халқимиз.

Бу йўлда қандай қийинчилик ва машаққатлар бўлмасин, барчасини мардона энгиб ўтишга тайёرمىз. Бундай эзгу ишларда бизга Яратганнинг ўзи, буюк аждодларимизнинг пок руҳлари мадаккор бўлади, деб ишонаман».

(Бу ҳақда батафсил қаранг: "Халқ сўзи" газетаси, 2020 йил 25 январь)

Хуллас Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзларининг сермазун ва кенг қамровли Мурожаатномасида халқимиз олдига 2020 йил, қолаверса 2030 йилгача бўлган даврдаги энг устувор мақсад ва вазифаларини қатъий белгилаб берди. Бу ҳозирги янги Ўзбекистон миллий юксалиш даврининг энг асосий дастури ҳисобланади.





ONA VATANINI MADH ETGAN ADIB

*"Дунёдан ўтиб кетганларнинг
фақат яхши сифатларини ёд этинглар"*
Имом Бухорий
Очил БҮРИЕВ

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги миллий юксалиши даврида Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимиз ривожланиши, тинчлик, эл-юрт равнақи, қонун устуворлиги, халқ билан мулоқот, инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар она заминимизда яшаётган барча миллат, халқлар тинчлиги ва дўстлигини мустаҳкамлашга, ҳозирги глобаллашув даврида дунё миқёсида осойишталик ва барқарорликни қарор топтиришга беқиёс ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Юртбошимизнинг инсон манфаатларини кўзлаб чиқараётган ҳаётбахш Фармон ва қарорларини изчил амалга ошириш, миллий ўзлигимизни англаш, бой тарихимизнинг унутилаёзган саҳифаларини қайта тиклаш, шу аснода ҳар томонлама етук, баркамол шахсни тарбиялаш ва маънавий-маърифий жабҳаларда ҳалол хизмат қилиб ўтган таниқли сиймоларни хотирлаш борасида амалга оши-

рилаётган эзгуликка йўғрилган кенг қамровли эзгу тадбирларидан халқимиз ниҳоятда мамнун бўлмоқда.

Давлатмиз раҳбари ижодкор зиёлиларга "Жамият тафаккурининг эгалари" деб юксак баҳо берган эди.

Маънавиятга, маърифатга, санъатга, жумладан адабиётга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. "Адиблар хиёбони"ни ташкил этиш, ижодкорларга гамхўрлик қилиш, ёш иқтидорларни қўллаб-қувватлаш, марҳум адиблар хотирасини ёд этиш борасида кенг қамровли эзгу ишлар амалга оширилмоқда.

Жануб жавоҳири - Қашқадарё воҳасидан етишиб чиққан ўрта аср калом илмининг буюк намояндаси Абул-Муъин ан-Насафий (1077-1114), замондош қаҳрамон шоиримиз Абдулла Ориповлар (1941-2016),

хотираларини абадийлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар айниқса таҳсинларга лойиқ. Юртбошимизнинг "Адабиётга, санъатга, маданиятга эътибор - хал-





XOTIRA-AZIZ, QADR-ABADIY

қимизга, келажакимизга эътибор", деган пурҳик-мат даъвати ижодкорларни янада баракали ижод қилишга ундайди, албатта.

Қашқадарё воҳаси жаннатмакон Ўзбекистонимизнинг фахрланса арзийдиган муқаддас гўшаси саналади. Воҳамизга Юртбошимиздан ошириб таъриф бериб бўлмайди: "2700 йилдан зиёд тарихга, қадимий

маданият ва цивилизация дурдоналарга эга бўлган Қашқадарё замини бизга Яратганнинг марҳамати билан ато этилган бебаҳо ва буюк заминдир. Бу воҳадан қадимда Нахшаб, Насаф, Кеш деган буюк шаҳарлар бўлгани шундай тахаллуслар билан диний ва дунёвий илм-фан ривожига улкан ҳисса қўшган азиз алломаларимиз, авлиёларимиз ҳақида соатлаб гапириш мумкин" (Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз.Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2017. Б.308-309)

Воҳанинг салоҳиятли фарзандлари жаҳон илм-фани, маданияти, маърифати ва адабиёти тамаддунига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келганлар. Қадим-қадимдан бу табаррук заминда инсониятнинг маънавий камолотини таъминловчи цивилизациянинг барча жабҳалари тараққий этган, хазинасига кутубхоналар, масжид, мадрасалар ва аждодларимиз ақл-заковатининг тимсоли бўлган муҳташам тарихий обидалар бунёд этилган.

Юртимиз зиёлиларининг адабиёт соҳасидаги ютуқлари ҳам жаҳон халқлари томонидан эътироф этиб



келинмоқда. Айниқса, эл улуснинг, юртнинг эзгу кунларида беминнат хизмати билан эҳтиромга сазовор бўлган ижод аҳлининг сермахсул меҳнати алоҳида таҳсинларга лойиқдир. Ватанимиз ўзининг буюк келажак сари интилаётган, бу йўлдаги барча ҳаракатларимиз имон-эътиқод туйғуси билан йўғрилиб бораётган бир пайтда ўз тарихий илдиларимизни, шу жумладан, адабий меросимизни чуқур англаш, ундан тегишли сабоқлар олиш ниҳоятда долзарб бўлиб турибди. Зеро, давлатимиз раҳбари доимо таъкидлагандек: "Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган халқимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуг аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаманки, насиб этса ҳавас қилса арзийдиган буюк келажакимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам бўлади".

Ҳақиқатан ҳам юртимизда ҳар қанча фахр билан сўз юритса арзийдиган кўплаб таниқли ижодкорлар яшаб ўтишган. Замондош ижод аҳли ҳам миллий маданиятимизни ривожлантириш, аждодларимиз шон-шухратига муносиб ворислар



бўлиш учун самарали хизмат қилишди. Ана шундай қашқадарёлик сермаҳсул ижодкорларидан бири таниқли шоир ва жамоат арбоби Исмоил Тўхтамишев (1950-2015) эди. Бу мўътабар ном тилга олинганида, бевосита нафақат Қашқадарё адабий муҳити, балки ўзбек адабиётида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлган таниқли шоир, публицист, истеъдодли журналист ҳамда оддий, камтар, фидойи сиймо кўз олдимизда гавдаланади.

Таниқли адиб Тўхтамишев Исмоил Қурбонназарович 1950 йил 18 февралда Қашқадарё вилояти Қарши туманида таваллуд топган. Исмоил аканинг ибратли умрига назар ташланса, ниҳоятда сермазмун, шарафли ҳаёт йўлини босиб ўтганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

У киши ишни дастлаб 1966-1967 йилларда ҳозирги "Қашқадарё" газетасида мусаҳҳихликдан бошлаган. 1967-1972 йилларда Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг журналистика факультетида таҳсил олган. 1972-1980 йилларда Қарши шаҳар Ёшлар қўмитасида бўлим мудирини, биринчи котиб вазифаларида хизмат қилган, 1980-1982 йилларда Тошкент Олий партия мактаби тингловчиси бўлган. 1982-1985 йилларда Қарши шаҳар партия қўмитасида йўриқчи, бўлим мудирини, 1985-1992 йилларда Қашқадарё вилояти маданият бошқармаси бошлиғини, 1990-1991 йилларда яна Қашқадарё вилояти партия қўмитаси мафкуравий ишлар бўйича бўлим мудирини ўринбосарини, 1992-1995 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти аппарати масъул ходимини, 1995-1998 йилларда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги бўлим мудирини, 1998 йилдан Ўзбекистон Ёзувчилар

уюшмаси Қашқадарё вилоят бўлими масъул котибини, ўриндошлиқда 2006 йилдан Халқаро Амир Темур жамғармаси вилоят бўлимига ҳам раислик қилган.

2010 йилда жаҳондаги ягона – буюк бобокалонимиз Амир Темур ҳазратлари шарафига бағишланган "Соҳибқирон юлдузи" журналинини ташкил этиб, унга бош муҳаррир сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатди. Айниқса, жаҳонда шу ном ва мазмундаги ягона журналнинг таъсис этилиши ва мунтазам нашр қилиниши, ўзига хос қиёфасига эга бўлиши ва муштарийлар сонининг кўпайиб боришида Исмоил аканинг ҳиссаси ниҳоятда катта бўлган.

Кўриниб турибдики, И.Тўхтамишев узоқ йиллар давомида турли давлат ташкилотлари, жамоат бирлашмаларида масъул лавозимларда самарали фаолият кўрсатиб, бир қатор кенгаш ва комиссияларнинг фаол аъзоси сифатида қачон, қандай вазифада ишламасин – ҳаммиша ўзининг жонқуярлиги ва ташаббускорлигини амалда намоён этиб келди. У киши 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида вилоятимизда анъанавий Наврўз ва Мустақиллик байрамлари ва бошқа кўплаб тадбирларнинг ўтказиш сценарийларига муаллиflik қилган эди.

Адиб авваламбор меҳнатсеварлиги, ҳалоллиги ва ватанпарварлиги билан эл-юртда обрў-эътибор қозонди, бошқа зиёлиларига ўрнак бўлди. Шогирдларидан Мафтуна Норматова Зулфия номидаги Республика Давлат мукофотини олишга эришди. Воҳадаги кўплаб ёш ва ўрта авлод ижодкорларининг вояга етиб, самарали ижод қилишларига Исмоил аканинг шахсан ўзлари бош-қош бўлган эди, десак асло му-



болаға бўлмайди.

Шу билан бирга ижод завқи, озод ва обод Ўзбекистонни тараннум этишга чорлаб турган файзли илҳом сурури Исмоил акани умрининг охирги дамларигача тарк этмади. Айниқса истиқлолдан сўнг таланти шоирнинг ижоди янада юқори чўққига кўтарилди ва баракали бўлди дейиш мумкин.

"Ўзбекистон шеърятнинг бир жилғаси" - Исмоил ака ўзининг ҳаёти ва фаолияти даврида кенг қамровли ижодкор сифатида баракали меҳнат қилди. Адибнинг 20 дан ортиқ салмоқли китоблари нашр этилган. Буларга уч жилдлик "Сайланма"си (1-ж., Т., 2001; 2-ж.; Т., 2004; 3-ж., Т., 2004), икки жилдли "Бу гулшан саҳнида" (Т., 2006, 2010), "Боқий умр" (Т., 2004), "Ерқўрғон" (Т., 2005), "Сийпантош" (Т., 2003), "Безовта қалб" (Т., 2015) катта биларни киритиш мумкин. Ушбу китобларга Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов, "Ўзбекистон халқ шоирлари - Жуманиёз Жабборов, Нормурод Нарзуллаев, профессор Поён Равшановлар мухтасар сўзбошилар ёзишган. Шоирнинг кўплаб шеър, дoston, публицистик мақолалари Қашқадарё вилояти, Ўзбекистон матбуоти саҳифаларида тез-тез босилиб турарди. Республика, вилоят радио ва телевидениесида кўплаб чиқишлари билан довруғ қозонган эди.

Таниқли шоирнинг 50 дан зиёд сара шеърлари юртимизнинг таниқли санъаткорлари томонидан севиб куйланиб, элимизга ниҳоятда манзур бўлмоқда.

Кўпгина ёш хонадалар Исмоил аканинг сермазмун шеърларини куйлаб эл-юртга танилмоқда.

Исмоил ака турмуш ўртоғи Сония опа Тошева билан 40 йилдан

зиёд вақт ичида намунали ва мустақкам оила қуришиб, уч нафар ўғил ва бир нафар қизни вояга етказишди. 11 нафар набиралари бор. Улар ҳозирги пайтда эл-юртимиз корига яраб, турли соҳаларда меҳнат қилишмоқда.

Таниқли санъат арбоби Жаббор Тошевнинг таъкидлашича И.Тўхтамишевнинг қашқадарёлик таниқли ижодкор, санъаткорлар ҳаёти ва ижодига бағишланган "Бу гулшан саҳнида" 2-жилдлик китоблари нашр этилганида Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Омон Мухтор (жойлари жаннатда бўлсин) ўз қувончини тўхтатолмасдан йиғлаган ҳамда "Қанийди, мен ҳам қашқадарёлик бўлсам эди, шу китобдан жой олар эдим", деб Исмоил акага қайта-қайта тасаннолар айтган экан.

И.Тўхтамишевни юртимиз тарихини ниҳоятда пухта биланлигига гувоҳ бўлганмиз. Таниқли адибнинг тарихий мавзудаги "Ерқўрғон" дostonи, "Сийпантош", "Оқсарой" каби сермазмун асарлари ҳам буни тўла исботлайди.

Исмоил ака республика ва вилоят миқёсидаги маънавий ва маърифий тадбирларда доимо фаол қатнашар, кўпинча ўзи бош-қош бўларди. Қарши, Шаҳрисабз шаҳарларининг 2700 йиллик тантаналари, Соҳибқирон Амир Темурнинг 660, 670 йиллик тадбирларни ўтказишда ҳам мутассади раҳбар сифатида иштирок этди.

Ҳар йили баҳорда ва кузда вилоят, мамлакат миқёсида кураш ва кўпкари мусобақаларининг ташкил этилишида фаол иштирок этарди. Апрель ойи бошида Қарши ёки Шаҳрисабз шаҳарларида Республикамикимизнинг атоқли олим ва адиблари иштирокида Амир Темур тавал-



лудига бағишланган илмий анжуманлар, «Темурий маликалар» кўрик танловлари ўтказиш анъанага айланганди. Қашқадарё телевидениясида уюштирилган ўқувчиларнинг "Билимдонлар баҳсига" ҳам у киши кўп йиллар бош қош бўлган эди.

Агарда Қарши шаҳрига мамлакатимиз пайтахтидан ёки вилоятларидан бирон бирор адиб ташриф буюрса, албатта, Исмоил ака хонадонидан меҳмон бўлар ва у киши меҳмонларни иззат-икром билан кузатиб қўйилар эди.

У кишини ҳеч қачон ёлғиз ҳолда юрганини кўрмаганмиз, ёнида, адиблар, олимлар, санъаткорлар ёки шогирдлари бўлар эди. Ҳар бир маърифий анжумандан сўнг қатнашувчилар яна бир бор суҳбатлашиб, қизиқ воқеалар эслар, сўнг тарқалиш анъанага айланган эди. Одамийлик мулки соҳиби Исмоил аканинг бу каби эзгу фазилатлари ҳақида кўплаб рисолалар ёзса ҳам арзийди.

Муборак ҳадисларда таъкидлагандек: "Кишиларнинг яхшиси халққа фойдалироғидир". Ана шундай муътабар сиймо - толмас ижодкор Исмоил Тўхтамишев умрнинг охиригача элим деб, юртим деб ёниб яшад ва она Ватанни мадҳ этди.

Бир умр она юртимиз равнақи, севимли халқимиз маънавиятини юксалтиришда ўз муносиб ҳиссасини қўшган ўта сермахсул ижод-

кор Исмоил Тўхтамишевга ҳаётлигида бирорта ҳам давлат мукофоти ёки фахрий унвон насб этмаган эди. Шу боисдан ҳам фидойи ижодкор И.Тўхтамишев хотирасини абадийлаштириш бўйича мутасадди раҳбарлар ўйлаб кўришса, жуда савобли иш бўлар эди.

Таниқли адиб, журналист ва жамоат арбоби Исмоил Тўхтамишев агар ҳаёт бўлганда таваллудининг 70 йиллиги нишонланаётган бўларди.

Нафақат Қашқадарё вилояти, қолаверса, мамлакатимизда кўзга кўринган ижодкор, камтар, фидойи, оилапарвар инсон, оқибатли дўст ва биродар эди. Демаки, у кишидан салмоқли маънавий хазина, шогирдлари, инсонларга қилган яхшиликлари, эзгу ишлари ёдгорлик булиб қолди. Ватанни матҳ этган, эл ардоқлаган таниқли сиймо Исмоил Тўхтамишевнинг порлоқ ҳаёти, сермазмун фаолияти ва баракали ижоди барчамизга доимо ибрат намунаси бўлиб қолиши шак-шубҳасиздир.

Пайгамбаримизнинг муборак ҳадисларида шундай қуйма ҳадислар келтирилган: "Ватанни севмоқ иймондандир", "Мўминларнинг энг афзали хулқли кишилардир". Дарҳақиқат дили пок, тили пок ва ўзи пок ҳазрати инсон Исмоил ака Тўхтамишевда ана шундай эзгу инсоний фазилатлар тўла мужассам эди, десак асло муболаға бўлмайди.





XOTIRA - AZIZ, QADR - ABADIY

SHE'RIYATIMIZNING BIR JILG'ASI EDI

**Дамин ТЎРАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор**

Қашқадарёлик шоир Исмоил Тўхтамишев шеърят мухлислари қалбидан ранг-баранг мавзудаги асарлари билан жой олган ижодкор эди. У ҳаётий фаолияти давомида турли масъул лавозимларда ишлади ва шоир сифатида жамоатчилик назарига тушди. Исмоилжон билан ижодий мулоқотларда, адабий анжуманларда бирга бўлиб, унинг ижодкор ва инсон сифатидаги ажойиб фазилат эгаси эканлигига амин бўлганман. Энг эътиборли томони шундаки, у Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими раҳбари бўлиб ишлаганда воҳада қизгин адабий муҳитни яратишга эришди.

Унинг шеърларида улуғланган ватанпарварлик ва инсонийлик, эзгулик ҳамда меҳр-мурувватлик шоирнинг инсон сифатидаги ҳаётий маслага ҳам эди. Шоирнинг ўқувчилик ва талабалик йилларида эълон қилган "Одамлар" ва "Биринчилар" шеърларидан тортиб камолот чўққилари сари изланишларининг меваси бўлган "Чўл бойчечаги", "Онам тилаклари", "Дунё устуни", "Хайқириқ", "Сенга интилдим", "Дил садолари", "Кўҳна Насаф хаёли", "Бобомерос юрт", "Сайланма" (икки жилдлик), "Сийпантош", "Ҳад", "Ерқўрғон", "Ёниб яшаш бахти" каби асарларини мутолаа қилган китобхон юқоридаги фикримизга ишонч ҳосил қилади. Шоир адабиётнинг азалий бурчи - умумбашарий ғояларни, бахт-саодат, дўстлик ва тинчликни ҳамда ватанпарварликни кўтарингки руҳда кўйлар экан, буларнинг асосида ҳаёт бунёдкори инсон ва унинг орзу умидлари туришини алоҳида таъкидлайди:

*Бу дунёнинг қўламлари бепоён, ҳадсиз,
Хаёлларим чарх уради кўкка сарҳадсиз,
Яшамоқдан маъно уқмам ҳиссиз, мақсадсиз,
Мен ҳеч қачон кечмагайман орзуларимдан.*





Исмоил юксак руҳиятнинг маҳсули – сўз санъатининг инсон маънавиятида муҳим ўрин тутишини ҳис этадиган ва унга катта муҳаббат билан ёндашадиган шоирлардан эди. Шунинг учун ҳам у қўлига қалам олганда шеърининг кўнгилларни ўйғотувчи, ҳақиқатга юз тутувчи, келажакдан эзгулик сўровчи, зулматда ёруғликка етакловчи хусусиятларни алоҳида эътибор беради:

*Эзгулик деб, шеър, газал битдим,
Ҳақни кутдим ёшу қаридан.
Чинин айтсам, толиблар кетдим,
Бу ҳаётнинг зарбаларидан...*

Шоирнинг "Журъатларим ўлмас агар", "Юришмай жойда депсинди ишим", "Шоир", "Ҳар он зарур мактаб", "Мулоқот", "Шеърим", "Тақдимнома" каби шеърлари асосини ҳам ана шундай мотивлар ва инсонни эзгу ниятларга ошно этишдаги, ҳаётнинг рангин ҳолатлари билан таништиришдаги, энг муҳими, ҳаёт ҳақиқатига тик боқишга даъват этиш хусусиятлари ташкил этади.

Шоир XX асрнинг 70–80 йилларида яратган шеърларида собиқ шўро тузумига бўлган муносабатини, хусусан, халқимиз ҳаёти ҳақидаги собиқ марказ томонидан тўқилган бўҳтонларга ҳам ўз қарашларини рўйи рост ифодалаган эди. "Ёғли бўл", "Расмиятчилик", "Жоним кетайлик", "Кўҳна Насаф хаёли", "Таржимаи ҳолим", "Кўнглим истайди", "Чидадик" каби шеърлари ўзлигимизни англашга ва миллий туйғуларни улғулашга, ёш авлод қалбида она-Ватанга меҳр уйғотишга, уларни Ватан туйғуси руҳида тарбиялашга қаратилгани билан шоир ижодий мундарижасини безаб туради:

*Ёғли бўл ўзини ўзлаган юртнинг,
От миниб олисни кўзлаган юртнинг.
Керак бўлса ҳатто фидо қилиб жон,
Ёз қадрин унутмай бўзлаган юртнинг.
Ўтмиши ҳеч қачон тортмаган хира,
Аждодин эъзозлаб сизлаган юртнинг...*

Бу каби мисраларда нафақат лирик қаҳрамоннинг ватанпарварлик ва миллий ифтихор туйғулари акс этган, балки шўро ҳокимияти йилларидаги халқимизнинг иродаси ва ақл-заковати ҳам ўз тасвирини топган эди. Шоир шеърларидаги бу каби фазилатлар истиқлол йилларида янада қуюқлашди. Ватан истиқболи ва халқ бахтини куйловчи шеърлари янги мазмун касб эта бошлади. Бу йилларда нашр этилган "Сийпантош", "Сайланма", "Бобомерос юрт", "Ҳад", "Ерқўрғон", "Ёниб яшаш бахти" каби асарларида Ватан мустақиллигини мустаҳкамловчи, юртнинг эртаси учун заҳмат чекаётган истиқлол фидойиларининг образлари яратилди. Энг муҳими, бу тўпламлардаги шеърларда миллий қадриятларни улғулаш, келажак буюк бўлган давлат қуриш иштиёқида ёниб яшаётганларнинг инсоний туйғулари теран ватанпарварлик оҳанглирида куйланди. Бунинг мисолини шоир "Сайланма"нинг иккинчи жилди (2011)дан ўрин олган "Эл, Ватан чун", "Тинчлик



XOTIRA-AZIZ, QADR-ABADIY

учун", "Бўлмайди қарам", "Яна нима бўлсин, биродар", "Бўлган эл-юртнинг", "Қилгин шукрона", "Виждон азоби", "Ёзингга қайтаман ҳаёт", "Ватан", "Амир Темур монологи" каби шеърларидаги мисраларда кўришимиз мумкин:

*Олисларга учар ўй-хаёл,
Фарзандлари топмасин завод,
Садо берсин доим бир савол:
Эл, Ватан чун мен нима қилдим?!*

Шоир Она юрти Қашқадарё ҳароратини, воҳа тафтини қалбига жо қилган ижодкор эди. Шу сабабли унинг "Ерқўрғон", "Муборак дараси" дostonларида, "Ифтихорим қўрғонидирсан", "Эл-юрт таянчи", "Бўлган эл-юртнинг" каби шеърлари ва бир қатор бағишловларида Қашқадарё кенгликлари ва чўллар ҳарорати, Насаф манзаралари, танти ва мард одамлари бўй кўрсатиб туради:

*Ўтмишидан сўзлагай узоқ,
Ҳар бир сопол, тошларин бари.
Мозийлардан бергайдир сабоқ,
Ерқўрғоннинг обидалари.*

Адабиётнинг умрбоқий мавзуи - муҳаббат мавзуи ҳам Исмоил шеърияти мундарижасида алоҳида ўрин тутганлигини эсламоқ керакдек туйилади. Инсондаги пинҳоний туйғуларни ва севгининг сезилмас сирлари, ошиқнинг севинч изтиробларини, ошуфта хаёллари-ю, аҳди паймонларини ва висол онларини "... Сиз-ла кемалар", "Сизни кўргим келаверади", "Яшагим келди", "Рашк", "Мен яшаб юрибман", "Сенга йўл бўлсин", "Атиргул...", "Дарё бўлиб", "Авжига чиқар тошқинлар, селлар" каби шеърларида ўзига хос йўсинда куйлар экан, лирик қаҳрамоннинг ҳиссий ҳолати ва қатъий иродасини ҳаётий ҳолда тасвирлаб беришга ҳаракат қилади:

*Тўлғониб чиқаман боқиб самога,
Ушалмас бир армон бағримни тилар.
Сигмасдан кетаман ҳадсиз дунёга,
Муҳаббат мангу деб ҳайқиргим келар.*

Шоирнинг бир қатор шеърлари ва кўплаб тўртликлари китобхонни ҳаёт мазмуни ва инсон умри ҳақида мулоҳаза қилишга ундайди. Хусусан, "Тун манзаралари", "Ёзингга қайтаман ҳаёт", "Осмон бўлиб қололмасмиз биз", "Армонлар юракни ўртар", "Чарчаблар кетдим", "Боролмасман Сиз томон", "Қор манзаралари", "Бир озгина гинам бор", "Дунё воқеалари" каби шеърлар ҳаётнинг турли-туман рангин ҳолатлари, инсон кечинмалари ва унинг ҳаётидаги зиддиятлар, замондошларимиз характерларидаги эътиқод ва диёнат, амал-мартаба ва шуҳрату шаънга муносабати хусусида баҳс қилади. Бу шеърлардаги мисралар тағ-заминида салмоқли мазмун-моҳият акс этган. Шоир асарларидаги бу каби фазилятлар унинг номини сержило шеърриятимизнинг бир жилғаси сифатида ўз мухлислари ёдида сақлайди.



Уағажилликни соғ‘иниб yasha...

Ори бордир Қашқадарёнинг

*Карвонлар келадирлар йўл босиб олис,
Ниятларда эзгуликлар мужассам холис,
Нафосатнинг боғларида гулдан-да нафис,
Чертилмаган тори бордир Қашқадарёнинг.*

*Дунё узра доврўғ солган Темур ўғлони,
Юрт меҳридан йўғрилгандир шуҳрати, шони,
Томирларда жўш уради гупурган қони,
Дилни ёққан ори бордир Қашқадарёнинг.*

*Назар солмиш азалдан ҳам унга яратган,
Толелари оламаро нурлар таратган,
Ҳар бир ишда зиё сочиб, сеҳрин қаратган,
Дардга малҳам, кори бордир Қашқадарёнинг.*

*Кўзин тикиб юксакларни илғар олдиндан,
Устун турар доимо у гинадан, киндан,
Жаҳонларга машҳур қилган халқини чиндан,
Алп қоматли - нори бордир Қашқадарёнинг.*

*Аждодларга муносибдир ҳар бир ўғил, қиз,
Тарихлардан жой олгайдир босилган ҳар из,
Дунё кемтик кўринади Насафийларсиз,
Кўллаган дўст, ёри бордир Қашқадарёнинг.*

Кўнглимга

*Кўпдан сенинг қолганинг, рост,
Минг бир кўйга солганинг, рост.
Бўлар-бўлмас толганинг, рост,
Кўнглим, энди кел ўзингга.*

*Мунча эрта келди қишинг,
Мўлдир жумбоқ, ё ташвишинг.
Ҳали кўпдир қилар ишинг,
Кўнглим, энди кел ўзингга.*

*Фулу тушди гоҳ жонларга,
Ишонмагин кўп шонларга.
Ўрганмагин ёлғонларга,
Кўнглим, энди кел ўзингга.*

*Яшамоқдан бор муддао,
Ёмонликни кўрма раво.
Қилмагин кўп кек, иддао,
Кўнглим, энди кел ўзингга.*

*Келиб-кетар елдай гўё,
Ғаниматдир нур ва зиё.
Насиб этмиш кимга дунё,
Кўнглим, энди кел ўзингга.*

*Кенгроқ тутгин сен сал феълни,
Омухта қил дилга-дилни.
Тарк этмагин Исмоилни,
Кўнглим, энди кел ўзингга.*





XOTIRA - AZIZ, QADR - ABADIY

Она қўлни обини дуога

Дунё турсин осойишта, тинч,
Ҳар бир дилда балқисин севинч,
Барҳақ бўлсин ҳамиша илинж,
Олам тўлсин дея зиёга,
Она, қўлни очинг дуога.

Тўлиб оқсин дарё, сойимиз,
Мўл-қўл бўлсин дон,
буғдойимиз,
Порлайверсин юлдуз, ойимиз,
Олам тўлсин дея зиёга,
Она, қўлни очинг дуога.

Чоҳ қазмасин одамга одам,
Баҳам кўрсин шодлигин
ҳар дам,
Инсоф берсин ёмонларга ҳам,
Олам тўлсин дея зиёга,
Она, қўлни очинг дуога.

Яратганнинг ўзи қўлласин,
Тўғри йўлга бизни йўлласин,
Ватанимиз яшнаб, гулласин.
Олам тўлсин дея зиёга,
Она, қўлни очинг дуога.

Онажоним, дорудир замон,
Сиз туфайли қучилгайдир шон,
Бахтимизга бўлингиз омон.
Жўр овозман Сизнинг дуога:
Олам тўлсин дейман зиёга.

Маъноси бошқа

Менга сабоқ берма фидойилиқдан,
Муҳаббат куйида адоийликдан.
Тоғлардан акс келар садойилиқдан,
Бугун садоқатнинг маъноси бошқа.

Маъруза ўқима гурур, мардликдан,
Қалбларга қўнмаган губор, гардликдан.
Шаън учун тикилган гаров,
шартликдан,
Бугун матонатнинг маъноси бошқа.

Кўкларга тикканмиз кўз қиримизни,
Пинҳон сақлағаймиз ўй, сиримизни.
Алдаблар не қилдик бир-биримизни,
Бугун қаноатнинг маъноси бошқа,

Замон шиддатига солгаймиз қулоқ,
Мард, танти тутгаймиз ўзларни
ҳар чоқ.

Дўстгинам беҳуда чиранма, бироқ,
Бугун синоатнинг маъноси бошқа.

Муқаддас санашиб чин қиблагоҳни,
Бир вақт ёд олганлар фақат Оллоҳни.
Санаш мушкул энди айбни, гуноҳни,
Бугун тиловатнинг маъноси бошқа.

Дунёда барқарор ҳали ҳамият,
Кўнгилда жо бўлса ҳақ, самимият,
Тантана қилади эзгу ўй, ният,
Бугун инобатнинг маъноси бошқа.

Исмоил, яшайвер ўз ўйинг билан,
Эл-юртга аталган шеър, куйинг билан.
Халойиқ билгайдир баст,
бўйинг билан,
Бугун саодатнинг маъноси бошқа.



Бу дунёнинг ишлари...

*Бу дунёнинг ишлари қизиқ,
На боши бор, на бир охири.
Шошадирсан, доим вақтлар зиқ,
Очилмагай кўнгиллар сири.*

*Бу дунёнинг ишлари қизиқ,
Тўлмагайдир ҳеч қачон ками.
Ҳар қадамда довол ва тўсиқ,
Барҳам топмас алами, гами.*

*Бу дунёнинг ишлари қизиқ,
Ҳеч бир кимса бўлганмас
устун.
Ушалмаган орзу, армон лиқ,
Тошдай қотган қалбларда
маҳзун.*

*Бу дунёнинг ишлари қизиқ,
Омад кулиб боқар нокаса.
Пешонанга тортади чизиқ,
Муҳтож қилар ҳаттоки хасга.*

*Бу дунёнинг ишлари қизиқ,
Ҳамроҳингдир бир умрга гул.
Термуласан меҳрга интиқ.
Қалбларга ҳеч топилмагай йўл.*

*Бу дунёнинг ишлари қизиқ,
Эзгуликни қилмассан қанда.
Муштоқдирсан бир сўзга илиқ,
Лекин бу сўз "Нондек арзанда".*

*Бу дунёнинг ишлари қизиқ,
Ўтиб кетма қилиб томоша,
Мудом айла ўйларни тиниқ,
Яхшилиқни соғиниб яша ...
Бу дунёнинг ишлари қизиқ ...*

**Исмоил Тўхтамишев,
2008 йил**



Назира УРОҚОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси, шоира

Ўстозим

Исмоил Тўхтамишевга

*Сизга томон учгим келар ҳар бир он,
Суҳбатлардан бўлгим келар баҳраманд.
Йўли-йўриқ олган пайтлар, шу замон
Орзуларим бўй чўзади сарбаланд.*

*Ташвишингиз етарлидир менсиз ҳам,
Ўзингиз ҳам яхши сўзнинг гадоси.
Ҳар бир дардга излағайсиз қор, малҳам,
Бўладирсиз бировларнинг адоси.*

*Тасодифлар жуда кўпдир дунёда,
Таскин эрур устоз ҳар бир сўзингиз,
Талабчансиз, орзу ҳаддан зиёда,
Юксақларга қадалгандир кўзингиз.*

*Меҳрларим ортиб борар кун сайин,
Сизсиз балки кетар эдим мен синиб.
Қани энди яхшилиқни сиздайин
Яшасайди ҳамма бирдай соғиниб.*



TEMURSHUNOSLIK

MIR SAYYID SHARIF JURJONIYNING HAYOTI VA ILMIY MEROSI

Тўлқин ҲАЙИТ,

*Халқаро Амир Темур жамоат фонди бошқарув
раисининг биринчи ўринбосари.*

Улуғларнинг ишлари ҳам улуғ бўлади. Бу гап беҳуда эмас. Амир Темурнинг пайгамбаримиз авлодларига, саййидларга, авлиёларга, илм аҳлига, ижодкор зотига; ё ҳунарманда, ё истеъдодли йигит, қиз бордирки, уларга нисбатан оталарча ғамхўр бўлганига гувоҳ бўламиз. Ўтмишда эса бу зотнинг бундай меҳрибончиликлари ўзгача талқин этилди, яъни бузиб кўрсатилган эди. Истеъдодли кишиларни Соҳибқирондек улуғ ҳукмдорнинг иссиқ бағрига олиб, уларни қўллаб-қувватлаши энг эзгу ишлардан бири эмасми?! Масалан, у Усманийлардан чўчигани учун гоҳо бу зот ҳақидаги ҳақиқатга зид афсона, ривоятларни ўз асарига киритган Ибн Арабшоҳни, нафақат унинг ўзини, балки бутун оиласини Самарқандга олиб келиб, қулай шарт-шароит яратиб бермаганда, ким билади, у дунёга танилармиди, йўқми, Худо билади.

Биз энди бугун халққа ҳақиқатни, мозийимизнинг мустамлакачилик йилларида бузилган жиҳатларини тўғрилаб, элимизга етказётганимиздан хурсандман. Ҳақ гап шуки, Амир Темур қаерда бир истеъдодли одамни кўрса, албатта, унинг суҳбатига ошиққан, керак бўлса, унга ҳомийлик қилиб, баракали ижод этишига кўмак ва тurtки берган. Ибн Арабшоҳдан ташқари, Ҳофиз Шерозийни оласизми ёки Шоҳмаликними, невараси Мирзо Улуғбекни ва бошқаларни олинг, уларнинг барига қандайдир маънода ёрдами теккани, кўмак бергани ҳақиқатан бошқа нарса эмас. Жумладан, Мир Саййид Шариф Журжонийни ҳам 1387 йилда Самарқандга олиб келган ва ўзи қурдирган "Дор уш-шифо" мадрасасига мударрис этиб тайинлаган эди. "Темур тузуклари"нинг "Дини шарият тузуги" бўлимида Мир Саййид Шариф Журжонийдан мактуб олгани ҳақида айтилганки, бу манбанинг биз учун аҳамияти катта бўлиб, Журжонийнинг ҳаёти ҳақида кўпроқ маълумотларга эга бўлишимизни тақозо этади.

Демак, исмдан бошлаймиз. Чунки ҳамманинг Худо берган чиройли исми мавжуд. Бу зотнинг асл исмлари АЛИ ИБН МУҲАММАД ИБН АЛИ ҲУСАЙН ЖУРЖОНИЙ бўлиб, манбаларда қайд этилишича, милодий 1339, 740 ҳижрий йилда Астробод яқинидаги Тоғу қишлоғида туғилган. 1403 йилда Шерозда вафот этган.

Бу улуғ олимнинг ҳаётини шунчаки таърифлаб бўлмайди. Шу боис, биз унинг ҳаёти ва фаолиятини қуйидаги йўналишларда кўриб чиқамиз:

- 1) олим сифатида шаклланган даврлари;
- 2) ёзган асарлари;



3) фалсафаси.

Бизгача етиб келган кўпгина манбалар олимнинг ёшлик йиллардан бошлаб барча фанлар сингари фалсафа, мантиқ ва тилшуносликка жуда қизиққанлиги ҳақида аниқ маълумот беради. Бу ўринда биз унинг 1365 йилда таълим олиш учун Ҳиротга, машҳур файласуф Қутбиддин Муҳаммад ар-Розий ат-Тахтоний ҳузурига борганини айтиб ўтишимиз мумкин, лекин Тахтоний бу пайтда анча кучдан қолиб, қариган ва унингдек оловқалб йигитнинг катта талабига жавоб беролмасигини, Худо олдида гуноҳкор бўлиб қолмаслигини англаб, уни Мисрга, ўз шогирди Муборакшоҳ ҳузурига боришни маслаҳат беради. Афтидан, Мисрга боришга унинг имконияти бўлмаган ёки бу ерда бошқа сабаб ҳам бўлиши мумкин, аммо Журжоний анча сергайрат ва келажакка ишонувчи йигит бўлган кўринадди, хусусан, кейинги манбаларга мурожаат қиладиган бўлсак, унинг 1368 йилгача Ҳиротда истиқомат қилганига гувоҳ бўламиз.

Ўша кунларда бўлажак олимнинг файласуф Муҳаммад Оқсаройининг фалсафий қарашлари билан қизиққанлиги, мантиқшуносликка оид асарлари билан танишгани эътиборимизни тортади. Бу тасаввуримиз ҳақиқатан йироқ эмас, кўп ўтмай биз ёш олимнинг айнан шу файласуфдан таълим олиш учун Қорамон шаҳрига бориб, унинг шогирди Муҳаммад Мулло Фанорий билан дўст тутинганини кўрамиз. Балки улар биргаликда устозларидан таълим олишган бўлишлари ҳам мумкин. Лекин яна манбалар қайд этадики, икки дўст 1370 йилда Мисрга бориб, тўрт йил давомида Муборакшоҳ билан Акмалиддин ал-Бобартийлардан сабоқ олишади. Бизнингча, Журжоний фақат шу илм билан қониқмаган, ўз савиясини ошириш учун 1374 йилда Истанбулга бориб, изланишларини давом эттиргани шуни кўрсатадики, демак, у ўз устида ишлашдан, бу йўлдаги меҳнат-машаққатлардан чўчимаган. У ердан қачон қайтгани аниқ айтилмаган, аммо унинг 1387 йилгача Шерозда яшагани аниқ.

Самарқанд Мир Саййид Шариф Журжонийнинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этди. Кўп эмас, оз эмас, нақ йигирма йил давомида у Турон давлатининг улуғ пойтахти, илм ва фан маскани, гўзал ва бетакрор Самарқандда яшади, улуғлар илмидан баҳраманд бўлди, жуда катта тарихий воқеаларни ўз кўзи билан кўрди, дунёқараши, тафаккури ошди, йирик файласуф, мантиқшунос олим бўлиб етишди. Айниқса, Мирзо Улугбекдек улуғ ҳукмдор ва йирик олимнинг унинг дунёқарашини шаклланишида жуда таъсири борлигини алоҳида қайд этиб ўтиш керак.

Журжоний 50 дан ортиқ асарлар ёзган. У Хоразмда яшаб ўтган Маҳмуд ал-Чағминийнинг "Астрономияга оид сайланма шарҳ", Насриддин Тусийнинг "Носирий тазкиратига шарҳ"; "Таърифлар", "Мантиқ усули", "Мунозара олиб боришнинг қоидалари ҳақида рисола", "Кичик да бўла оладиган ҳукм", "Мантиққа ўрта хулоса", "Мерос бўлиш мажбуриятларининг Сарожий таърифига шарҳ" ва бошқа шарҳлари ўзига хос аҳамиятга молик асарлар ҳисобланади. Уларда қуйидаги фалсафий масалалар ўз ифодасини топган:



TEMURSHUNOSLIK

- борлиқ ҳақидаги таълимот;
- қоинот жумбоқлари;
- модда ва унинг шакллари;
- жонсиз ва жонли дунёнинг хусусиятлари;
- тил ва тафаккур алоқалари;
- мантиқий фикрлаш таълимоти;
- жисмоний тарбия ва руҳий муолажалар, муносабатлар.

Булардан хулоса қиладиган бўлсак,
Журжоний нимага интилди, унинг бу илмларни ўзлаштиришидан асосий мақсади нима эди, деган саволлар олдимизда кўндаланг бўлади.

Уни қоинот сирлари, инсон ва унинг ақл-заковати кўпроқ қизиқтирди ва уларни қамраб олувчи дунёнинг умумий манзарасини баён этишга ҳаракат қилди, яъни унинг ўзига хос ақидаси шундан иборатки, у **БОРЛИҚ МАНЗАРАСИНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ТУШУНТИРИШ**га ҳаракат қилди.

"ДУНЁНИ акс эттирувчи кўзгу" рисоласининг биринчи боби

ВОЖИБ УЛ-ВУЖУД

МУМКИН УЛ-ВУЖУД

мавжуд эканлигини асослашга бағишланган.

У буларга шундай таъриф беради:

"**ЙЎҚ БЎЛИШИ МУМКИН БЎЛМАГАН, БОР БЎЛИШИ ЭСА ЗАРУР БЎЛГАН НАРСА** вожиб ул-вужуд, дейилади.

БОРЛИҒИ ҲАМ, йўқлиги ҳам зарур бўлмаган нарса эса МУМКИН ул-ВУЖУД, деб аталади". (ЎзФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзмалар фонди "Ойнайне гининамо", 1-саҳ).

ВОЖИБ УЛ-ВУЖУД нима?

Бу **ТАНҒРИ!**

МУМКИН ул-вужуд-чи?

МОДДИЙ ОЛАМ!



Унинг фикрича, **МУМКИН ул-вужуд** бирон-бир сабабга эҳтиёж сезади ва бирор тўртки туфайли **ВОЖИБ УЛ-ВУЖУД** даражасига кўтарилади.

Унинг ўзига хос таърифи шуки, бутун борлиқ бир-бирига қонуний равишда боғланган бўлакчалардан иборат бўлиб, улар **ЯҒОНА ТАНА** сифа-



тида бирлашган.

Журжоний ўз фалсафасида акс эттирадики, моддийлик гоёлардангина иборат эмас, балки ДИАЛЕКТИК дунёқараш мавжуд.

У ёзади: "САМОВИЙ ГУМБАЗ буюк доирадир. У барча жисмларни қамраб олган бўлиб, моддий дунёни чегаралаб туради. Аммо у бўшлиқ эмас. - Ҳар бир нарса атрофидаги нарсага тегиб туриши зарур ва бир-бирининг ортидан қатъий тартибда жойлашган ва бўшлиқнинг ўзи йўқ. Буларнинг бариси, бари таркибий қисми ОЛАМ, деб аталади" (Маънавият юдузлари.Т., 2001, 185-б).

ЖУРЖОНИЙ Шарқ мамлакатлари МАНТИҚИЙ МЕРОСИНИ янада ривожлантирди.

XIV-XVI асрларда, яъни Амир Темур ва темурийлар даврида ёзилган дарсликлар ва қўлланмалар, таълим соҳасида Журжонийнинг ўзидан олдин ўтган файласуфлар ҳамда устозлари ва сафдошлари асарларига ёзган шарҳ ва ҳошияларига таянганлигини айтиб ўтишимиз ва унинг бутун ижоди, меҳнати бу даврда катта аҳамиятга эга бўлганини қайд этишимиз мумкин. Ва айнан шу даврда МАНТИҚ ИЛМИнинг ҳуқуқ, тил ва илоҳиёт соҳалари кўпроқ тадқиқ этилди.

Журжоний ўз асарларида НАЗАРИЙ БИЛИМЛАРга ҳам жиддий эътибор қаратган. Унинг фикрича, НАЗАРИЙ БИЛИМЛАР бошланғич билимлар ва улар тўғрисида фикрлаш йўли билан қўлга киритилади. Бу жараёни у ХУЛОСА, деб атади ва унинг УЧ ТУРИни кўрсатиб ўтади:

-қиёс (силлогизм);

-эстекро (индукция - бўлақдан бутунга томон ҳукм юритиш);

-ҳадс (аналогия - ўхшатиш).

Булардан ҚИЁС ХУЛОСАнинг БОШ ТУРИ, яъни асосий воситасидир.

Журжонийнинг ИНДУКТИВ ва ДЕДУКТИВ хулосалар ҳақидаги фикрлари билан АРАСТУ ва Шарқ донишмандлари фикрларини ривожлантирди, уларни тўлдиришга эришди. Унинг фикрича, ИНДУКЦИЯ фақат тахминий мулоҳазаларга олиб келади, яъни у ДЕДУКТИВ (бутундан бўлакка ўтадиган) ҳолатга ўтадиган хулоса келиб чиқиши мумкин. Шу билан бирга олим айтадики, ИНДУКТИВ йўл билан ҳосил қилинган билимлар ҳар доим ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди, чунки инсон тажрибаси ҳеч қачон тўла мукамалликни бермайди.

Юқорида айтганимиздек, ЖУРЖОНИЙнинг фаолияти туфайли Темурийлар даврида инсон билимларининг барчасига қўлланиладиган қоида ва мезон қонунига айланди, яъни унинг меҳнатлари ТОШУ ТАРОЗИ вазифасини ўтади.

Айтиш керакки, олимнинг улкан илмий изланишлари натижаси Мирзо Улугбек Академиясининг вужудга келишида ҳам ўз таъсирини ўтказди, чунки унинг кўплаб шогирдлари БУ ИЛМИЙ МАРКАЗнинг негизини ташкил этган эдилар.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, Мир Саййид Шариф ЖУРЖОНИЙнинг илмий меросини ўрганиш бугунги кунимиз учун фойдадан холи эмас.



AMIR TEMUR VA YILDIRIM BOYAZID: TARIX VA HOZIRGI ZAMON

Ҳакимжон АЛИҚУЛОВ,
СамДАҚИ, «Ижтимоий фанлар» кафедраси, катта ўқитувчи,
фалсафа фанлари номзоди.

Таянч сўз ва иборалар: тарих, Амир Темур, Йилдирим Боязид, Туркистон, Туркия, мактублар, Анқара жанги, ҳарбий салоҳият, Шом, Фаранг, Ажам, Олтин Ўрда.

Амир Темурнинг Йилдирим Боязид билан ўзаро дипломатия муносабатлари ушбу мақолада ёритилади. Тадқиқотларимизга кўра бир-бирдан жуда олис масофада фаолият юритган Соҳибқирон ва Йилдирим Боязиднинг ўзаро душманлик муносабатида бўлишлари учун ҳеч бир сабаб таъсир кўрсатмаслиги лозим эди. Аммо, объектив ва субъектив сабаблар замирида XV асрнинг энг катта жанглиридан бири Анқара жанги келиб чиққан.

Тарихшуносликда Амир Темур ва Йилдирим Боязид ўртасидаги мактублар алмашиш ҳали кам ўрганилган. Соҳибқирон Турк султониغا панду ўғитлардан иборат бўлган бир мактуб ёздирган: "Сен Фаранг лашкари билан газот ва жанг қилаётганини эшитиб, то ҳанузгача сенинг диёрингга дахл қилмадик ва у мамлакатга бизнинг нусратли аскарларимиздан бирор зарар етишини хоҳламадик, чунки бу мусулмонларнинг тинчлик-фаровонлиги ва бединларнинг шикасту бахтсизлигига сабаб бўлмай "

Йилдирим Боязид ўзининг элчиларни Амир Темур ҳузурига юборган. Амир Темур Боязиднинг элчилари билан Қорабоғда учрашди ва уларнинг тинчлик талабида келганидан хурсанд бўлиб уларга марҳаматлар кўрсатган. Амир Темур элчиларга: "Мен табиатан у томонга юзланиш ва мамлакатингизга лашкар суришни хоҳламайман. Амир Боязид доимо фарангларга қарши газот қилаётганлиги сабабли мен фарангликлар қувватланиб, аҳли исломни кучсизланишини истамайман. Аммо Қора Юсуф қароқчи, унинг фитнаю фасодидан мусулмон шаҳарларига етган зарар атрофдаги бегоналарникидан кўра ортиқдир "

У элчилар орқали Йилдирим Боязидга ўзининг қуйидаги шарт ва таклифларни билдирган:

- Қора Юсуфни ўлдириш, мамлакатдан ҳайдаб чиқариш ёки уни ўз ҳузурига юбориш;
- Камоҳ қалъасини Амир Темур тасарруфига қолдириш;
- сулҳга биноан Арзинжон ҳокими Таҳуртан баҳодир, Жиржис Баҳодир, Ялмон Баҳодир ва Хожи пошо каби саркардаларнинг фарзанд ва яқинларини озод этиши.
- Усманийларга тааллуқли ерларни жумладан Сивас, Малатия ва Абистонни Боязид тасарруфида қолдириш.

Соҳибқирон бу талаблар Йилдирим Боязид томонидан бажарилган тақдирда унга Фарангларга жиҳод юришларида икки юз минг қўшин билан ёрдам бериш



ҳақида таклиф берган.

Боязиддан юборилган кейинги элчилар Амир Темурга унинг талаб ва таклифларига аниқ жавоб беришмаган. Амир Темур уларнинг олдида лашкарини кўриқдан ўтказди ва ўз фикрларини айтиб, унга нисбатан эътирозларини билдирди ва қуйидагиларни айтган: "Бориб Боязидга айтинглар, шунчалик бўлсада, мен ҳануз унга нисбатан олижаноблик ва яхши муомала юзасидан иш тутаман, Таҳуртанинг хонадонини биз томонга жўнатсин ва ўз ўғлини ҳам биз томонга юборсин, токи биз унга шундай инъом эҳсонлар кўргазайликки, бундайини ўз меҳрибон отасидан ҳам кўрмаган бўлсин, уни фарзандликка қабул қилиб, Рум мамлакатини Йилдирим Боязидга топшираман"², - дея яхши таклифларни билдирди. Элчиларга айтганларидан ташқари Амир Темур Йилдирим Боязиднинг бундай ҳаракатларига қарамасдан уни яна бир бор инсофга чақирмоқчи бўлган ва мактуб ёзган...

"Эй Рум эли диёрининг подшоҳи Йилдирим Боязид!

Авалло, шуни уқиб олки, биз ўз куч-қудрати ва иқтидори ила инсониятнинг катта бир қисмини ўзимизга тобеъ қилган ҳукмдорлармиз. Бундай мисли кўрилмаган ишни ўз жидду-жаҳдимиз билан қилдик, сен каби иқтидорни (ҳокимиятни) ота-боболаримиздан мерос қилиб олмадик. Яхшиликча, Қора Юсуф билан Аҳмад Жалойирни юртингдан сургун қилиб, чиқариб юбор. Бизга ва буйруқларимизга бўйсунмаган ҳукмдорларнинг оқибатлари ҳақида эшитган бўлсанг керак. Сенга ҳам уларнинг бошига келган мусибатлар келишидан эҳтиёт бўл!"³.

Йилдирим Боязиднинг Амир Темурга жавоби: "Эй қари кўппак! Сен золим кофирларнинг энг ашаддийсисан. Мактубингда бизни қўрқитиб, ҳийла билан чув туширмоқчи бўлибсан. Усмонли султонларини ажамларнинг подшоҳларига ўхшата кўрма. Усмонли аскарлари Қипчоқ ўлкасидаги татарлар каби нимжон, ҳиндлар каби бўшанг, аҳмоқ ва ялқов эмасдирлар. Усмонли аскарлари Ироқ ва Хуросон аскарларига ўхшаган ҳамиятсиз ва паришон эмас, балки ниҳоятда ғурурли аскардирлар. Шунингдек, сен Усмонли аскарларини Шом ва Ҳалаб (Мамлук) аскарларига ҳам ўхшатма. Бу мактуб қўлингга етиб борганидан кейин, кимда ким жанг майдонига келмай ортага чекинса, унинг хотини уч талоқ бўлгай!"

Мактуб охиридаги жумлаларга эътибор беринг, Амир Темур шундай ҳақоратли мактуб олган бўлишига қарамасдан Йилдирим Боязидга навбатдаги мактубни юборган. "Сен ўзингни Аллоҳ йўлидаги мужоҳид, бизларни эса ноҳақдан қон тўкувчи кофир ҳамда мени мункилаб қолган бир жангчи деб ўйлайсан, чоғи?! Билки, мен ўтган умримнинг қирқ йилини Худо учун жиҳод қилишга сарфлаган одамман. Фаолиятим давомида қанчадан-қанча қалъалар ва ўлкаларни фатҳ қилиб, ер юзини чиркинлик ва ифлосликлардан тозалаш билан машғулман. Аммо шу онда ўтган кунларимдан кўра янада қатъиятли, янада жиддийроқман. Олиб борилган курашлар асносида қанчадан қанча қалъаларни итоат қилдирганмиз, кўпчилик бу йўлда биз учун жонларини фидо қилдилар. Шундай экан, нега сизлар бизга итоат қилишдан, бўйсунушдан бош тортмоқдасиз? Устига-устак менинг ёшим сеникидан кўра улуғроқ. Бугунга қадар қай ерга юриш қилма-йин, жуда ҳам қисқа муддатда ўша ерни қўлга олганман. Сивасни ҳам қисқа муддатда босиб олдим. Сен эса Малатияни қуршаб олдинг, тўрт ойлаб қамал қилдинг ва лекин барибир босиб ололмасдан чекинишга мажбур бўлдинг. Айни дамда ҳам Синоп қалъасига ҳужум қилиб, ҳамон босиб ололмаяпсан. Илк мактубингдаги каби таҳдид ва ғурурга берилма, ақл олмас сўзларни ишлатишга



жасорат қила кўрма. Ваҳоланки, Сивасда асир олган одамларнинг орқали ҳозирги аҳволингдан хабардорман. Қолаверса, мусулмон мусулмонни ранжитиши, хон ва молларини хароб қилиши жоиз бўлмаган ишдир. Шундай экан, тўғри жавоб ёзишни фазилат билиб, ўзингни ва халқингни хароб бўлишдан қутқариб қол. Биз билан сулҳ тузиб, маъзурингни ифода қилган жавоб мактуби ёзсанг, сен билан орамизда дўсту биродарлик ришталари борланади. Натижада кофир Франкка қулай фурсат бермаган бўласан, биз ҳам Сивасни тарк этиб, орқага қайтамыз. Бизнинг ниятимиз сизларни кучсиз ҳолга солиб, ўзингиз билан ўзингни овора қилиб, кофирнинг динига ёрдам бериш эмас! Бизни ҳам, аскарларимизни ҳам кофир, динсиз, бузуқ эътиқодли мазҳаб эгалари ва хунук одатли инсонлар деб хомтама бўлма! Аскарларимизнинг ота-боболари мусулмон бўлишган, улар мусулмонларнинг фарзандларидир. Қандай қилиб улар ҳидоятда бўлмасликлари мумкин? Қолаверса, Усмонли аскарларининг аксари кофирлардан ташкил топгани ҳеч кимга сир эмас.

Олий мақсадимиз: жаҳонни фатҳ қилишдир. Бизнинг насл-насабимиз Эл Хони Оли шаънга (эл хонларининг шонли оиласи) бориб тақалади. Агар самимий саломингиз ва гўзал ифодалар акс этган мактуб юборсангиз ҳар икки томонда ҳам бироз илиқлик ва ҳурмат пайдо бўлади. Акс ҳолда, қаламлар ўз ишини қиличга топширади. Вассалом!»

Йилдирим Боязиднинг навбатдаги мактубига жавоби: "Замонасининг жаҳон султони Темур Кўрагоний! Сивасга келиб ерлашишингни, бизнинг Табризга қараб йўналганимизга солиштириб, беўхшов қиёслаш қилибсан. Ваҳоланки, биз Кефедан Ширвонга бориб, у ўлкани босиб олсак, ким бизга қаршилиқ кўрсата оларди? Қипчоқ халқи сиздан безигани учун биз билан истиқомат қилишни маъқул кўришмоқда. Малатия ва Синоп борасидаги иддаоларингиз ҳам нотўғри. Уруш баъзи сабаблар юзасидан тўхтатилди, бизнинг аскарларимиз озлиги, сизнинг аскарларингиз кўплиги сабабли енгилганимиз йўқ. Кастамон ва Караман ҳокимларининг хиёнатлари ва ўша вақтда фурсатдан фойдаланиб, баъзи вилоятларимизга ҳужум уюштиришлари, бизнинг Малатия ва Синопдаги қамалимизни кечиктириб қўйди.

Бизнинг назаримизда, дунё ва ундаги неъматлар Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш олдида сомон чўпичалиқ қадрсиздир.

Сизга Сивасни ҳароб қилиб, аҳли исломнинг иззат-обрўсини поймол этганингиздан сўнг нима ҳам дейиш мумкин? Сиз ўз айбларингизни ёпишга уринмоқдасиз. Араб ва форс тилларида келган мактубларингизда аччиқ пўписа, қўполлик, кибр ва гурурдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Усмонлилар оиласи ҳийла билан ўлкаларни ўзлариники қилиб олмаганлар. Мактубларимиз олий ақлли давлат арконларимиз билан маслаҳатлашилган ҳолда битилди".

Амир Темур ўз вақтида пайқай олган ва яна қуйидаги мазмунда мактубини йўллаган: Йилдирим Боязид "Хабарларни Сунгур Човуш ва Ҳожи Боязид орқали йўллаганимиз рост. Сизларнинг кофирлар билан жанг олиб бораётганингиздан хабардормиз. Биз ҳам бу томонда Гуржи кофирлари билан жанг қилмоқдамиз. Албатта бу ҳолатдан сиз ҳам, биз ҳам бахтиёрмиз. Бу икки тараф учун ҳам жуда манфаатлидир. Ёзганларимизда зарра қадар шак-шубҳа йўқ. Агар сулҳ тузишга эришилса, Миср билан орамизни тузатишга оид шартингиз рад қилинади. Чунки эски Миср волийси элчиларимиздан Ироқ ва Ажамлар наздида жуда ҳам ҳурматли саналган Баҳоуддин Совжини ноҳақдан ўлдирди. Шунингдек, узоқ вақтдан



буён зиндонда ушлаб турилган Кўнгиштошнинг озодлигини сўраганимда буйругимга итоат этмасдан, шўри қурғур бегуноҳни ҳам ноҳақдан қатл этди. Душманларимизни ўзингизга яқин ва дўстларингиз қаторида санамангиз! Салтанат ишлари жиддийликни, қатъиятликни талаб қилади. Жуда ҳам аҳамият берилиши керак бўлган жиҳатлари бисёр. Аҳмад Жалойир ҳозир Бағдод яқинида экан, биз ҳам у ерга аскарларимизни жўнатдик. Агар у яна сиз томонга қочиб келса, уни ҳимоя қилиб ёнини олмангиз, билъакс, тутиб бизга таслим қилишингизни талаб қиламиз. Айни дамда Эрзинжонга бориб, ерини кўкка созуриш учун сарҳада туриб, элчиларингизнинг келишини кутмоқдамиз"⁵

Йилдирим Боязиднинг Амир Темурнинг навбатдаги мактубига жавоби: "Аҳмад Жалойир яна Усмонлиларнинг тупроқларига қайтса, Қора Юсуф билан бирга иккисини сизларга таслим қилишимизни сўрабсиз. Энди дўстингизни (яъни мени) таъзирини еган бир-икки кишини ҳимоямга олганим учун айблашингиз тўғри бўлмайди. Сиздан истагимиз: Сивас ва унинг ҳудудларини тарк этишингиздир. Агар шундай қилсангиз, сизларнинг бизга нисбатан ҳеч қандай хусуматингиз йўқлигини намоён қилган бўласиз. Лекин ҳар қандай ҳолатда Аллоҳнинг тақдиридан қочиб бўлмайди" деб Амир Темурнинг навбатдаги мактубига ҳам беписандлик билан, баҳоналар билан рад жавобини берган ва "нима бўлганда ҳам бизнинг ҳеч кимдан қўрқадиган жойимиз йўқ!. Қўлигдан нима иш келади" дегандек беписандликни ҳам мактуб охирида ёзиб қўйган. Шунга қарамадан Амир Темур навбатдаги номани йўллаган: "Шу онгача сулҳ қилишга уриндим ва ниҳоят, Сивасга келишга мажбур бўлдим. Кофирларнинг тегирмонига сув қуймаслик, Ислом диёрларини хароб қилишдан андиша қилиб, Шом тарафга кетаётиб, Миср азизидан интиқомимизни олиб қайтдик. Сизнинг хаста эканлигингиз хусусидаги гап-сўзларни эшитсак-да, буни ўзимизга қулай фурсат деб билиб, фойдаланиб қолмадик ва бунга парво ҳам қилмадик. Аммо сизлар фурсатдан фойдаланиб, бизга тегишли бўлган Эрзинжонга келиб, волийимизни ранжитдингиз. Бизнинг волийимиз бўлган Таҳартан (Муттаҳартан) орамизда сулҳ тузилишидан умид қилиб, сизларнинг бундай қилганингиз учун пушаймон бўлганингизни бизга хат орқали баён қилди. Биз ҳам унга ишондик ва сулҳ учун келишувга рози бўлишингизни ўйлаб, бир неча марта мактуб ёзиб жўнатдик. Аммо борган сари сиз ўз фикр доирангизда собит қолмоқдасиз.

Сизларнинг бизга ва аскарларимизга нисбатан кофир ва кофирдан ҳам ашаддий кофирлар деган гапингиз ҳар ерда овоза бўлди. Элчиларингиз Сунгур ва Аҳмад узоқ вақтдан бери бизнинг ёнимиздадирлар. Мусулмонлигимизни ва эътиқодимизни биладилар. Мақсадимиз Кефе ва Қримга йўналиш экан, Ширвонга қайтиб келиб яна Эрзинжондан у томонга боришга мажбур бўлдик. Самарқандда қолган ўғлим Муъниддин Муҳаммад ва Султон Баҳодир ҳам лашкарлари билан бизга қўшиладилар. Истагимиз Эрзинжонга бормасимиздан ва аскарларимиз шаҳрингизга кирмасларидан олдин Сивас, Малатия, Элбистон, Эрзинжон ва Кемаҳнинг бизга таслим этилганлиги борасида ишончли бир аҳднома юборишингиздир.

Мен сулҳга қарши эмасман, балки сулҳ бўлишини кўпроқ мен истаيمان" . Амир Темур мактуби мазмунига эътибор беринг! «Шу онгача сулҳ қилишга уриндим ва ниҳоят, Сивасга келишга мажбур бўлдим. "Мен сулҳга қарши эмасман, балки сулҳ бўлишини кўпроқ мен истаيمان" - "сулҳ тузиш" ўзининг энг яхши мақсади эканлигини қайта-қайта таъкидламоқа. "Сизларнинг "кофир,



динсиз, бузуқ эътиқодли мазҳаб эгалари ва хунук одатли инсонлар" деган гапингиз ҳар ерда овоза бўлди" деган ҳақоратларига ҳам кўз юммоқчи бўлган. Лекин Йилдирим Боязид мактубларининг бирортасида сулҳни ҳақиқий дастак қилган эмас. Йилдирим Боязиднинг Амир Темурнинг навбатдаги жавоб мактуби: «Темур Кўрагоний ҳазратлари! Аҳднома ҳақида юборган мактубингиз мен Сивасга етиб келгандан кейин қўлимга келиб тушди. Мен шу пайтда келишув ҳозирлигини кўраётган эдим ҳамки, ногаҳон келишувга қарши бир мактуб Қорамон қўзғолончилари қўлидан қирол қўшини қўлига етиб борди ва келишувнинг кечикишига сабаб бўлди. Давлатимиз арбобларининг келишувлари асосида шу қарорга келинди».

Бу мактублар охир-оқибат Амир Темур билан Йилдирим Боязиднинг жаҳонни ларзага келтирган Анқара тўқнашувининг келиб чиқишига ва унинг шу пайтгача ёритилмаган қабариқ қирралари ва бу жангнинг дунё тарихидаги аҳамияти ҳақида кенг ҳамда батафсил бадиий тасаввурнинг келиб чиқишига сабаб бўлган.

Йилдирим Боязид устидан қозонилган бу ғалаба билан билан – Англия қироли Генрих IV(1399 – 1407), Испания қироли Генрих III, Кастилия қироли Дон Эрнике III, Франция қироли Карл VI (20 дан ортиқ давлатлар элчилари ҳам) табриклаб, унга махсус мактуб юбордилар. Чунки Амир Темур эндигина уйғонаётган Европага улкан хавф солиб турган Усмонли турклар давлатига зарба бериб, бутун Европанинг халоскорига айланган эди".

Шўролар тузуми даврида Амир Темур шахси ва фаолиятига адолатсизлик билан ёндашилиб, бир ёқлама баҳо берилган эди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг бундай қарашларга бутунлай барҳам берилди. Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни ўз жойига қўйилиб, унинг номи абадийлаштирилди.

Дарҳақиқат буюк ҳукмдор бобомиз Амир Темур босқинчи тўдаларнинг Европа ичкарасига қилаётган ҳаракатига чек қўйган, бошқа тажовузкорлик юришларини узоқ муддатга тўхтатган. Унга "Европа халоскори" деб олтидан ҳайкалча ясалган. Соҳибқирон тарихимиз осмонидаги энг ёрқин юлдузлардан бири ҳисобланади, бу албатта, ҳар биримизда фахр-ғурур туйғусини янада кучайтиради.

Манба ва адабиётлар рўйхати

1. Темур тузуклари.- Т.: О'zbekiston, 2011. – 184 б.
2. Ибн Арабшоҳ, Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари), –Т, 1992; 249–б.
3. Низомиддин Шомий, Зафарнома, –Т, 1996
4. Аҳмедов Б., Соҳибқирон библиография: (Ҳаёти ва сиёсий фаолияти), Т., 1996;
5. Ҳамидова М. С. Ўзбекистон тарихи Ўқув қўлланма. Т., 2010 .
6. Калюжный Д.В. Другая история Руси. От Европы до Монголии . . . Забытая история Руси. –М., БСЭ, 2011. С-198.
7. Ziyo.uz. Маданият. Амир Темур ва Франция қироли ўртасидаги . . . мактублар нима ҳақда эди? Октябрь, 2018 .
8. Ziyo.uz Амир Темур – Буюк давлат арбоби ва саркарда 25.02.2
9. milliytiklanish.uz Қалбдаги Амир Темур ёхуд Люсьен Кереннинг . . . ўчмас ҳақиқатлари. Yanvar, 18, 2019 .



KESH (SHAHNISABZ) SHAHRI MUARRIX SHARAFUDDIN ALI YAZDIY TAVSIFIDA

Раъно ТЎХТАЕВА,
Феруза САМАДОВА,

ҚарДУ «Ўзбекистон тарихи» кафедраси ўқитувчилари.

Таянч сўз ва иборалар: Шарафуддин Али Яздий, "Зафарнома", Муҳаммад Тарагайбек, Амир Темур, Кеш (Шаҳрисабз), Оқсарой, Шамсуддин Кулол(Кулор).

XV асрнинг йирик муаррихи Шарафуддин Али Яздий Эроннинг Язд вилояти Тафт қишлоғида таваллуд топган ва 1454 йилда вафот этган. У тарихдан бошқа тасаввуф, астрология, адабиёт ва фалсафа фанларини пухта эгаллаган ва кўплаб асарлар яратган олим ва шоир ҳисобланади (1:174-177).

Тарихий маълумотларга қараганда, Яздийнинг қаламига мансуб асарлар 10 дан зиёддир (2:120).

Шарафуддин Али Яздий Форс вилоятининг ҳокими Темурий Иброҳим Султон (1415-1435) саройида хизмат қилган. У 1442 йилда Шоҳруҳнинг набираси Султон Муҳаммад (1442-1446) таклифи билан келади. Яздий мажоролар даврида Самарқандга, Мирзо Улуғбек хизматида кирган. Олим 1449 йилда Хуросонга қайтиб, Султон Муҳаммаднинг рухсати билан ўз ватани Тафтга қайтиб борган ва 1454 йилда вафот этган.

Яздий тарихда "Зафарнома" (бошқа номлари: "Фатҳномаи Соҳибқирон", "Зафарномаи Темурий", "Тарихи жаҳонкушои Темурий") номи асари билан шуҳрат топди (1:176).

Яздий "Зафарнома"сида мўғул империясининг таркибида ташкил топган Олтин Ўрда Элхонлари давлати, Чигатой улуси, шунингдек Мовароуннаҳрнинг Чингизхон замонасидан то Амир Темур даврининг пайдо бўлишигача бўлган ижтимоий-сиёсий тарихи қисқа тарзда яратилган. Асарнинг бу қисми "Тарихи Жаҳонгир" ёки "Муҳаммади Зафарнома" номи билан 1419 йилда ёзиб тамомланган.

Муаллиф режасига кўра "Зафарнома" уч қисмдан иборат бўлиб: биринчи қисмида Амир Темур тарихи, иккинчи қисмида Шоҳруҳ Мирзо, учинчи қисмида эса Иброҳим Султон давридаги воқеалар баён этишнинг режаси тузилган. Асарнинг биринчи қисми мавжуд, аммо иккинчи ва учинчи қисмлари жамланмаган ёки ёзилмаган бўлиши ҳам мумкин (1:176-177).

"Зафарнома"нинг кўплаб қўлёзма нусхалари Россия ва хориждаги кутубхоналарда мавжуд. Матни Ҳиндистонда (1885-1888), Эронда (1957), Тожикистонда (1972, 1997) чоп этилган ва таржима қилинган, инглиз тили ва



рус тилида ҳам босилиб чиққан.

Шоҳруҳ Мирзонинг ўгли Иброҳим Султон буйруғи ва бевосита раҳна-молигида ёзилган "Зафарнома" (1419-1425) аниқ маълумотларга бойлиги ва юксак бадиий маҳорат билан ёзилганлиги билан бошқа манбалардан анча устун туради. Ушбу асарда Кеш (Шаҳрисабз) шаҳрига оид маълумотлар ҳам анча батафсил баён этилган (3:384).

Мазкур асар анча кенг қамровли бўлиб, Кеш (Шаҳрисабз) шаҳри ҳақида муҳим маълумотлар мавжуд.

Муаррих мазкур асарида Шаҳрисабз шаҳрига таъриф бериб, ёзадики; "Баҳор вақти ул шаҳарнинг тому тоши кўм-кўк бўлур ва кўк кўрунғон жиҳатидин анга Шаҳрисабз от бўлуб турур" (3:88). Ушбу асарда Амир Темурнинг шу шаҳар яқинида тавалуд топгани, ўсиб улғайиб, мўғуллар истилосига қарши курашгани, Амир Ҳусайн билан муносабатлари, мазкур шаҳарни ободончилиги, бунёдкорлиги бўйича фаолияти ёрқин ўз аксини топган. Соҳибқирон даврида байрам, тўй-томошалар, асосан, Самарқанд, Шаҳрисабз ва Ҳиротда ўтказилган. Масалан, 1363 йилда Амир Темур Амир Ҳусайн билан Шаҳрисабзда қурултой тузиб, унинг шарафига тўй берган (3:36-37).

Шарафуддин Али Яздийнинг таъкидлашича, Кеш-Шаҳрисабз шаҳрида пайғамбар ҳадисларини тўпловчи ва шарҳловчи етук муҳаддислар жуда кўп бўлган. Булар орасида Ҳазрати Имом сифати билан элга танилган Ибн Наср ал-Кеший (ваф. 865) Кешнинг жануби-шарқий томонига дафн этилиб, бу хонақоҳ Ҳазрати Имом номи билан аталади.

Муаррих ёзганидек, "Сичен (маймун) йилда, торих ети юз сексан бирда (1380) ул шаҳарга қалъа солдурди ва жаҳдлаб тамом қилдурди. Ва андоқ шаҳри бўлдиким, гардун Муҳандиси мунча ёши билан оламни кезиб, ҳеч бир ерда мундоқ шаҳар ва кўшк қурмаган турур" (3:88).

Муаррих Яздий "Зафарнома" асарида ёзишича, "Илму адаб қуббаси" сифатида шуҳрат қозонган Шаҳрисабзга бошқа мамлакатлардан Амир Темур даврида толиби илмлар келишган. Шаҳрисабзга Мовароуннаҳрнинг таниқли мударрислари келиб ўрнашганлиги ва таҳсил берганлиги бу жойда кейинчалик машҳур олимларнинг вояга етиши учун замин ҳозирлаган. Айниқса, фикҳ илми соҳаси бўйича Кешдан кўплаб таниқли олимлар чиққан.

Муаррих мазкур асарининг "Соҳибқирон саодатмаңд Кеш қалъасини солиб, Оқсарой иморатини буюрғони" фаслида шундай қайд этганки: "... Кеш шаҳри бурун уламои Исломнинг ери эрмиш ва бузругвор муҳаддислардин уч имом анда ватан қилғон турурлар: бири Абу Муҳаммад (Абдуллоҳ ибн Абдулҳамид ибн) Наср (Ибн Ҳумайд) ал Кашший) ва яна бири (Абу Муҳаммад) Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон ад Дорамий ас-Самарқандий ва Абу Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, разийаллоҳу анҳум. Ул маҳалда олим аҳли масъала ва масоили диний учун атроф оламдин Кеш вилоятига келур эрмишлар. Ва ул жумладин Абу-л Ҳусайн Муслим ибн Ҳажжож ал-Қушайрий ан-Нишопурий келиб, Абдураҳмон ибн Ҳумайд ал-Кашший қошига истифода қилғон турур ва кўб аимма ва афозил анда бўлғон эрмишлар ва барчанинг дарслари бор эрмиш. Бу жиҳат-



дин Кешни "Қуббатул илм вал адаб" лақаби бўлуб турур" (3:87-88).

Юқорида тилга олинган таниқли алломаларга изоҳ берсак, Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдулҳамид ибн Наср ибн Ҳумайд ал-Кеший (ваф. 863) кешлик машҳур муҳаддис, тафсирчи ҳанафий фақиҳ. Кўп шогирдлари бўлгани, бир неча асарлар ёзгани маълум; Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдуррахмон ад-Дорамий ас-Самарқандий (797-869) - самарқандлик машҳур муҳаддис, фақиҳ ва тафсирчи; араб мамлакатларида бўлган; фиқҳ ва ҳадисларга оид 4 та асар ёзган.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810-870) - ўрта асрларда энг машҳур муҳаддис "Ал-Жомий ас-Саҳиҳ", яъни "Саҳиҳи Бухорий"нинг муаллифи. У ҳадис, фиқҳ, тарих ва адабиётга тааллуқли 15 га яқин асар ёзган. Абу Ҳусайн Муслим Ҳажжож ал-Қушайрий ан-Нишопурий IX асрда яшаган муҳаддис, фақиҳ ва адиб (3:327-328).

Темурбек ота шаҳри Кешга алоҳида меҳр билан қараган. У доимо ҳарбий юришлар олдидан ва бундай юришлар тугаганидан кейин, албатта, Кешда тўхтаган ва бу ердаги устозлари, отаси, вафот этган ўғлилари, қабрларини зиёрат қилган.

Муаррих Шарафуддин Али Яздий 1396 йил 18 июнда Соҳибқироннинг беш йиллик юришидан сўнг Самарқандга қайтаётганида Шаҳрисабзга тушганлигини баён қилган: "Амуй суйига етиб, кема билан ўтуб Хузор вилоятида келиб тушди. Ҳарамлари Сарой Мулк хоним, ва Туман оғо ва ўзга оғолар, олиё Султонбахт бегим ва шаҳзода Шоҳруҳ била ўтрук чиқиб келиб, давлати дийдориға мушарраф бўлдилар. Ва барчанинг умид кўзлари муборак дийдорини йаароқ бўлуб, ғамгин кўнгиллари шод бўлуб, хуррам бўлдилар.

Ва андин ҳазрат соҳибқирон кўчуб, Кеш вилоятига келиб, ўзи солгон кўшқда тушти. Ва тонгласи отланиб, мутабаррук мазорларнинг тавофиға борди. Аввал Шайх Шамсуддин Кулор мазориға бороб тавоф қилди ва андин сўнг ўзга азизларнинг мазорлариға бориб тавоф қилди ва андаги мужовирлари била фақиру мискинларға кўб садақалар берди. Андин атоси Тарағайбекнинг мазориға, ва ўғли мирзо Жаҳонгир ва қариндошларининг мазорлариға бориб тавоф қилди. Ҳофизлар Қуръон ўқуб, дуо ва такбир қилдилар. Ҳофизларға кўб нималар шафқат қилди. Ва ҳар ердинким, уламолар ва фузалолар келиб эрди, барчани лутфу инъом била хушвақт қилди. Подшоҳзодалар ва беклар барча Оқсаройда тўй этиб, айшу ишратқа машғул бўлдилар" (3:186).

Амир Темурнинг Шаҳрисабзга ихлоси жуда баландлиги сабабли у доимо йирик ҳарбий юришлари олдидан ва жангларда зафар қучиб қайтгач, албатта ота шаҳрига келган. Устозлари, отаси, ўғли ва бошқа хеш-ақрабolari ҳокларини тавоф қилган. Ва турли томоша ва маросимлар уюштирган. Муаррих Соҳибқироннинг 1397 йил сентябрда Кешга келганлигини ишонарли тасвирланган: "Шаъбон ойида, мазкур бўлгон йилда отланиб, Йом работининг йўлидин юруб, Кеш жилғасига тушуб, оқ уй ва чодирлар тиктируб ўлтирди ва айшу ишрат билан неча кун фароғат қилди. Ва андин кўчуб шаҳарға бориб, (Оқсаройга тушти ва муборак Рамазонни анда ўткар-



ди") (3:188).

Муаррих яна қуйидагиларни ёзади: "Сешанба куни (07.04.1399) Кеш вилоятига кириб, Шайх Шамсуддин Кулор мазориға бориб тавоф қилди. Андин чиқиб ўзга машойихларнинг мазориға бориб тавоф қилди. Андин сўнг атосининг мазориға бориб тавоф қилди, кўб садақалар бериб, фақир мискинларга иноятлар қилди. Ва ўн беш кун Оқсаройда ўлтуруб, айшу фароғат қилди". (3:220)

Шарафуддин Али Яздий Соҳибқироннинг 1404 йил ёзида ҳам Жайхундан ўтиб, Термизга тушгани, Каҳлаға, Чекдалиқдан ўтиб, Дулбуржи мевзеси орқали Шаҳрисабзга келганлигини ёрқин тасвирлаган: "Ва андин Кеш шаҳрига бориб Оқсаройда тушти. Ва анда ўлтурмай, Шайхи бузругвор Шайх Шамсуддин Кулор мазориға бориб тавоф қилди. Ва андин отаси Тарағайбекнинг мазориға келиб, зиёрат қилди. Анда хатм ва дуо қилиб, отланиб, уқбадин ўтуб, Тахти Қароча боғига келиб тушти" (3:289).

Демакки, Яздий "Зафарнома"га Амир Темур даври тарихига бағишланган асарларнинг энг ҳақиқатга яқини, энг мукамал бўлгани учун қарийб олти асрдан буён ҳамон ўз қийматини тўла сақлаб келмоқда.

Хуллас, қадимги ва ҳаминиша навқирон Кеш-Шаҳрисабз тарихи Темурийлар даври таниқли муаррихи Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома"асарида ниҳоятда ноёб ва теран маълумотлар берилганки, мазкур далиллар Ватанимиз тарихини ўрганишда энг муҳим манба бўлиб хизмат қилиши шак-шубҳасиздир.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. Қадимги замон ва ўрта асрлар. 2 нашри, Т.: "Ўқитувчи", 2001. -352 б.
2. Тагирджанов А.Т. Описание таджикских и персидских Восточного отдела ЛГУ. -М., 1962. с.120.
3. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи ва нашрга тайёрловчилар А.Аҳмад, Ҳ.Бобобеков. - Т.: "Шарқ", 1997. -384 б.

Резюме

Ушбу мақолада Темурийлар даврининг таниқли муаррихи Шарафуддин Али Яздийнинг ҳаёти, илмий фаолияти, унинг "Зафарнома" асарини қисқача мазмуни ва унда Кеш (Шаҳрисабз) шаҳри тавсифи баён этилган.

Резюме

В данной статье освещается жизнь и деятельность видного историка в эпоху Тимуридов Шарафуддин Али Язди и его книга "Зафарнома". А также описывается в данной книге сведения о городе Кеш (Шахрисабз).

Summary

This article highlights the life and work of a prominent historian in the Timurid era Sharafuddin Ali Yazdi and his book "Zafarnome". As well as descriptions in this book of information about the city of Kesh (Shakhrisabz).



MAHMUDHO‘JA BEHBUDIY- ULUG‘ ALLOMA VA JAMOAT ARBOVI

Солижон ИБРАГИМОВ,
ҚарМИИ, "Ижтимоий фанлар" кафедраси, катта ўқитувчи

Таянч сўз ва иборалар: тараққий, жаҳид, усули жаҳид, либос ва қиёфа, диний бағрикенглик, мухторият, мустақиллик, ислоҳият, қироатхона, маърифат, миллий тикланишдан миллий юксалишга.

Туркистон халқининг улуғ фарзанди, жамоат, маданият ва маориф арбоби, биринчи ўзбек драматурги, миллий театр муассиси, матбуотчи, адиб, таржимон, муаллим бўлган Маҳмудхўжа Беҳбудий миллат учун қайғурган, унинг келажagini ўйлаган, юртини озод ва обод бўлишини истаган ва шу йўлда курашган фозил инсон эди.

Беҳбудий янги (усули жаҳид) мактаблар, газета-журналлар, кутубхона очишга, дарсликлар чиқаришга, бош-қош бўлган. Бу йўлда ўз сармоясини аямади. Адиб янги усул мактаблар учун 1904-1909 йилларда "Рисолаи асбоби савод", "Рисолаи жуғрофияи умроний", "Рисолаи жуғрофияи Русий", "Китобат ул-атфол", "Амалиёти ислом", "Мухтасар тарихи ислом" каби дарслик ва ўқув қўлланмалар, 1918 йилда эса "Янги ҳисоб" дарслигини ёзган.

Халқнинг дунёқараши, миллий онгининг юксалтиришда матбуотнинг ўрни ниҳоятда муҳим эканлигини билган Маҳмудхўжа Беҳбудий "Нашриёти Беҳбудия" номи билан ўз хусусий нашриётини очган ва 1913 йилда "Самарқанд" газетаси ва "Ойна" журналинини нашр этишда бош-қош бўлган.

Унинг "Туркистон идораси", "Туркистонда мактаб жариди", "Бухорода усули жаҳид", "Ёшларга мурожаат", "Эҳтиёжи миллат", "Икки эмас, тўрт тил керак", "Мусулмончилик либос ва қиёфат танламайди" каби публицистик мақолалари миллий журналистика асосларини ташкил этади.

Маълумки, жаҳидлар янги мактабга, матбуотга ва ундан сўнг театрга ҳам асос соладилар. 1913 йили Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхонов, Таваллолар ташаббуси билан Ўрта Осиёдаги биринчи театр труппаси "Турон" миллий театри юзага келади. Беҳбудийнинг "Падаркуш ёхуд ўқимаган боланинг ҳоли" асари (1911 йил) бу борадаги биринчи уриниш бўлиб, у миллий драматургияга асос солган.

Театр ҳақида Беҳбудий "Тиётр надур" мақоласида "...Тиётр ибратнамодур. Тиётр ваъзхонадур. Тиётр ойинадурки, умумий ҳолларни анда мужассам ва намоён суратда кўзликлар кўруб, кар ва қулоқсизлар эшитиб асарланур". Тараққий этган миллатлар театрларни улуглар учун одоб ва ибрат мактаби деб биладилар. Театр тараққий этишни энг биринчи сабаб ва омиларидандир, - деб ёзганди ("Ойна", 1914 йил 19 май.).

У 1908 йилда "Беҳбудия" кутубхонаси номи билан машҳур бўлган қироатхонани ташкил этади. Беҳбудийнинг бу саъй-ҳаракатлари ҳам ўлкада биринчи ташаббус эди.

Муфти Беҳбудий руҳоний инсон эдилар. У киши бутун фаолиятини ша-



рият йўлида олиб борган, унга таянган эди. Дин ва илми бирга кўрган, айти пайтда туркистон халқини замонавий илмлар билан қуролланишга чақирган. "Илми диний ила бирга илми замоний, илми дунёвий таҳсил қилмасак мунқариз бўлармиз. Яҳудий, армани ва ажнабийларга паймол бўлишимиз йилларнинг ўтиши билан лозим келувчи бир амри табиийдир. Замонимизнинг илм ва фанидан, илми динимиз ила бирга ўқуб ўзимизни дин ва миллатимизни ҳимоя этмак ва илло Овропа ашъйи нафисаси касабаларимизни ва Овропа сиёсийлари вужудимизни бўлиб юборадилар", деб ёзгирганди Беҳбудий ("Тараққий" газетаси, 1906 йил, 7-сон).

"Мусулмончилик учун махсус либос йўқдур. Чунончи, бу кун ер юзидаги мусулмонларни(нг), ҳар бир қитъа ва мамлакат, ҳар бир шаҳарни(нг) либоси бошқачадур. Ва баъзи қитъа мусулмонлари умуман Оврупо либосларини кийганлар. Аммо бунинг ила мусулмонликдан чиқмайдур" ("Либос, қиёфат", "Ойина", 1914 йил, 5-сон). "Ҳақиқий ислоҳият - деган эди Беҳбудий" ўз фатвосида Қуръони карим ва таълими Ҳазрат Расули Икромга мувофиқ эътиқод ва амал қилмоқдур. Ҳар мамлакатни урф ва одати, либос ва қиёфаси бошқа-бошқа бўлган ила исломиятдан чиқмайдур. Ва исломлар учун махсус формада, либос ва ё муқаррий бир қиёфа мажбурий эмасдур. Зотан, либос иссиқ ва совуқликни(нг) дафъи учун бўлуб, ҳар иқлимни(нг) ҳаво ва маданиятига мувофиқ бўлур". Беҳбудий Ҳазратларининг бу фикрлари бугун ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Беҳбудий 1917 йили ёзган "Баёни ҳақиқат" мақоласида "Биз мусулмонлар, хусусан, Туркистон мусулмонлари истаймизки, ҳеч бир киши бизнинг дин ва миллатимизга зулм ва таҳдид қилмасин ва бизни ҳам бошқаларга таҳдид қилмоққа асло фикр ва ниятимиз йўқ. Зотан, динимиз-да мунга монъадирки, Туркистон яҳудийларини 1300 санали ҳоли бунга шоҳиддир...". (Самарқанд. "Улуғ Туркистон" газетаси, 12 июнь). Беҳбудий бу сўзлари билан ислом динида ва халқимизда бағрикенглик хос эканлигини таъкидламоқдаки, миллий гоёмизнинг асосий тамойилларидан бўлмиш "динлараро тотувлик" ва "миллатлараро бағрикенглик" бежизга эмаслигини, унинг чуқур илдизлари борлигини кўраимиз.

Адиб ўзининг маърифатпарварлик қарашларини "Падаркуш" (1911) пьесасида ифода этади. Юқорида келтирганимиздек, бу асар биринчи ўзбек драмаси бўлиб, у ўз бойлиги ва давлатига ишонган ўқишни, замона илмларидан бохабар бўлишни нафақат ўзига балки ўғлига ҳам истамаган бойнинг фожиали тақдири ила Туркистон бойлари воқеалигини очиб берган асар эди.

Янги замон буржуа муносабатлари ҳар бир кишидан ўқув ва ўқувни талаб қилади. Бойлик ўқув бўлмаса вақтинча воситадир, холос, деганди. "... 6 миллион Туркистонликларда уч миллионер борлиги маълум эмас, - деб ёзганди Беҳбудий 1908 йилда "Хуршид" газетасида, - бойман деганлар банк ва фабрика хизматчисидирлар. Шаҳарларда қатта иморат ва корхоналар ҳамма Яҳудий ва Овруполикларникидир." Чунки, бойларимиз замона илмидан беҳабарлардирлар.

Мустақилликни биринчи йўл-маърифат, ўқимоқ! "Зотан ислоҳият шундай бир дини метин ва тараққиётдурки, нақадар илми замоний кўп ўқулса, инсонни(нг) дини исломга шунча ақидаси маҳкам бўлур"... Бас, сабаб бўлдики, илми замоний исломиятга зарар қилмоқ нари турсин, фойда этар...". Бугун банк ва корхоналарда, ҳукумат маҳкамаларида ишлайдиганларнинг мансаби ва маоши илмига қараб берилаётган экан, "Бас, сиз муҳтарамлар ҳам ўз



авлодингизни ва азиз болаларингизни, агарда хоҳласангизки, сиздан кўра тараққий этса, дин ва миллатга хизмат этса (дин ва миллатга хизмат илм ва ақча ила бўлур). Шу илми замонийни таҳсил қилмоқ учун ҳаракат қилмогингиз лозимдур. Ҳамватанларимиз мулкани сотиб, тўй қилганларидек, сиз-да ҳатто лозим бўлганда мулкингизни сотсангиз-да, ўғлингизни (нг) замонча ўқумоқиға саъй қилингиз. Тўйга исроф қилинатурган ақчаларни ўқумоқ йўлиға сарф қилсангиз ("Ёшларга мурожаат", "Ойина" журнали, 1914 йил, 15-март, 21-сон)!

Беҳбудий 1913 йилдаёқ "Арабий билмасак, дин, русча билмасак, дунё қўлдан кетар" ("Икки эмас, тўрт тил лозим" мақоласи), деб ёзган эди.

1917 йил 26-29 ноябрда Қўқонда чақирилган IV Туркистон Умуммусулмонлар Съезди Россиядаги ноябрь тўнтариши берган мустақилик ваъдаларидан фойдаланиб ва ишониб Мустафо Чўкаев бошчилигидаги ҳукуматни - Қўқон муҳториятини тузган. Беҳбудий ҳам ушбу ҳукумат аъзолигиға сайланган. Шунингдек, у Самарқанд мусулмон Шўросининг маориф комиссари вазифасида ҳам фаолият юритган.

Беҳбудий ўзининг XX аср бошида ва Шўролар давридаги фаолиятида жамоат ва давлат лавозимларида ишлаган вақтларида ҳам миллат мустақиллиги, унинг озодлиги ва маърифати учун курашган. Фан ва дин равнақи учун хизмат қилган. Давлат ишлари ва руҳонийлик - муфтийликни биргаликда олиб борган.

Беҳбудий ўлкадаги ижтимоий адолатсизликларни, подишо Россиясининг олиб борган мустамлакачилик сиёсати моҳиятини тушуниб етганди.

Россия амалдорлари маҳаллий ҳукумат ва диний ишларида илм ва дин арбобларини халқ ичида катта обрўга эга бўлган кишиларни эмас, балки мансаб учун халқни ҳам сотадиган чала мулла руҳоний ва зиёлиларни, ҳиёнатчи лаганбардорларни тайинлашардилар. Булар ҳақида Беҳбудий 1917 йилда "Бизга ислоҳ керак" мақоласида тўхталади. Хонлар замонасида қози, муфти, имом, муддарис ва бошқаларни истеъдод ва қобилиятиға қараб хон ёки қозикалон тайин этар эди. "Туркистон Русияға тобе бўлгандан сўнгра янги (положения) закўн жорий бўлди. Ва ул положенияға, манимча, ҳукуматнинг миссионерлари аралашиб, бизни ахлоқ ва адаб ва шарияти муқаддасимизға ҳалал келтиратурган ва бизни йўқ бўлмоққа сўрайдурган боблар тузатдилар", - дейди Беҳбудий ("Нажот", 7 ноябрь 18-сон). "Бу закун бизга саводсиз қозиларни ақча ва расво ила сайланмоғиға ёрдам этди.

Подшо ҳукумати томонидан қўйилган маориф инспекторлари эса имкон борича янги (жадид) мактаблари очмасликка, ўқитувчилар фаолиятиға қаршилиқ қилишға ҳаракат қиларди. Эски ҳукумат, - дейди Беҳбудий, - зоҳиран миллатни маданиятли қилмоқ учун "Руский туземний" мактаблар очган бўлсалар-да, унда таълим берувчилар христиан миссионерлари бўлибди. Мақсад ёшларни христиан қилиб тарбиялаш эди. Тўғри бу мактабларда мусулмон муаллими штати берилган бўлса-да, унга шу қадар кам ойлик берилган эдики, ҳеч ким ишламас эди. "Дигар тарафдан хуфя приказлар ила бу мактаблардаги мусулмон болаларини оз таълим бермоқға ва буқадри имкон амрини зоих, ва ўзини ҳайвон қилмоқға фармойиш қиладилар" (Самарқанд "Нажот" газеаси, 1917 йил 7 ноябрь 18-сон).

Мусулмон болаларига оз таълим бермоқға "приказ" бериш "Иттифоқ" даврида ҳам "ўта маҳфий" ҳолатда мактаб ва маорифда олиб борилдики, мавжуд дарсликлар ёшларни ўз тарихи, маданияти, улуғлари, динидан узиб ташлашға



хизмат қилишагина ёрдам берарди, холос.

Беҳбудий ҳазратлари мустақиллик учун курашга. "...Бировга ҳақингиз бўлса, ўзингиз саъй-ҳаракат ила баъзан гайрат ва қувват сарф этмагунча оломас-миз, анинг учун ман айтаманким; "Ҳақ олинур, берилмас!". Мунга тарихий, шаръий, воқеа кўб далилар бўлуб, барча аҳли тажрибага маълумдур("Ҳақ олинур, берилмас". "Хуррият" газетаси, 1917 йил 13 июль, 22-сон). Шундай жим тураверсак, юз йил ўтса ҳам ҳеч ким бизга озодликни бермайди. Озодлик шунчаки ихтиёрий берилмайди, унинг учун бирлашмоқ, курашмоқ керак, дейди аллома.

Мухторият ҳақида гапирганда, Беҳбудий фикрича ўз миллий қўшинимиз, миллий милициямиз, миллий хазинамиз бўлишини, мактаб-маорифни, вақф ва бошқаларни ўз ихтиёримизда қолишини истар эди. Беҳбудий "Туркистон мухторияти" мақоласида ёзади: "Болшевикларга келганда, буларнинг ҳам асл матлаби мухториятли жумҳуриятдур. Аммо булар дейдиларки, ерлик жумҳурият бўлмасун, яъни ер ва амлок тақдим бўлсун" Ёртамиздаги ихтилоф шундандир дейди Беҳбудий. Яъни инқилобчилар ер, мулк хусусий бўлмасин, умумхалқ мулки бўлсин дейишади. "Туркистон мухториятчилари дейдиларки, биз ерлик мухторият тилаймиз ва ҳам буни эълон қилдук. Бизнинг ер ва амлокимизнинг тақсимини хоҳлайдурганларга бутун жон ва иймонимиз ила муқобала қилурмиз ва ҳам". Бутун Туркистон халқи бирлашса, қон тўкилмайди, ер ҳам, мулк ҳам тақсимланмайди, дин ҳам ривожланади. "Бутун Туркистон бирлашса, 15 миллионлик бир қувват оламга келурки, бунга ер титрайди"("Хуррият", 1917 йил 22 декабрь), дейди Беҳбудий.

Беҳбудий 1919 йил 25 мартада ҳамроҳлари Мардонқул Шомуҳаммад ўғли ва Муҳаммадқул Ёринбой ўғли билан Самарқанддан Бухорога йўлга чиққани маълум ва ундан кейин тақдирлари нима бўлганлиги жамоатчиликка бир неча йил номаълум қолиб кетади. 1922 йил 7 январда "Инқилоб" журналининг 1-сонида Беҳбудий ва шерикларининг васияти эълон қилинган.

Бу васиятни Ҳожи Муъин Шукурулло ўғли 1920 йил декабрида Қарши бегининг маҳрами бўлмиш Содиқжондан ёзиб олган. Беҳбудий ва унинг шериклари ўлими олдидан ушбу васиятни ёзиб, Содиқжондан уни Самарқандга юборишини илтимос қилишган. Содиқжоннинг айтишича, Беҳбудий йўлдошлари билан Шаҳрисабзда қўлга олиниб, 2 ойча шу ерда бўлишган, сўнгра Қарши бегига жўнатишган.

Қарши беги Тоғайбек амирнинг буйруғи билан уларни қатл этган. Бегнинг биринчи маҳрами ва зиндонбоши Аҳмад Тоғайбекдан уларни ҳимоя қилиб, гуноҳларини текшириб чиқишни сўрагани учун ўзи ҳам маҳкумлар билан бирга қатл этилган. Маҳкумлар ўзлари учун қабрни ўзлари қовлашга мажбур қилинган.

Туркистон мунавварларининг йирик вакили, маорифчи озодлик учун курашувчи муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий халқига, авлодларга қуйидагича васият қилиб қолган эди: "Эй Туркистон маориф ишларида бўлгон ўртоқ ва ўғлонларим!

Ўртоқларим - Сиддиқий, Айний, Фитрат, Қурби ва Ақобир Маҳдум ва ўғлонларим Вауд Маҳдум, Абулқодир Шақурий - сизларга васият қиламан! Маориф йўлида ишлайтургон муаллимларнинг бошини силангизлар! Маорифга ёрдам этингиз! Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатингизлар! Биздек маориф қурбонларини йўқлангизлар! Бухоро тупроғига тезлик ила йўл бошлангизлар! Озодликни тезлик ила юзага чиқазингизлар! Бизнинг қонимизни



золим беклардан талаб қилинглр! Маорифни Бухоро тупроғига жорий қилинглр! Бизнинг номимизга мактаблар очинглр!"

Халқ ичида жуда катта обрў ва ҳурматга эга бўлган Беҳбудийнинг мустақиллик тўғрисидаги фикрлари, хусусан большевойча мухторият эмас, миллий мухторият ҳақидаги ўйлари совет ҳокимиятига ҳам ёқмас эди, албатта. Шунинг учун улар олиб бораётган ёлгон "озодлик" сиёсатини Беҳбудий каби зиёлилар англаб етишса, қанчалик катта рақиб юзага келиши маълум.

Беҳбудий васиятномасидаги "бизнинг номимизда мактаблар очинглр" деганидек, унинг номи ҳар тугул бир муддат эсланиб турилди. Қарши шаҳри 1926 йилдан 1937 йилгача Беҳбудий деб ҳам аталган эди.

Демакки, Туркистон жаҳидларининг етакчиси - педагог Маҳмудхўжа Беҳбудий Файзулла Хўжаев сўзи билан айтганда: "Сиёсий, ижтимоий фаолияти ва билимининг кенглиги жиҳатидан Туркистоннинг ўша вақтдаги жаҳидларидан унга тенг кела оладиган кишиси бўлмаган" деган таърифига қараб аллома фаолиятининг янада улғуворлигини кўз оддимизга келтириши мумкин.

Хулоса қиладиган бўлсак, жаҳидлар ҳаракати ва уларнинг вакиллари хусусан, Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳаётини, қилган эзгу ишларини билиш, меросини чуқур ўрганиш ўзлигимизни теран билиш учун ҳам ниҳоятда зарурдир. Бугун мустақил Ўзбекистон олдида турган "Миллий тикланишдан - миллий юксалиш" ғоясини амалга оширишда Беҳбудий каби етук алломалар тажрибаси, уларнинг кураши, ҳаёти ибрат намунаси бўлиб хизмат қилади. Шу боисдан, унинг ҳаёти ва илмий фаолияти ўрганишнинг аҳамияти ҳақида мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида: " 2020 йилда халқимиз тарихининг мураккаб давларида, маърифат машғаласини баланд кўтариб чиққан улғу аллома ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 145 йиллик таваллуд санаси кенг нишонланади", - деб алоҳида тўхталиб ўтгани юқоридаги мулоҳазаларимизнинг яққол исботидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил 24 январь. - «Халқ сўзи» газетаси 2020 йил 25 январь.
2. Беҳбудий М. Танланган асарлар. Ж I-II,-Т.: Akadernashr, -2018 й.

Резюме

XIX аср охири - XX аср бошларида Россия мустамлакаси ҳисобланган Ўрта Осиё, Кавказ, Ўрта Сибирь халқлари орасида бошланган миллий, маданий-маърифий тикланиш - жаҳидчилик ҳаракати сифатида намоён бўлди.

Мақолада жаҳидлардан бири ўзбек халқининг XX асрдаги буюк мутафаккири, адиб, публицист, жамоат ҳамда дин арбоби Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар берилган.

Резюме

В статье приводится информация о деятельности великого мыслителя узбекского народа, одного из представителей джадидов, писателя, публицисте, общественном деятеле и священнослужителе Махмудхуже Бехбуди.

Summary

This article is based on information about the one of such jadid's life and work of Mahmudkhoja Behbudi, a great thinker, writer, publicist, public and religious figure of the XX century of the Uzbek people, who is celebrating.



KESH-SHAHRISABZ VOHASINING O'RTA ASRLAR TARIXI TAVSIFI

Ақрам ҲАСАНОВ.

ҚарДУ, «Ўзбекистон тарихи» кафедраси, доцент.

Таянч сўз ва иборалар: Кеш, Кис, Кишиш, Сусе, кўҳандиз, рабод, ички рабод, мадина, рустоқ, қишлоқ.

Кеш-Шаҳрисабз Марказий Осиёнинг шаҳарсозлик қадимдан ривожланган ҳудудлари сирасига кириб, бу жойда шаҳарсозликнинг илдишлари милoddan аввалги VIII-VII асрларга бориб тақалиши сўнгги археологик тадқиқотларда ўз ифодасини топган. Кеш илк ўрта асрларда Суғд конфедерациясининг маҳаллий ҳокимлари орасида етакчи мавқеи учун курашган. VII аср ўрталарига қадар ҳатто Суғднинг маъмурий-сиёсий маркази ролини ўтаган [1.Б.54.]

Дастлаб, Кеш (Шаҳрисабз) ҳақида тарихий асарларда келтириб ўтилган маълумотларни таҳлил қилиб чиқамиз. Демак, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий (839-923) нинг "Тарих ар-русул ва-л-мулк" (Тарихи Табарий) асарида, қадимдан то 915 йилгача бўлган тарихий воқеалар баёнини, жумладан, Ўрта Осиёнинг VII-IX асрлар тарихини ҳам ўз ичига олади ва Кеш тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилган [2.Б.56.]

X асрда форс тилида ёзилган "Худуд-ул-олам" асарида шаҳарнинг шаҳристон, кўҳандиз ва рабодга эга бўлиб, унинг ёнидан оқиб ўтувчи дарё сувидан деҳқончиликда фойдаланилиши, яқинидаги тоғлардан туз ва бошқа қизилма бойликлар қазиб олиниши келтирилади.[3.Б.13.]

Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг (899-959) "Бухоро тарихи" асарида, асосан, Бухоронинг ўрта асрлардаги тарихи ҳақида ҳикоя қилинса-да, айти пайтда Мовароуннаҳрда кечган тарихий воқеаларга ҳам ўрин берилган ҳолда, Кеш шаҳри ва вилояти ҳам бир неча марта эслатиб ўтилади. Хусусан, Суғд, Кеш ва Нахшабдан 120 минг кишилиқ қўшин йигилиб, арабларга қарши жангга тайёрланганлиги, Кеш ва Нахшабдан катта лашкар тўпланиб, Қутайбага қарши чиқиши, Муқанна қўзғолони ва унинг Кеш вилоятида қўллаб-қувватлангани, қаттиқ жанглар хусусида анча батафсил баён этилган [4. Б.115-116.]

Абу Райҳон Берунийнинг (973-1048) "Қонуни Масъудий" асаридаги шаҳарлар жаҳвали қисмида Кеш бешинчи иқлимдаги шаҳарлар таркибида келтирилади ва координатлари, географик узунлиги, географик кенлиги 390501 да эканлиги кўрсатилган [5.Б.426.]



Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъонийнинг (1113-1167) "Китаб ал - ансоб" қомусий асарида Кеш алоҳида вилоят сифатида тавсифланган. Кеш шаҳри Нахшабга нисбатан кичикроқ ва маҳаллий аҳоли номини "Кишш" шаклида талаффуз қилади, дейилади. Шунингдек, асарда Кеш вилоятидаги ўнта қишлоқнинг номи ва ўрни қайд этилгани [6.Б.28.]

Х асрда Кешга ташриф буюрган араб сайёҳи Ибн Хавқалнинг "Кеш "қуҳандиз", "мадина" ва "рабод" дан ташкил топганлиги, яна бир шаҳар "мадина" рабод билан тутшиб кетганлиги, ички шаҳар ва қуҳандизнинг хароба ҳолда эканлиги аҳоли яшаш жойи ташқи шаҳарда эканлиги, ҳукумат уйи шаҳар ташқарисиди жойлашгани, зиндон ва жомеъ масжиди хароба ҳолда ички шаҳарда, бозорлар рабоддан жой олгани, иморатлар лойдан ва ёғочдан қурилгани ҳолда ички шаҳар деворларида "Баб ал Ҳадид" - "Баб Убайдуллоҳ" - "Баб ал Қассарин" - "Баб ал Мадина ад Доҳила" каби дарвозалар мажудлиги, ташқи шаҳарда эса "Баб ал Мадина ад Доҳила" ва "Баб Баркнон" дарвозалари хусусида маълумотларни келтириб ўтган. [7.Б.65-66.]

Ал-Муқаддасий эса Кешни "жуда катта шаҳар" деб таърифлаб шаҳарнинг бир томони учдан бир фарсаҳга тенглигини айтган бўлса, Ибн Ҳавқал маълумотига кўра шаҳарнинг майдони учдан бир фарсаҳга тенг бўлган. Ўрта аср ёзма манбаларида бу кўҳна шаҳар ва у жойлашган маскан "Каш-Кашш", "Кас-Кос", "Кис-Кисс" шаклларида тилга олинади. Қадимги Хитой солномаларида эса шаҳар номи "Сушие", "Циши" ёки "Сусе" тарзида учрайди.

Туркий тилларнинг айрим тармоқларида Кеш сўзи сув билан боғлиқ маънода қўлланиб келинганлиги ҳақида маълумотлар ҳам мавжуд[8.Б.44.] Академик А.Муҳаммаджонов ёзма манбаларда тилга олинган айрим жой номлари таркибида ҳам "Кеш" атамасининг турли кўринишларини ўрганиб, Касби, Косдори, Косон, Косонсой, Кошон ва "Кеш" лексемаси ва унинг барча синонимик шакллари аслида "уй" ёки "турар-жой" маъносини англатган Суғдча "кат-ката"каби сўзлардан келиб чиққанлигини, бу сўзлар "уй" ёки "хона" ибораларига нисбатан кенгроқ маънони англатиш, "кат" лексемаси нафақат "уй" ёки "тураржой" балки қишлоқ, мавзе ҳатто катта-кичик шаҳарлар тушунчасида ҳам истифода этилганлигини таъкидлайди [8.Б.45.]

Худди шундай "кишвар" атамаси мамлакат, ўлка маъноларини англатишини ҳисобга оладиган бўлсак, "Кеш" топоними уй, қишлоқ, шаҳар, пойтахт, вилоят, эл-юрт, диёр, ватан каби маъноларни англатганини кўришимиз мумкин. Умумий тарзда Кеш топоними яшаш жойи маъносини билдиради.

А. Райимқулов тадқиқотларига кўра, Шаҳрисабз ҳисорининг узунлиги 1680 м, эни эса 1200 дан 1250 метргача, шаҳарнинг умумий майдони 210 га эга эканлиги аниқланган. Кеш-Китоб шаҳрининг тарихий топографияси дастлаб М.Е.Массон томонидан ўрганилган. 1960-1970-йилларда Китоб шаҳри ҳудудида КАТЭ аъзолари томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, илк ўрта асрларга оид Кеш шаҳри кейинги асрлардаги Китоб беблиги қўрғо-



ни ҳудудида эканлиги ойдинлаштирилган. [9.Б.64.] Кейинги асрларда пайдо бўлган бек қўрғоннинг деворлари VII–VIII асрларга оид деворлар устида бунёд этилганлигини ҳам тадқиқотларда келтириб ўтилган [10.Б.24–25.]

Кеш шаҳрининг Шаҳрисабз шаҳри ўрнига кўчиши масаласи анча мунозарали фикрларга сабаб бўлмоқда. Баъзи тадқиқотларда, шаҳар ҳозирги ўрнида XI–XII асрлардан бошлаб фаолият кўрсатган, деган фикр билдирилган бўлса, бошқа тадқиқотларда бу сана, XIV асрда деб кўрсатилади. Хусусан, М.Е.Массон ва Г.А.Пугаченковаларнинг тадқиқотларида, шаҳар XIII асрдан кейин пайдо бўлганлиги эътироф этилиб, Амир Темур давридаги, яъни, 1378/79 йилларда шаҳар деворларининг қурилиши билан изоҳланади. Худди шу фикрларни бошқа тадқиқотчи олимлар ҳам қўллаб-қувватлайдилар [11.Б.26–27.]

С.К.Кабановнинг тадқиқотлари натижаларига кўра ҳозирги жойлашган ҳудуд Кеш–Китобнинг рабоди бўлган [14.Б.93.]

Кеш–Шаҳрисабзнинг шаҳар деворлари XI–XII асрларда, Қорахонийлар даврида қурилган, деган қарашлар ҳам мавжуд. Кеш–Китобнинг жануби-ғарбий дарвозаларидан бири Боб Баркнон деб аталиб, йўл устида шаҳарга яқин масофада Баркнон қишлоғи жойлашган. Тадқиқотларда келтирилишича, Баркнон Шаҳрисабз ўрнидаги йирик қишлоқ у дастлаб Кеш–Китобнинг "йўлдош шаҳарчаси" сифатида фаолият кўрсатган ва кейинчалик Шаҳрисабз–Кеш шу қишлоқ асосида шакланган [12.Б.12–13.]

Баъзи тадқиқотчилар хулосасига кўра, Кеш–Шаҳрисабзнинг мудофаа деворлари X–XII асрлар маданий қатламлари устига бунёд этилган бўлиб, Шаҳрисабз шаҳрига мўғуллар ҳукмронлиги даврида асос солинган. [13.Б.208–215.]. Кеш–Шаҳрисабз мўғуллар ҳужумлари даврида вайрон этилмаган. Шунинг учун мўғуллар ҳукмронлиги даврида бу шаҳарда аҳоли яшаган.

Шаҳрисабз–Кеш шаҳрида ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, Кеш–Шаҳрисабзнинг кенгайиб шаҳарга айлана бошлаши жараёни X асрдан, яъни, Сомонийлар даври охирларидан, асосан Қорахонийлар давридан бошланган. Шаҳрисабздаги Кўк гумбаз масжиди ўрнида олиб борилган археологик тадқиқотларга кўра, масжид XII асрда пишиқ гиштлардан бунёд этилган [11.Б.44–45.]

1963–1964 йилларда КАТЭ аъзолари томонидан ўтказилган тадқиқотлар хулосаларига кўра, шаҳар мудофаа деворларининг энг баланд сақланган жойи 11 метрни, қалинлиги эса 3,5–9 метрни, мудофаа буржлар билан биргаликдаги қалинлиги эса 17,5 метрни ташкил этган. Деворларнинг умумий узунлиги 5,6 км бўлиб, унда жами 70 та мудофаа буржлари аниқланган. 1982 йилда ўтказилган тадқиқотларда эса девор остидаги маданий қатламдан XI–XII асрларга оид сопол буюмлар топилиб, Оқсарой меъморий мажмуаси XI–XII асрларга оид маданий қатламлар устига қурилганлиги кузатирилган [14.Б.96.]

Кўк гумбаз масжиди тагидан XI–XII асрларга оид бино қолдиқлари ҳам топилиб, Мирзо Улуғбек томонидан бунёд этилган бу масжид XI–XII аср-



ларда қурилган қадимги масжид тархи асосида бунёд этилганлигидан далолат беради. Бу эса Кеш-Шаҳрисабз ҳудудида қорахонийлар даврида маҳобатли меъморий иншоотлар қурила бошланганлиги билан изоҳланади. Қалъа муҳофизат деворлари эса барлоқ уруғи беклари томонидан XIII асрнинг охирида - XIV аср бошларида бунёд этилганлиги тадқиқотлар натижасида ўз ифодасини топган [14.Б.97.]

Кейинги йиллардаги тадқиқотларда эса Кеш-Шаҳрисабз қалъаси деворлари айнан ҳоразмшоҳлар қурилиши учун хос бўлган қатламли паҳсадан XIII аср бошларида бунёд этилганлиги айтиб ўтилади. 1996 йилдаги археологик қузатувлар натижасида Шаҳрисабз шаҳрининг марказий майдонида, Доруссаодат меъморий мажмуаси атрофида, Оқсарой бош пештоқидан ўртача 400 м жанубда. Сомонийлар даврига оид гиштлардан бунёд этилган деворлар топилди. 2014 йилда ўтказилган тадқиқотларда шаҳар деҳқон бозоридан 50-55 м шарқда XIV асрнинг биринчи ярмига оид ҳаммом қолдиқлари топилган. Иншоот Мовароуннаҳр меъмориликда Х-ХI асрлардан бошлаб шаклланган ҳаммомлар қуриш анъаналарига риоя қилинган, пишиқ гиштлардан бунёд этилганлиги аниқланди [14.Б.98.]

Кеш воҳасининг маъмурий жиҳатдан рустоқларга бўлиниши уларнинг қатъий табиий чегараларига асосланган. Хусусан, Х асрда Кеш воҳаси Миён - Кеш, Руд, Баландарон, Расмаин, Кашк, Ару, Бузмажин, Сиём, Арғон, Жарж Гуд, Ҳузур Руд, Ҳузур, Суруда, Ички Сангардак, Ташқи Сангардак, Маймурғ. Каби ўн олтита рустоқдан ташкил топган [15.Б.13.] Қашқадарё ўзанининг Кешдан юқори шимоли-шарқий қисмидаги тоғли ва тоғолди ҳудуди Асруд, ёки Суруда деб аталган. Унча катта бўлмаган Суруда рустоқи Зарафшон тизмаларининг жанубий қисмидаги тоғли ва тоғолди ҳудудларида жойлашган.

Юқорида келтирилган тарихий манбалардаги маълумотлар Кеш шаҳри ва вилояти ўрта асрларда Мовароуннаҳрнинг йирик ва иқтисодий жиҳатдан қудратли ҳудуди бўлганлигини кўрсатмоқда. Тарихий-географик жойлашувига кўра эса иқлимнинг қулайлиги, сув заҳираларининг мўл, ерларнинг ҳосилдор жойда эканлиги деярли барча манбаларда акс этган. Бу ўз навбатида Кеш шаҳри тарихини тарихий манбалар асосида ўрганишни янада долзарб масала сифатида кун тартибига қўймоқда.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев Б. Мансуров Ў. Шаҳрисабзнинг ўзбек давлатчилиги тарихидаги маъмурий - сиёсий мавқеига доир // Шаҳрисабзнинг жаҳон тарихида тутган ўрни. Халқаро илмий конференция материаллари тезислари. - Т. Фан, 2002. - Б. 54
2. История ат Табари. Т., 1987. Б. 56.
3. "Ҳудуд ул . олам" (Моваруннаҳр тавсифи) Т., - "O'zbekiston", -2008 .
4. Мухаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. Форс тилидан А. Расулев таржимаси. - Т., 1966.



5. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар V, 1-к. -Т.: «Фан»: 1973, 426 б.
6. Камолидинов Ш "Китаб ал-ансаб» ас Самани как исторический источник. -Т: «Фан», 1994.
7. Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал-ард. -Т. "Ўз МЭ ДИН", 2011. Б. 65-66, 218.
8. Муҳаммаджонов А. Кеш -уй, яъни Ватан демақдир //«Мозийдан садо». 2003 йил 2-сон Б.44.
9. Крашенинникова Н.И. Изучение цитадели кеша //АО 1977. М.,1978. С.64.
10. Массон М.Е. Работы Кешской археолого - топографической экспедиции (КАТЭ) по изучении восточной половины Кешской области 1966 г. Археология Средней Азии Сб. трудов ТашГУ, № 533.: Т,, 1977. С-24-25.
11. Дресвянская Г.Я., Лунина С.Б., Султанов Х.С., Усмонова З.И. Шахрисабз. 1, // ". Т., 1993 . С. 26-27, 44-45.
12. Камолидинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тахаристана по арабоязычным источникам IX-начала XIII вв., Т, 1996. С-12-23.
13. Усманова З.И.Археологическое изучения Шахрисабза // Средневековая городская культура Казахстана // Средней Азии. Алма-Ата, 1983. С.208-215.
14. Райимқулов А. Қашқадарё воҳасининг ўрта аср шаҳарлари. Қарши "Насаф", 2018. Б.96,82,83,93,97.
15. Чағониён тарихи. -Т.: ТИУ, 2002.
16. Исомиддинов М. Яркулов. А. Нахшаб ҳунармандчилиги тарихи. -Т.: "Янги нашр", 2014. 84-б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада илк ўрта асрлар давридан бошлаб, Кеш шаҳрининг пайдо бўлиши, шаҳарнинг кўчиши ва тузилиши, географик жойлашуви, маъмурий ҳудудий бўлиниш, рустоқларнинг жойлашуви араб муаллифлари асарлари ҳамда шаҳарда ўтказилган тарихий, археологик, манбалар асосида таҳлил этилган ҳамда муаллифнинг хулосалари берилган.

РЕЗЮМЕ

Данной статье начиная с раннего средневековья, на основы произведений арабских авторов и исторических, археологических источников проанализирован возникновение поселения на месте города Кеш (Шахрисабз), передвижение и план города, географические положение, административно -территориальная расположение, а также расположение рустаков Кеша и даны выводы автора.

SUMMARY

The appearance of Kesh city. The moving and structure of the city. Its geographical location, administrative and regional division of the city. The works by Arab tourists, historical and archaeological sources and the author's conclusion are mentioned in this article.



O'ZBEKISTONDA IKKINCHI JAHON URUSHI YILLARIDA SOG'LIQNI SAQLASH MUAMMOLARI

Гавҳар МЎМИНОВА,
ҚарДУ «Жаҳон тарихи» кафедраси мудири т.ф.д.

Таянч сўз ва иборалар: *Ўзбекистон, Иккинчи жаҳон уруши, соғлиқни сақлаш, ҳарбий, госпитал, даволаш, юқумли, ижтимоий, касаллик, она ва бола, саломатлик.*

Иккинчи жаҳон уруши бутун жаҳон халқлари хотирасида ўзининг фожиавий изини қолдирган тарихий воқеалардан биридир. Ўзбекистоннинг уруш йилларидаги тарихини ҳолисона ва адолат нуқтаи назардан ўрганиш тарихий хотирани мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев анъанавий Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган қабул маросимда сўзлаган нутқида доимо Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон аҳолисининг фронт ортидаги машаққатли ва мардонавор меҳнатига юқори баҳо беради. Шундан келиб чиқиб, 2019 йил 23 октябрда "Иккинчи жаҳон урушида галабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тармоғи моддий-техника базасини мустаҳкамлаш давлатнинг муҳим вазифаларидан бирига айланди. Чунки эвакуация қилинган ва янгидан ташкил этилган ҳарбий госпиталларни бинолар, керакли тиббий асбоб-ускуналар ва кадрлар билан таъминлаш, тиббиёт соҳасига фаннинг янги-янги ютуқларини жорий этиш учун катта маблағ талаб қилинди. 1941 йил республика соғлиқни сақлаш тизимига 330556 минг рубль сарфланган бўлиб, асосий маблағлар даволаш ишларига, кадрлар тайёрлашга, соҳа фанини ривожлантириш учун ажратилди. 1944 йилда соҳа учун ажратилган умумий маблағ 482653 минг рублни ташкил қилди [19, 35].

Уруш йилларида Ўзбекистонда даволаш муассасалари, ўринлар ва тиббиёт ходимлари эвакуация қилинганлар ҳисобига ортиб борди. 1941 йили Ўзбекистонда 368 та касалхона ва 19498 даволаш ўринлари мавжуд бўлган бўлса, 1945 йилда шифохоналар 481 та, даволаш ўринлари 24848 тага, врачлар эса 2561 тадан 2984 тага ортди [22, 68].

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш органлари зиммасига юкланган мураккаб вазифалардан бири бу эвакуация қилинган госпиталлар фаолиятини йўлга қўйиш ва уларнинг иш жараёнларини ташкил этиб, ярадор ва беморларни даволаш ишларини олиб бориш эди. Қоида бўйича ҳарбий госпиталлар асосан темир йўл яқинидаги шаҳар ҳудудларига жойлаштирилди ва госпиталлар фаолиятига республика Соғлиқни сақлаш халқ комиссари ўринбо-



сари Б. И. Берлинер раҳбарлик қилди. Госпиталлар учун мактаб ва институт, клуб ва театр бинолари бўшатиб берилди. 1941 йилнинг декабрида республикада 96 та эвакуация қилинган госпиталлар бўлиб, уларда 31700 даволаш ўрни мавжуд эди [18, 46]. 1942 йилнинг охирига келиб Ўзбекистонда 113 та ҳарбий госпитал ва уларда 39140 та даволаш ўрни ишлаб турди. Ҳарбий госпиталларда 1941 йил октябридан 1945 йил 1 июлига қадар 164 минг 382 нафар ярадор аскар ва зобитлар даволанди [12].

Ҳарбий госпиталлар асосан Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида жойлаштирилиб, уларнинг ҳар бирига 20 тадан [26, 9], Фарғона вилоятида эса 16 та шундай даволаш муассасаси фаолият олиб борди. Масалан, Самарқанд шаҳрида 1530, 1268, 1267, 3963, 3962, 3964, 3965-сонли ҳарбий госпиталлар ишлаб турди [14, 17]. Шаҳардан ташқари госпитал тармоқлари вилоятнинг темир йўлга яқин жойлашган Булунгур, Нарпай, Пахтачи каби туманларида жойлаштирилди. Самарқанд вилоятидаги госпиталларда уруш йилларида 50 минг нафардан ортиқ ярадор аскар ва зобитлар даволанди. Даволанган ярадорларнинг 49 фоизи ҳарбий хизматга қайтарилди [21, 151]. Госпиталлардаги ярадорларни даволашда Самарқанд шаҳрига эвакуация қилинган С. М. Киров номидаги Ленинград ҳарбий-тиббий академияси олимлари ва мутахассислари катта ёрдам кўрсатди. Улар фақат маслаҳат бериб қолмасдан, жарроҳлик бўлимлари фаолиятига ҳам раҳбарлик қилди. Самарқанд вилоятидаги эвакгоспиталларнинг бош жарроҳи вазифасини Самарқанд тиббиёт институти профессори Б. Е. Панкратьев ва ундан сўнг К. В. Медведколар бажарди [21, 151]. Самарқанд шаҳрига эвакуация қилинган ҳарбий госпиталларда академиклар Н. Н. Аничков, В. Н. Осипов, В. И. Воячик, В. А. Шамо, профессорлар С. А. Новотельников, А. В. Лебединский, В. С. Дайников, В. М. Бродерзон, С. Ю. Минкин, М. Н. Энтин, Ф. М. Фольклер ва бошқалар фаолият олиб борди [11, 67].

Тошкент шаҳрида мамлакатдаги йирик ҳисобланган кўз касалликлари госпитали ташкил этилиб, унда таниқли академик В. П. Филатов фаолият кўрсатди [17, 7]. Уруш йиллари Украина кўз касаллиги илмий-тадқиқот институти академиги, соҳанинг мамлакатдаги етук мутахассисларидан В. П. Филатов Тошкент шаҳрида, ҳарбий-тиббий академиянинг кўз касалликлари клиникаси профессори Б. Л. Поляк, профессор В. Н. Архангель-





скийлар Самарқандда, Москва медицина институтининг кўз касалликлари клиникаси профессори М. Я. Фрадкин Фарғонада фаолият олиб борди [7, 21].

Уруш қатнашчилари ва ярадорларга тиббий амалий ёрдам ва маслаҳатлар беришда тиббиёт соҳаси олимларидан В. П. Филатов, В. Т. Талалаев, И. А. Богарез, Х. В. Майстрах, И. А. Кассирский ва бошқалар жонбозлик кўрсатди. Ҳарбий госпиталларда маҳаллий врачлардан Т. Т. Гулбасарова, И. Расулов, М. П. Исахонов, С. Х. Муҳаммедов, Р. Р. Фарҳодий, А. С. Умарова, Р. К. Юсупова ва бошқалар фидокорона хизмат қилди.

Ўзбекистондан ғарбга ҳаракатдаги армия қисмлари учун ҳам госпиталлар тузилиб, фронтга жўнатилди. Масалан, Андижон вилоятида шундай даволаш муассасаларидан 8 таси тузилди ва энг зарур тиббий асбоб-ускуналар, кадрлар билан таъминланиб, фронтга юборилди [7, 21].

Ўзбекистонда уруш туфайли оналик ва болаликни муҳофаза қилиш иши бироз сусаяди. Бу ҳолат 1943 йил 20 апрелда СССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлигининг 181-сонли буйруғида ҳам қайд этилди. Унда таъкидланишича, Ўзбекистон ССР, Қирғизистон ССР, Татаристон АССР каби ҳудудларнинг Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги туғруқ ишлари устидан назоратни сусайтирган. Натижада бу ҳудудларда туғруқ муассасалари фаолияти кўрсаткичлари ёмонлашган. Бу даврда туғруқ жараёнида тиббий ёрдам кўрсатиш 1940 йилга нисбатан 2 мартага камайган. 1943 йил мартда Москвада болалар соғлигини сақлаш масаласига бағишланган Бутуниттифоқ анжумани бўлиб ўтди. Анжуман ҳужжатларида мамлакатда туғруқ ишларининг ташкилий-услубий жиҳатлари, оналар ва болалар ўлими тафсилотлари ўрганилиб, натижалари туғруқхона ва аёллар маслаҳатхоналари врачлари конференцияси ва бошқа йўналишларида муҳокама этилиши, жамоа хўжалиги уйлари қайта ташкил этиш, қишлоқларда туғруқ ишлари раҳбарлигини яхшилаш, саноат корхоналарида акушер-гинекология кабинетлари ташкил этиш каби масалаларга тўхталиб ўтилди [15, 41].

Белгиланган тадбирлар ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. 1943 йил ёзги соғломлаштириш даврида Ўзбекистонда уруш қатнашчиларининг 51 минг нафардан ортиқ болалари санатория, дам олиш уйлари ва пионер лагерларига юборилди. 1944 йил 30 сентябрда ЎзССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлигининг оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган буйруғи эълон қилинди. Буйруқда қишлоқ жойларида ва ишчи посёлкаларида болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдамни яхшилаш мақсадида Когон, Марғилон, Каттақўрғон, Термиз ва Чирчиқда болалар амбулаториясини ташкил этиш, туғруқ ўринларини кўпайтириш, республиканинг йирик шаҳарларида аёллар маслаҳатхоналарини очиш, колхозлараро акушерлик пунктларини ташкил этиш каби тадбирлар белгиланди [9, 27].

1944 йил 8 июнда СССР Олий Совети Президиумининг "Ҳомиладор аёлларга, кўп болали аёлларга ва ёлғиз оналарга давлат ёрдами кўрсатиш, оналик ва болаликни ҳимоя этишни кучайтириш", "Қаҳрамон она" фах-



рий унвонини жорий этиш, "Оналик шуҳрати" ордени ва "Оналик" медалини таъсис этиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди [16, 422-423]. Ушбу Фармонда кўп болали оналарга бериладиган имтиёзлар, фронтда ҳалок бўлган жангчиларнинг болаларига ёрдам ҳақида ҳам гапирилиб, ёлғиз оналарга нафақалар бола 12 ёшга тўлгунга қадар бериладиган бўлди.

Шунингдек, ҳужжатда ёлғиз оналар болаларини давлат муассасаларига жойлаштириши ва давлат ҳисобидан боқиши, ёш гўдакли оналарни тунги ишларга жалб этишни тақиқлаш ҳақида ҳам гапирилди [16, 422-423]. Белгиланган чора-тадбирларга қарамай оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасидаги ишларни ижобий баҳолаб бўлмайди. Чунки уруш йиллари болаларнинг турли юқумли касалликларга чалиниши ва ўлими кўпайиб борди. Масалан, 1945 йилнинг биринчи ярмида Андижонда чақалоқлар уйидаги 192 нафар боладан 58 нафар, Самарқанд болалар шифохонасида 527 нафар даволанган боладан 20 фоизи турли сабаблар туфайли вафот этди [5, 21].

Урушнинг оғир йиллари санитария-эпидемия хизмати ишини йўлга қўйиш қийинлашиб борди. 1941 йил октябрида Собиқ Иттифоқ Давлат Мудофаа Комитетининг "Мамлакатда эпидемия касалликлари бўйича аҳолини огоҳлантириш ва уларга қарши кураш" тадбирлари юзасидан махсус қарори қабул қилинди. Ўзбекистон шароитида уруш йиллари эпидемияларга қарши кураш тадбирлари оғир шароитларда олиб борилди. Эвакуация қилинганларнинг аксарияти аҳоли турар жой биноларига жойлаштирилди. Аҳоли яшаш пунктларида одам сонининг ортиши туфайли шаҳарларда санитария ҳолати ёмонлашди ва турли юқумли касалликлар эпидемияси тарқалишининг хавфи кучайди. Ноқулай вазият ҳисобга олиниб, жойларда эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссиялари тузилди.

Аммо уруш йиллари белгиланган чора-тадбирларга қарамадан аҳоли орасида эпидемия хавфи ўсиб борди. Турли юқумли касалликлардан айниқса терлама ва безгак эпидемияси хавфи ортди. Масалан, Ўзбекистонда 1942 йилнинг декабрида 1953 нафар киши тепкили терлама билан рўйхатга олинган бўлса, 1943 йилнинг феврилида 19258 нафар киши шу касаллик билан касалланган [3, 5-7]. Бу касаллик айниқса Бухоро вилояти туманларида кенг ёйилган [10, 19].

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам Ўзбекистондаги тиббиёт институтлари ўз фаолиятини давом эттирди. Профессор-ўқитувчиларнинг кўпчилиги армия сафига кетди. Самарқанд тиббиёт институти жамоасидан 190 киши ҳаракатдаги армия сафларига кетди. Тошкент тиббиёт институтидан профессор А. С. Стекольников, Ф. М. Файбушевич, Ф. Ф. Амиров ва бошқалар армия сафида немисларга қарши курашди. Институтни тугатган Солиҳ Собиров Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини олди.

1941 йили ТошМИДа кафедра ва клиникаларда 320 нафар профессор-ўқитувчи ва ходим, 124 нафар врач-ординатор фаолият олиб борди. Уруш йилларида тиббиёт институтларига талабалар қабул қилиш кўпайтирилиб борилди. Масалан, 1940 йилда ТошМИДа 2283 талаба таҳсил олган бўлса,



1944 йилда 3168 нафар талаба таълим олди. 1942 йили Тошкент Давлат тиббиёт институтини 649 нафар талаба тамомлаб, шундан 420 нафари фронтга, 229 нафари республика даволаш муассасаларига юборилди [2,67-68].

Республика соғлиқни сақлаш тармоғи оғир синовлардан ўтди ва кўплаб малакали, иқтидорли тиббиёт ходимлари урушга сафарбар этилди. Тиббиёт билим юртли ва илмий-тадқиқот институтларининг профессорлари, доцент ва оддий ўқитувчилари, даволаш муассасаларида хизмат қилаётган ўрта тиббиёт ходимлари-фельдшерлар, санитарлар, ҳамширалар ҳам урушга кетди.

Уруш йиллари тиббиёт ходимлари Ватан ҳимояси ишига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб, кўрсатган жасорати ва фидокорона меҳнати эвазига 4000 нафардан ортиқ тиббиёт ходими орден ва медаллар билан тақдирланди. Ўзбекистоннинг таниқли врачларидан профессорлар К. С. Зоиров, И. К. Мусабоев, М. А. Ашрапова, Р. А. Абдуллаев, А. С. Саидахмедов, З. А. Долимов, М. К. Комилов, Н. М. Шоматов, У. М. Мираҳмедов, Н. К. Аҳмедов, А. Р. Мансуров, С. А. Аъзамхўжаев, доцентлар Х. Х. Ҳусанов, С. А. Аҳмедов, Н. В. Возовиков, С. А. Ориповлар уруш йиллари халқ соғлиғини сақлаш, уруш ярадорларига ёрдам беришда фидокорона меҳнат қилди [22, 68].

Ўзбекистон врачлари фронтдаги ҳарбий қисмларнинг санитария қисмларида қаҳрамонона меҳнат қилди. Сталинград остоналаридаги жангларда ҳарбий врач З. П. Хўжаев 39 та, умуман 1943 йилнинг 19 сентябридан 1944 йилнинг 1 январига қадар 647 та тиббий операцияни муваффақиятли амалга оширди [17, 7].

Санинструктор С. Муҳаммедов ва ҳарбий фельдшер Р. Б. Шагнаҳметовлар 1941 йил Москва ва 1943 йил Сталинград муҳофаазида иштирок этиб, кўрсатган қаҳрамонлиги ва жасорати учун Ленин ордени, санинструктор Р. С. Рустамбеков ва К. Т. Булатов "Шухрат" ордени, санинструктор М. Аҳмедов ва О. Алиевлар "Қизил байроқ" ордени билан тақдирланди [17, 7].

А. Мансуров Ғарбий фронт таркибидаги 342-ўқчи дивизиясида Москванинг жануб томонидаги жангларда қаҳрамонона иштирок этди. Ҳарбий врач А. Мансуров ординатор-жарроҳ сифатида мураккаб операцияларда қатнашиб, бир неча юзлаб жангчиларнинг ҳаётини сақлаб қолди. У Берлин ва Прага шаҳарларини озод этишда ҳам қатнашди ва кўрсатган жасорати учун икки марта "Қизил Юлдуз" ордени билан мукофотланди [28, 70-73].

Хуллас, Иккинчи жаҳон уруши йилларида соғлиқни сақлаш соҳаси фаолияти ҳам фронт эҳтиёжлари томон йўналтирилиб, унинг зиммасига ғарбдан эвакуация қилинган ҳарбий госпиталларни жойлаштириш, эпидемияларнинг олдини олиш, санитария-профилактика ишларини жонлантириш, даволаш муассасалари ишини йўлга қўйиш каби мураккаб вазифаларнинг юкланиши, бу эса тиббий ходимлар ишини янада оғирлаштирган. Эътиборли томони шундаки, Иккинчи жаҳон уруши йиллари ўзбекистонлик



тиббийёт ходимлари ҳам Ватан ҳимояси ишига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб, кўрсатган жасорати ва фидокорона меҳнати эвазига муносиб тақдирланиши ватанпарварликнинг яққол намунаси сифатида намоён бўлди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (ЎзР МДА), 3-фонд, 1-рўйхат, 9338-йиғма жилд, 4-варақ.
2. ЎзРМДА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3709-йиғма жилд, 67-68-варақлар.
3. ЎзР МДА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3710-йиғма жилд, 5-7-варақлар.
4. ЎзР МДА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 7219-йиғма жилд, 12-варақ.
5. ЎзРМДА, Р-2290-фонд, 1-рўйхат, 3189-йиғма жилд, 21-варақ.
6. Ўзбекистон Республикаси Илмий Техникавий ва Тиббий ҳужжатлар Марказий Давлат архиви (ЎзР ИТТХМДА) 1-фонд, 1-рўйхат, 9367-йиғма жилд, 5-варақ.
7. ЎзР ИТТХМДА, 1-фонд, 1-рўйхат, 9463-йиғма жилд, 21-варақ.
8. ЎзР ИТТХМДА, 1-фонд, 3-рўйхат, 479-йиғма жилд, 16-варақ.
9. ЎзРИТТХМДА, 3-фонд, 1-рўйхат, 55-йиғма жилд, 27 варақ.
10. Бухоро вилояти Давлат архиви, 1023-фонд, 1-рўйхат, 173-йиғма жилд, 19-варақ.
11. Агзамходжаев С. А. Медики Узбекистана в годы Великой Отечественной войны // Советской здравоохранение. - М.: Медицина. 1975. - № 10. - С. 67.
12. Азляров А. В. Узбекистанна исцелененаправлялираненых совсех фронтов/ Правда Востока, 10 мая 2005.
13. Аллаберганов К. История организации профилактики чумы в Каракалпакстане в XX веке. Дис... канд. ист. наук. - Нукус, 2001. - С. 46.
14. Арипова Т. У. Здравоохранение и здоровье населения Самаркандской области. Автореф. дис... докт. мед. наук. - Т., 1975. - С. 17.
15. Данилицина Е. И. Охрана здоровья женщины - матери в годы Великой Отечественной войны // Советское здравоохранение. - 1986 - № 3. - С. 41.
16. Здравоохранение в годы Великой Отечественной войны. Сборник документов и материалов. Под ред. Барсукова Д. Д. - М.: Медицина, 1977. - С. 422 - 423.
17. Литвиненко П. М. О героизме медиков в годы Великой Отечественной войны // Медицинский журнал Узбекистана. - 1985 - № 5. - С. 7.
18. Махмудов М., Умирзаков Б. Х. Здравоохранение Узбекистана (Исторический очерк). - Т., 1991. - С. 46.
19. Рахимов Э. В. Социально-экономические основы развития здравоохранения в Узбекистане. - Т., 1984. - С. 35.
20. Ривкус Ю. З., Наумов А. В., Хотько Н. И., Гельдыев А. Эпидемиология и профилактика чумы. - Ашгабат: Матарыф. 1992. - С. 108.
21. Самарқанд тиббийети тарихи. I-китоб. - Тошкент: Фан, 2007. - Б. 151.
22. Советское здравоохранение. -, 1975 - № 10. - С. 68.



23. Уруш кўрган докторлар.-Андижон, 1995.- Б. 4.
24. Фашизм устидан қозонилган галабада Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси (1941-1945 йй.) // Илмий-назарий конференция материаллари. - Тошкент, 1996.-Б. 73.
25. Ходжаков А. Х. Здравоохранение Андижанской области в годы Великой Отечественной войны //Медицинский журнал Узбекистана.- 1985-№ 5.- С. 9.
26. Хотира. Тошкент шаҳри. 1-китоб.-Тошкент, 1994.-Б. 9; Хотира. Самарқанд вилояти. 1-китоб.-Тошкент, 1994.-Б. 9.
27. Ўзбекистонлик шифокорлар Улуғ Ватан уруши йилларида.- Т.: Ибн Сино, 1991. - Б.70-73.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасининг йўлга қўйилиши билан боғлиқ жараёнлар, жумладан, юқумли ва ижтимоий касалликларга қарши кураш, ҳарбий госпиталлар фаолияти, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тадбирлари хусусидаги фикр-мулоҳазалар умумлаштирилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье обобщаются процессы связанные с налаживанием сферы здравоохранения в Узбекистане в годы Второй мировой войны, а также размышления о борьбе с инфекционными и социальными заболеваниями, деятельности военных госпиталей, мероприятий по защите материнства и детства.

RESUME

This article summarizes the historical processes associated with the establishment of the health sector in Uzbekistan during the Second world war, as well as reflections on the fight against infectious and social diseases, the activities of military hospitals, measures to protect mothers and children.





BUYUK IPAK YO'LI XIZMAT KO'RSATISH TIZIMIDA KARVONSAROYLARNING O'RNI

Анвар ОЧИЛОВ,
ҚарДУ ўқитувчиси

Таянч сўз ва иборалар: *Буюк ипак йўли, карвонсарой, бозор, рабоб, сардоба, Тўрткўлтёпа карвонсаройи, Бухоро-Қарши.*

Ипак йўли иншоотлари Марказий Осиёдаги хизмат кўрсатиш тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиб, уларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши қадимги йўллар фаолиятига мос равишда борган. Тегишли манбалар таҳлили ва туб аҳоли турмуш тарзидан келиб чиқилса, оддий йўлбўйи иншоотлари илк алоқа йўллари тармоқлари шакллана бошлаган қадимги давридаёқ барпо этила бошланган бўлиши мумкин.

Нисбатан узоқ масофани пиёда босиб ўтишга мажбур бўлган қадимги қабилалар ҳудуддан-ҳудудга кўчишда, овчи гуруҳларининг кўп кунлик ов сафари даврида ва бошқа вазиятларда тўхташ жойларида хавфсизлик нуқтаи-назаридан чайласимон иншоотлар барпо этила бошлаган. Қисқа муддат фойдаланишга мўлжалланган бундай шаклдаги биноларга йўлбўйи иншоотларининг илк кўриниши сифатида қараш мумкин. Албатта, ўтган тарихий давр мобайнида бундай енгил конструкцияли иншоотлар бизгача етиб келмаганлиги табиий ҳолдир.

Шунга қарамасдан, бундай иншоотларга бўлган эҳтиёж илк алоқа йўллари билан бирга пайдо бўлганлиги ва бу талаб ибтидоий аждодларимизни уларни барпо этишга ундаганлиги шубҳасиздир. Йўлларда хавфсизликни таъминлашга интилиш, йиртқич ҳайвонлар ва заҳарли ҳашаротлардан ҳимояланишга бўлган эҳтиёж ҳамда табиий муҳит таъсири (совуқ, жазирама иссиқ, шамоллар ва бошқалар) ибтидоий йўлбўйи иншоотларининг пайдо бўлиши ва даврлар ўтиши билан такомиллашиб боришига олиб келган муҳим сабаб эди.

Хусусан, ўрта асрларда ҳам минтақанинг дашт ҳудудлари орқали ўтган карвон йўллари бўйида савдо карвонларига, йўловчиларга, давлат хизматчиларига, алоқа-почта хизмати ходимларига хизмат кўрсатишга мўлжалланган махсус чодирлардан иборат бекатлар мавжуд. Бундай иншоотлар, вазиятга қараб тезда қуриш ва йиғиштириш, бошқа жойга кўчириш имконини бергани боис ҳам катта амалий аҳамиятга эга бўлгани шубҳасиздир. Умуман олганда, ибтидоий йўлбўйи иншоотлари йўловчиларни турли хавфлардан сақлашга хизмат қилган ҳамда ўзига хос белги, йўлкўрсаткич вази-фасини ҳам бажарган.

Улов (от, туя, эшак ва бошқалар) ва транспорт воситалари (аравалар ва бошқалар)дан фойдаланиш бошланган, ҳудудий ва минтақалараро алоқа-



лар вужудга келган энеолит ва бронза даврларидан бошлаб йўлбўйи иншоотлари алоқа йўллари тизимининг муҳим таркибий қисмини ташкил эта бошлаган. Жамият тараққиёти, қурилиш-меъморлик соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, хусусан йирик монументал иншоотлар, мустаҳкамланган қалъалар барпо этиш борасидаги тажрибалар ҳамда савдо-сотиқ ривожига талаблари савдо йўллари бўйида махсус иншоотлар барпо этилишига ундаган муҳим омиллардан эди.

Бундай иншоотлар дастлаб қудуқлар бўйида, тоғ довлари бошланадиган жойларда, дарё кечувлари яқинида муҳим ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга йўллар йўналишида барпо этила бошланган. Ички ва ташқи алоқалар ривожига карвон йўлларида хавфсизликни таъминлаш ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириб боришни талаб этган. Марказлашган йирик давлатларнинг ташкил топиши билан йўлбўйи иншоотлари барпо этиш давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисмига айлана бошлаган.

Аҳамонийлар даврида улкан империянинг турли ҳудудларини ўзаро боғловчи алоқа йўллари бўйида, хусусан машҳур "Шоҳ йўли" бўйлаб бир кунлик масофада работлар ва карвонсаройлар мавжуд бекатлар қурилгани маълум[1:286]. Мутахассислар фикрича, Ўрта Осиё ҳудудида ҳам милоддан аввалги VI-V асрларда, яъни аҳамонийлар даврида муҳим транзит йўллар бўйича кичик қалъа типидagi мустаҳкамланган иншоотлар барпо этила бошлаган. Бундай иншоотлар одатда савдо йўлларининг хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклатилган кичик ҳарбий гуруҳлар учун мўлжалланган бўлиб, улар савдо карвонлари тўхтаб дам олиши учун ҳам мўлжалланган, яъни карвонсарой вазифасини ҳам бажарган[2:54]. Шу тариқа работлар, яъни мустаҳкамланган карвонсаройлар вужудга келган.

Карвонсаройлар қуриш жараёни, айниқса ўрта асрларда жадал тус олган. Ривожланган ўрта асрлар, хусусан, IX-X асрлардаги работлар, уларнинг меъморий тузилишидан келиб чиқсак, улар мустаҳкамланган ва қўриқланадиган карвонсаройлар вазифасини бажаришга хизмат қилган. XII асрда улар ўзларининг ҳарбий истеҳком сифатидаги аҳамиятини йўқотган. Лекин уларнинг қурилиши бутун ўрта асрлар давомида тўхтаб қолмаган.

Илк ислом даврида Мовароуннаҳрнинг ҳар бир қишлоғи аҳолиси йирик шаҳарларда работлар қурган. Бу иншоотлар дастлаб ғозийлар (ислом дини учун курашувчилар) учун барпо этилиб, айниқса ислом дини ёйилган чегара ҳудудларда катта ўрин тутган. Хусусан, Бинкат, Жиззах ва бошқа шаҳарлардаги бундай работларнинг мавжудлиги[3:172-173], муаррих Наршахийнинг Бухорони ҳар бир қишлоғи аҳолиси Пойкент яқинида работлар қургани ҳақидаги маълумотлари[4:24-25], Истаҳрийнинг сомонийлар даврида Мовароуннаҳрда 10 мингдан ортиқ работ, карвонсарой ва қўналгалар фаолияти мавжуд бўлганлиги ҳақидаги фикри[5:304], қорахонийлар даврида барпо этилган кўплаб работлар[3:168-169], Чигатой улусида йўл бўйларида барпо этилган махсус бекат - ёмлар[6:170-174], Амир Темур ва темурийлар, шайбонийлар ва бошқа сулолалар даврида барпо этилган кўплаб йўлбўйи иншоотлари бу соҳага бўлган эътибордан далолат беради.



Карвонсаройлар ва работлар савдо йўллари нозорат қилишда катта ўрин тутган ҳарбий истеҳком сифатида ҳам аҳамиятли бўлган. Ўрта асрларда йўлбўйи иншоотлари барпо этишда савдо-сотик ривожидан манфатдор бўлган ҳукмдорлар катта ўрин тутган. Умуман олганда, ислом даврида турли ижтимоий бинолар - масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар, кўприклар, работлар, карвонсаройлар, сардобалар ва бошқалар барпо этиш адолатли ҳукмдорнинг муҳим ҳислатларидан бўлган.

Манбаларга мурожаат қилсак, Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган сулолар вакиллари бу масалага катта эътибор қаратганлигини кўрамыз. Замондошларини ҳайратга солган карвонсаройлар ичида Бухоро - Самарқанд йўлида, Кармана яқинида қурилган Работи Малик карвонсаройини, Султон Санжарнинг Марвдаги ноиб Абу Тоҳирини Саъд томонидан Нишопур - Марв йўлида барпо этилиб, энг маҳобатли ҳисобланган Работи Шариф карвонсаройини, Абдуллахон II томонидан Қоровулбозорда қурилган йирик карвонсаройи мавжуд эди[3:168].

Давлат хазинасидан ташқари йўлбўйи иншоотлари қурилишида маҳаллий бойлар, савдогарлар ва амалдорларнинг ҳиссаси ҳам катта бўлгани манбалардан маълум. Шу ўринда Жиззахдан 2 фарсах узоқликда ал-Афшин (Ҳайдар ибн Ковус) томонидан IX асрда барпо этилган Худосор карвонсаройини ва бу шаҳар яқинида X асрда қурилган Ҳасан работини, Жиззах - Шош йўлидаги Тўрткўлтёпа ёдгорлиги ўрнидаги карвонсаройини, Алишер Навоийнинг Ҳиротда ва Хуросоннинг асосий йўллари бўйида кўплаб карвонсарой ва работлар барпо этганини[3:174-176], Жўйбор хожалари томонидан Бухоро - Қарши ва Амударёга кетувчи йўллар бўйида қурилган ўнлаб работлар ва сардобаларни[7:26-27], XVII асрда Бухоро хони саройида дастурхончи мансабини эгаллаб турган Зокирбий исми киши маблағига Қарши чўлидаги Қақир деб аталган жойда барпо этилган работни[8:312], унинг ёнида XIX асрнинг биринчи ярмида Амир Насрулло томонидан қурилган сардобани[9:248] ва бошқа иншоотларни келтириш мумкин.

Темурийлар даврида Олой тоғларида, денгиз сатҳидан 3050 м. баландликда, Отбошдан 85 км. жануби-шарқда, Қорақуюн дарёси яқинида қурилган Тошработ карвонсаройи[10:592] бу даврда карвонсаройлар қурилган ҳудудлар географияси кенг бўлганидан далолат беради. Юқорида келтирилган маълумотлар карвонсаройлар ва работлар барпо этишда давлат хазинасидан ташқари йирик савдогарлар ва амалдорлар, маҳаллий бойлар, яъни савдо-сотикдан катта амалий фойда кўрган ижтимоий қатлам, тадбиркорлар катта ўрин тутиб, ўрта асрларда карвонсаройлар ва работлар барпо этиш кўлами анча юқори бўлганлигини кўрсатади.

Карвон йўлларининг ва умуман савдо-сотикнинг энг муҳим унсурларидан бўлган карвонсаройларнинг тузилишини ўрганиш, халқимизнинг бой меъморлик тарихини ўрганишга ҳам ёрдам беради. Карвонсаройлар одатда савдо марказлари бўлган шаҳарларда, муҳим савдо йўллари бўйида барпо этилган бўлиб, улар тузилишига, ҳажмига ва айрим ҳолларда бажарадиган вазифасига кўра ҳам бир-биридан фарқланган. Археологик тадқиқотлар ва



ёзма манбалар маълумотларини таҳлил қилиб, айрим карвонсаройлар тузилиши ҳақида маълум маълумотларга эга бўлиши мумкин. Масалан, Зоминдан Фарғонага ва Тошкентга кетувчи йўлда топилган X-XII асрларга оид Тўрткўлтёпа карвонсаройи тўғри тўртбурчак (томонларининг узунлиги 106 x 106 м.) шаклида бўлиб, шимол томондан баландлиги 5 метрни ташкил қиладиган асосий аркасимон дарвозага эга бўлган[3:175-176].

Карвонсаройлари тузилиши ҳақида Пойкентдаги работ ҳамда Бухоро - Қарши савдо йўлида жойлашган Қоровулбозордаги карвонсарой (XVI аср) ҳақидаги маълумотларни ҳам келтириш мумкин. Қоровулбозордаги карвонсарой томонлари узунлиги 100 метрга яқин бўлиб, унинг жанубий ва шимолий қисмида баландлиги 8 метрдан иборат катта дарвозалари мавжуд бўлган ва XIX аср манбаларида кўрсатилишича гарчи бу даврда у хароба аҳволда бўлса-да, маҳобатли саройга қиёсланган[11:649-654].

1878-1879 йилларда Россия элчилик миссияси таркибида Бухоро ва Қарши орқали Афғонистонга борган И.А.Яворский бу карвонсаройнинг отхонасида 300 тагача от-уловларни сақлаш мумкинлигини қайд этган[9:317]. Мазкур карвонсарой 1916 йилда ТКЛА (Туркестанский кружок любителей археологии) аъзоси И.А.Кастанье томонидан махсус ўрганиб чиққан. У бу карвонсаройнинг тўла тарҳини чизиб, тузилишини батафсил таърифлаб ўтган[12:31-32]. Бу иншоот Ўрта Осиёда ўрта асрларда кўплаб бунёд этилган бир қаторли қилиб қурилган йўлак-секцияли карвонсаройлар туркумига кирган. Қиёс учун айтадиган бўлсак, Бухоро - Қарши йўлидаги Бўзачи работи тузилишига кўра секцияли иншоотлар туркумига мансуб бўлган[2:61-64].

Хоразм воҳасидан Каспий бўйидаги Доҳистонга кетувчи карвон йўлида Хоразмшоҳлар даврига оид бўлган доирасимон шаклда қурилган, ҳовлисида сардоба (ёки қудуқ)га эга бўлган карвонсаройлар (Тансиқлидепа ва бошқалар) топилган[13:427]. Бу маълумот минтақада карвонсаройлар тузилишига кўра мураккаб ва кўп қиррали бўлганидан далолат беради.

Савдо карвонлари ва йўловчиларни, улов воситаларини сув билан таъминлашга хизмат қилувчи гидротехник иншоотлар (қудуқлар, ҳовузлар ва сардобалар) қадимги коммуникация йўллари тизимининг муҳим унсурини ташкил этган. Бронза давридан бошлаб минтақадаги дашт ва чўлларнинг чорвадор қабилалар томонидан жадал ўзлаштирилиши алоқа йўллари йўналишлари бўйлаб зарур инфратузилмалар - йўлбўйи иншоотлари, биринчи галда қудуқлар барпо этилишини талаб этган.

Маълумки, Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида энеолит давридан барпо этила бошланган ирригация тизими, бронза даврида минтақанинг марказий ҳудудларидаги дарё водийларига ҳам ёйилган. Бу даврда суғориш иншоотлари барпо этиш соҳасида тўпланган тажрибалардан келиб чиқсак, ўз тузилишига кўра унчалик мураккаб бўлмаган қудуқларнинг барпо этилиши нафақат чўл ва дашт ҳудудларда, шу билан бирга ичимлик сувига бўлган табиий эҳтиёж туфайли, ўтроқ деҳқончилик водийларида ҳам барпо этила бошланган.

Хуллас Марказий Осиё ўрта асрларда Буюк ипак йўлидаги инфратузилмалар савдо-сотик ва хизмат кўрсатиш ривожига ижобий роль ўйнаган.



Фойдаланилаган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Геродот. История. В девяти книгах / Пер. с греческого и коммент. Г.А. Стратановского. - М.: ОЛМА-ПРЕСС Инвест, 2004- 286-с.
2. Маньковская Л.Ю. Типологические основы зодчества Средней Азии (IX- нач. XX вв.). - Ташкент: Фан, 1980. - С. 54.61-64
3. Грицина А.А. Уструшанские были. -Ташкент: изд. Народного наследия им. А.Кадыри, 2000. - С.168-169.172-176
4. Наршахий. Бухоро тарихи. - Тошкент, 1991. - Б. 24-25.
5. Abu Ishak al-Farisi al-Istakhri. Viae regnorum / Ed. M. J. de Goeje. Lugduni Batavorum apud E. J. Brill, 1967. - P. 304.
6. Марко Поло. Книга о разнообразии мира / Перевод И.Минаева. - М.: ЭКСМО, 2005.- С. 170-174.
7. Аҳмедов Б.Тарихдан сабоқлар. - Т.: Ўқитувчи, 1994. Б. 26-27.
8. Яворский И.Л. Путешествие русского посольства по Афганистану и Бухарскому ханству в 1878-1879 годах. - Т. 2. - СПб., 1883. - С. 312.317
9. Арандиренко Г.А. Цистерны в Каршинской степи // Досуги в Туркестане. - СПб., 1883. - С. 248.
10. Кубатбеков М. Караван-сарай Таш-Рабат // АО 1978 года. - М.: Наука, 1979. - С. 592.
11. Крестовский В.В. В гостях у эмира Бухарского. (Путевой вестник) / Журнал, Русский вестник, 1884. - № 6.,июнь- С. 649-654.
12. Кастанье И.В. Археологические разведки в Бухарских владениях // Протоколы ТКЛА. Год. XXI. Ташкент, 1917. - С. 31-32..
13. Вайнберг Б.И., Юсупов Х. Археологические исследования в западной части Туркмении // АО 1969 года. - М.: Наука, 1970. - С. 427.

РЕЗЮМЕ


Ушбу мақолада Буюк ипак йўлида хизмат кўрсатиш тизимида карвон-саройларнинг ўрни тарихий манбалар асосида ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье освещается роль караван-сараев в системе обслуживания Великого шелкового пути, основанная на исторических источниках.

RESUME

The article illustrates the role of caravanserai in the service system of the Great Silk Road which is based on historical sources.





QASHQADARYO VOHASIDA IQTISODIY VA HARBIY VAZIYAT

(1917-1920 yillar)

Гулора РАВШАНОВА,
ҚарДУ катта ўқитувчиси

Таянч сўз ва иборалар: Қашқадарё, иқтисод, ҳарбий, Бухоро амирлиги, мангитлар сулоласи, оғалиқ, додҳо, тўқсоба, Туркистон, "ҳалқ инқилоби", Турккомиссия, совет ҳукумати,

Қашқадарё воҳасида 1917–1920 йиллардаги иқтисодий ва ҳарбий вазият ҳозиргача илмий тарзда ўрганилмаганлиги сабабли, мавзу мақолада қисман ёритилади.

1920 йилнинг август ойи охирига қадар Қашқадарё воҳаси Бухоро амирлиги таркибида бўлиб, мангитлар сулоласи воҳа ҳудудида Қарши, Гузор, Яккабоғ, Чироқчи, Шаҳрисабз ва Китоб бекликлари мавжуд эди. XX аср бошларида воҳада 1187 аҳоли манзили ва 500 минг нафар нуфус мавжудлиги манбаларда қайд этилган. Воҳа қўшни Сурхондарёнинг Бойсун, Шеробод, Сарийосиё ва Юрчи бекликлари билан амирликнинг 40 фоиз аҳолисини қамраган ва галла, пахта, қорақўл тери етказиб беришда уларнинг ҳиссаси бутун маҳсулотларнинг 3–3,2 даражасида бўлган.

1917 йилда Туркистоннинг катта қисмини эгаллаб олган совет ҳукумати Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини ҳам босиб олишни кун тартибига қўйган эди. 1919 йилнинг ноябрь ойида Россия большевик-

лар партияси ва Бутуниттифоқ Марказий Ижроия қўмитаси РСФСР Халқ Комиссарлари Кенгашининг Туркистон ишлари бўйича комиссиялари Бухоро амирлигида "ҳалқ инқилоби"ни амалга ошириш учун қаттиқ киришган. Комиссия таркибига партия ва совет раҳбарларидан, М.В.Фрунзе, В.В.Куйбишев, Ш.З.Элиава, Я.Э.Рудзутақлар киритилган эди.

Амир Саййид Олимхон Турккомиссия билан 1920 йил 7 январда ва 30 мартда олиб борган музокараларда большевиклар билан келишиб бўлмаслигига, совет ҳокимиятининг асл мақсадига тушуниб етган. Амир Олимхон 1918 йилда Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси Ф.И.Колесовнинг Бухорода давлат тўнтариши қилишга уриниши мағлубиятга учрагач, амирлик ҳудудларида совет ҳокимияти Қизил армияси ҳужумига тайёргарлик кўришга киришган, жойларда мудофаа чораларини кўра бошлаган, навкарлар сонини оширишга ва қурол-яроғни кўпайти-



ришга интилаётган эди.

Совет ҳокимияти билан амирликнинг муносабати, шу тариқа, дастлабки йилларда бузилган эди. Фарғона водийсида совет тузуми ўрнатилишига қарши ватанпарварлик ҳаракати вужудга келгач, қирғин сиёсати авж олган. Қўқон мухториятининг тугатилиши курашни янада кескинлаштирган. Ўрта Осиёнинг марказий ҳудудларида юз бераётган жанглар, шубҳасиз, қўшни давлатларга, биринчи навбатда, Бухоро амирлиги ва унинг аҳолиси иқтисодийётига ҳам салбий таъсир кўрсатган. Бу шу даврда қимматчилик ва тақчиллик кучая бошлаганида кўринар эди. Бухоро амирлигида ҳам, пойтахт Бухоро ва бекликларда ҳам иқтисодий таназзул келиб чиққан. Амирлик асосий сармойани ҳарбий соҳага сарфлаётгани сабабли нарх-наво кун сайин оша бошлаган.

Мирзо Салимбек ўша давр воқеаларининг гувоҳи бўлган, амирнинг ишончли кишиси, совет ҳокимияти раҳбарлари билан элчи мақомида учрашган, Шаҳрисабзда беш йил ҳокимлик қилган киши эди. Унинг "Салимий тарихи" асари 1920 йил воқеалари билан тугайди, у 1930 йилда вафот этган. Асар давр воқеа-ҳодисалари теран англаб етилган ҳолда, холислик билан ёзилган.

1917-1918 йилларда вужудга келган иқтисодий аҳвол ҳақида муаллиф шундай ёзган. "Қимматчиликка қарамасдан, Бухоройи шарифда ҳамма нарса етарли ва аҳоли хотиржам яшамоқда эди. Жаноби олийлари Саййид Муҳаммад Олимхон... ҳар божхона бўлинмаларида, Бухоройи

шариф бозорларида, 360 маҳаллада кўплаб новвойхоналар очган, ҳар куни ҳар бир кишига, эркакми-аёл ёки бола бўлмасин, биттадан нон беришни йўлга қўйганди. Ҳар кимга ойда, катта ё кичиклигидан қатъий назар, галла сингари, шоҳона инъом қилиб бир қадоқдан қанд, гуруч бериларди. Шу йили бир ман / 8 пуд - 128 кг / буғдой 200 танга, бир ман гуруч 700 танга, бир қадоқ қанд 2 танга турар эди" .

Мирзо Салимбек Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси Ф.И.Колесовнинг Бухорога, ҳужум уюштиргани, икки ўртада уруш келиб чиққанидан кейин, нарх-навонинг ошиб кетганлиги, озиқ-овқат ва буюмларнинг жуда қимматлашгани ҳақида гапириб, "1335 ҳижрий йилда /1918/... большевиклар билан тўқнашув юз берди. Бир ман буғдой нархи 12 000 танга, бир ман арпа 8000 танга, бир ман гуруч 14000 танга бўлди. Бир пуд қанд 3000 тангага сотилар эди. Жаноби олийлари / яъни, Амир Саййид Олимхон - Г.Р./ ҳиммат ва кўнгли очиқлик билан Бухоро давлати фуқароларига қанд ва гуруч омборларини очиб қўйди. Бухоро элига шаҳарнинг бир неча жойларида қозонлар осдириб, ҳар куни ярма пиширтириб, эҳтиёжмандларга тарқаттирар эди"деб ёзганди.

Совет ҳокимияти, Қизил армия босқини арафаларида Амирлик пойтахти Бухорода қимматчиликнинг вужудга келиши, озиқ-овқатнинг тақчил бўла бориши бекликлар аҳолиси иқтисодига таъсир қилмай қолмаган. Жойларда ҳам нарх-наво кўтарилиб кетган, чорак



- 2 кг. гушт 200 тангага етган. 2 кг пиёз 15, бир бир халта сабзи 25, нимча чой 250 тангага зўрға топилган. Буюмлар нархи ҳам ошган. Китоб шахрида тўқилган алача матосидан тикилган яктак 1500, Қарши шахрининг астари шойи тўни 2000 танга, кандир чопон 600 тангага сотилган. Мирзо Салимбек, бу буюмлар, озиқ-овқатлар, полиз экинлари большевиклар Бухоронинг ички ишларига аралашмасдан бурун 10 танга, 80 тангадан ортиқ баҳоланмаганлигини ёзган.

1918 йилда бекликларда қимматчилик очарчиликка айланган. Мирзо Салимбекнинг таъкидлашича, шу йили қимматчилик очарчиликка бориб етган. "Қарши ва Ҳисор вилоятининг кўп аҳолиси болаларини худди молдек сотишган. Болалар, аёллар ва эркакларнинг катта қисми очликдан турли томонларга бош олиб кетдилар".

Амир Саййид Олимхон совет ҳокимиятининг босиб олиш хавфи кучайган, иқтисодий таназзул ҳукм сураётган шароитда бекликлардаги аҳволни яхшилаш учун интилган. Бу вақтда Қарши беклигида Аҳрорқулбек (қалмиқ) ҳокимият тепасида эди. 1918 йилда Китобда Нусратулло қушбегининг катта ўғли бек бўлган, у 1918 йилнинг 9 сентябрида вафот этган.

Мирзо Салимбекнинг таъкидлашига кўра, 1918 йилда Амир Саййид Олимхон бобоси амир Музаффар ва отаси амир Абдулаҳадлардан қолган хазинани уруш тайёргарлиги учун сарфлаган. Сарбозлар сони ошиб борар, навкарлар учун ҳар куни 2 миллион тангадан ортиқ

харажат қилинган.

Амирликда давом этаётган сиёсий иқтисодий танглик фуқароларни қийнаб қўйган эди. 1337 ҳижрий йилда (1919) Шаҳрисабзда Мирзо Саййид Мир Ақромхон тўра (Тўрам бадавлат - Г.Р.) ҳокимиятига қарши норозилик чиқиши юз берган. Мир Ақромхон амир Музаффарнинг ўғилларидан бўлиб, Амир Саййид Олимхонга амаки бўларди. Шаҳрисабзда бекдан норозилик исён даражасида кенгайиб, бу ҳақдаги нохуш хабарлар пойтахтга етиб борган. Амир Саййид Олимхон тезлик билан Низомиддинхўжа қушбегини, Отахўжа бийни 50 нафар сарбоз билан Шаҳрисабзга жўнатган.

Мирзо Салимбек Шаҳрисабз элининг қадимдан манғит амирлари билан ихтилофда бўлиб келганлигини тасвирлаган. Мир Ақромхоннинг масалага дағаллик билан ёдашганини тилга олган. Унинг ёзишига кўра, Ақромхон тўра Шаҳрисабз аҳолиси кўп йиллардан буён тинч яшаб, бойлиги етарли, деб ўйлайди. Бунинг устига, у ҳоким бўлиб келгач, шаҳрисабзликлардан бир нечта нафар бошлиқларни жадидлар деб ўлдириб юборилган, уларнинг мол-мулки тортиб олинган. Ҳатто, яҳудийларга ҳам 2 миллион солиқ солган. Мусулмон бойларидан эса 3 миллион сўм талаб қилган. Шаҳрисабзнинг ҳар маҳалласи ва кўчаларига сарбозлар қўйиб чиқишган. Аҳоли бу зулмдан норози бўлиб, Оқсаройни қуршаб олган, бир неча кун бу жойга ҳеч ким киритилмаган ва чиқарилмаган. Бухородан амир вакиллари келгач, ке-



лишувга эришган, Мир Акромхоннинг кетиши, унинг 11 нафар талончи мулозимини ҳайдаб юбориш талаблари қўйилган. Норози бўлган халқнинг тинчишида Шаҳрисабз оғалиғи Абдушукурбийнинг хизмати катта бўлади. Манғитлар даврида оғалиқ мақоми бекнинг ва эл ўртасидаги восита ҳисобланган. Муҳим ишлар, олиқ-солиқлар меъёрини амалга оширилишида оғалиқ маслаҳати ва аралашуви аҳамиятли эди. Амир Саййид Олимхон даврида Чоржўй, Қарши, Шаҳрисабз ва Китоб бекликларида оғалиқ мансаби мавжуд эди.

Шу даврда Қарши беклигида келиб чиқиши қалмиқ Аҳрорқулибий иноқ ҳокимлик қилган. У касалланиб Бухорога келади ва 1919 йилнинг 13 феввалида вафот этган. Қарши беклигига амирнинг қариндошларидан, унга она томондан амаки ҳисобланган Муҳаммад Саййидбек додҳо ҳоким қилиб қўйилган, у бу вазифага 1919 йил 19 мартда тасдиқланган.

Амир Саййид Олимхон бекликлардаги лашкарда ҳам мансаб ўзгаришларини давом эттирган. Бунга садоқат, ботирлик, жанговарлик хусусиятларига эътибор қаратилган. 1919 йилнинг 5 январидан сарбозлар лашкарбошиси Саййидбек Қобилбой ўғли Китоб беги лавозимига қўйилган., Муаррих таъкидлаганидек, Шаҳрисабзда манғитлар даврида мунтазам равишда Бухоро қўшинларининг илғори саналувчи сарбозлар хизмат ўтаган. 1919 йил Амир Саййид Олимхон Шаҳрисабз ва Китоб мудофаасини кучайтирган, биргина Тахти Қорача тоғ чегара

ҳудудини ҳимоя қилишга 18 миллион сўм маблағ ажратган.

Шаҳрисабз қўшинлари саркардаси лавозимига Ҳожи Расулқули тўқсоба тайинланган. Тоғли ҳудудларда жойлашган сарбозларга Муҳаммад Ҳасан тўқсоба, Ҳожи Саййид Муродбий, Қори Саййидқулбек бий, Маҳмуд тўқсоба каби ҳарбийлар бошчилик қилишган. Қўшиндаги бу лавозим ўзгаришлари амирнинг совет ҳокимияти қўққисдан амалга оширадиган босқинига қарши чора-тадбирлар доирасида жадал ҳал этилганди.

Амирликда шу йили барча бекликлардан навкарлар сафига чақирув эълон қилиниб, уларни бўлинмаларга жойлаштириш кўрсатмалари берилган. Қўшин сони кун сайин орта борган. Бекликлар навбати билан янги тузилган ҳарбий қисмларни қурол-яроғ, от ва кийим-бош билан таъминлашга масъул этилган.

"Салимий тарихи"да шаҳодат берилишича, лашкар сафига кириш "Султоний дафтари"дан рўйхатдан ўтиш яқдиллик билан амалга ошган. Кўнгилилар вақти соати билан мунтазам ҳарбийлар гуруҳини ташкил қила бошлаган. Дастлаб, лашкарга ёзилган сарбознинг ҳар бирига 20 тангадан маош берилган бўлса, Амир Саййид Олимхон бу сармояни 60 тангага кўтарган. Бундан ташқари, 1919 йилда Амир Саййид Олимхон дўкандорларни, ҳунармандларни, санъаткорларни, оддий кишиларни кийим-бош, тилла ва кумуш нишонлар билан тақдирлаб, халқнинг кайфиятини кўтариш ҳаракатида бўлган.



Муаррихнинг гувоҳлик беришича, 1919 йилда, большевиклар Самарқанд, Каттақўрғон, Тошкент, Фарғона аҳолисига босим ўтказиб, уй-жойларини, мол-холларини тортиб олган. Жабр кўрганлар бола-чақаларни ташлаб, Бухорога қочиб кела бошлашган.

Тошкентда ҳам қимматчилик шу даражага етганки, бир қадоқ чой большевиклар пули билан 400 сўмга харид қилинган, бир аршин чит эса 500 сўмга ҳам топилмаган.

Юқоридагиларга қараб мулоҳаза этилганда, 1918 йилдан бошлаб Бухоро амирлиги иқтисодиёти бутунлай ҳарбий мақсадга йўналтирилганлиги маълум бўлади. Хориждан қурол сотиб олишар, янгидан-янги кучларни лашкар сафига қўшиш давлат хазинасини камайтиргани каби фуқароларнинг яшаш омилларига катта зарар келтираётган эди. 1919 йилда Амир Саййид Олимхон ноиложликдан қоғоз пуллар чиқариш фармонини берган. Фармон 1919 йилнинг 10 февралдан амал қила бошлаган. Қоғоз пуллар 20, 60, 100, 200, 300, 500, 1000, 5000 сўм кўринишида чиқарилган.

Бу хилдаги шошилинич молиявий ислоҳотлар натижа бериши қийин бўлиб, аксинча, пулнинг қадрсизланиши, иқтисодиётнинг боши берк кўчага кириб қолиши кафолатдан бўлак нарса эмасди. Муҳими, муқаррар совет босқини арафасида Амир Саййид Олимхон-

нинг давлат дахлсизлигини сақлаб қолиш, халқнинг эркин бўлиши, мамлакатининг бахтини ўйлаб иш тутганлиги, хазинани ҳарбий ва иқтисодий эҳтиёжлар учун сарф этилиши далили диққатга лойиқдир.

Бухоро амирлигига совет ҳокимияти босқини амалга оширилишидан 9 ой муқаддам, 1919 йил декабрда Бухорода қимматчилик шу қадар ошиб кетганки, бир ботмон (128 кг) буғдой 500; 2 кг. гўшт 700, совун 300, бир аршин чит 400 тангага етган. Гуручнинг бир ботмони 10000 тангага қадар нархланган. Мирзо Салимбекнинг ёзишича, Бухоро ва унинг бекликларида аҳвол бундан-да оғирроқ бўлиб, қимматчилик қаҳатчилик билан тутшиб бораётган эди.

1919-1920 йилнинг ёзига қадар Қашқадарё воҳасидаги бекликларда жиддий ўзгаришлар қилинган. Қарши беклигига амирнинг яна бир қариндоши Тоғайбек қўйилган. Гузурда Бўри тўқсоба, Шаҳрисабзда Мир Ақромхон, Китобда Саййидбек бийлар ҳоким бўлиб турган эди. Ҳокимлар давр тақазосига кўра жаҳидлар ва совет ҳокимияти хавфига сергак туриб, барча эҳтиёт чораларини кўришган.

Хуллас, Қашқадарё воҳасида совет босқинига қадар 1917-1920 йиллардаги иқтисодий ва ҳарбий аҳвол ниҳоятда мураккаб бўлиб, амирлик таназзулга юз тута бошлаган ва Совет ҳокимияти хавфи тобора кучайиб бораётган эди.





Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Очерки истории Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областей Узбекистана. -Т., "Фан", 1968, -227.
2. Хўжаев Ф. Танланган асарлар, 1 том. -Т., 1976. 536 с.
3. Мирза Салимбек. Тарихи Салими. - Т., 2009. 330 с.
4. Кисляков Н.А. Патриархально-феодалные отношения среди оседлого сельского населения Бухарского ханства в конце XIX - начале XX вв. М., -ЛАН СССР, 1962. 381 с.
5. Аҳмедов Б. А. Ўзбекистон тарихи манбалари. 2-нашри -Т., 2001. 289 б.
6. Тухтаметов Т.Г. Русско-бухарские отношения в конце XIX - начале XX в.- Т., 1966. 176.
7. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар) ,- Т., 2019. 560 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Бухоро амирлигининг 1917-1920 йилларда, совет босқини арафасидаги сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий ҳолати Мирза Салимбекнинг "Тарихи Салимий" асари асосида таҳлил этилган. Сиёсий-ҳарбий босимнинг кучайиши амирликнинг иқтисодий таназзули ва аҳолининг қийин аҳволига тушиш сабаблари ҳақида ҳам фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируется политическое, экономическое и военное положение Бухарского эмирата (1917-1920 гг) по произведению Мирзы Салимбека "Тарихи Салимий". Также говорится о причинах экономического кризиса эмирата под политическим-военным давлением и о трудном положении населения.

RESUME

In the article, the political, economic and military situation of the emirate Salimbek's work "TarikhiSalimi". There is also reported the reasons for the economic downturn in the emirate and the difficult situation of the population due to the drop in political of Bukhara on the eve of the Soviet invasion in 1917-1920 is analyzed on the basis of Mirza -military pressure.



МА'RIFATGA OSHNO QALB

(Нуриддин Муҳитдиновнинг портретига чизгилар)

Шоҳжаҳон РАШИДОВ,
Ўзбекистон ФА Тарих институти таянч докторанти

Таниқли давлат ва сиёсат арбоби, моҳир дипломат, кучли нотик Нуриддин Муҳитдинов ўзининг қизгин сиёсий фаолияти билан Ўзбекистон тарихида ўзига хос ўринга эга. Унинг сиёсий раҳбарлиги даври - XX асрнинг 50-60 йилларда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муайян ислохотлар ва ўзгаришлар юз берди.

Н.Муҳитдинов 1917 йил 19 ноябрда Тошкент шаҳрининг Аллон маҳалласида дунёга келди. Ўзининг мемуарлари - "Кремлда ўтган йилларим" ҳамда "Вақт дарёси" асарларида отасининг боғбон бўлгани ва оила ҳалол меҳнат билан кун кечирганини хотирлайди. Шунингдек, ўзининг камол топишида Абдулла Авлоний ва Абдулла Қодирийларнинг сезиларли таъсири бўлганини эслаб ўтади¹.

Нуриддин Акрамович Муҳитдинов гарчи 2 йил давомидагина (1955-57 йиллар) Ўзбекистоннинг биринчи сиёсий раҳбари бўлган бўлса-да (унгача Тошкент ва Наманган вилоятлари раҳбари, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси бўлиб ишлаган), Москва ва бошқа хорижий давлатлардаги фаолияти давомида бутун эътибори, қалби Ўзбекистонда бўлган шахслардан дейиш мумкин. "Н.Муҳитдинов республикага раҳбарлик қилган ва Москвада ишлаган йилларида Марказ олдига Ўзбекистон халқ хўжалигидаги турли муаммоларни дадил қўйиши ва ижобий ҳал этилиши учун фаол курашганлиги билан республика аҳолиси ўртасида ҳақли равишда кучли меҳр-муҳаббатга сазовор бўлди"².

Раҳбарлик лавозимларида ишлаган пайтларида мамлакатнинг барча ҳудудларидаги илм-фан, маданият соҳаси вакиллари, зиёлилар билан маслаҳатлашган ҳолда республиканиннг ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал этишга ҳаракат қилган. Хусусан, фарғоналик бир қатор олимлар билан муносабатлари ҳақида тўхталиб, қуйидагиларни маълум қилган: "Мен Фарғона халқининг ажойиб фарзандлари билан яқин дўст эдим. Маслақдош эдим. Улар бутун эл-юртимизнинг, бутун мамлакатимиз фани ва маданиятининг улкан арбобларига айланишган. Академиянинг биринчи президенти Т.Н.Қори Ниёзий, қўқонлик олим Теша Зоҳидов, Убай Орипов, санъатда М.Қориёқубов, Уста Олим, Ҳалима Носирова бутун жаҳон мамлакатларида ном таратишди"³.

¹ Муҳитдинов Н. Река времени. -М.: "Руст-Рости", 1995. -С.7.

² Ражабов Қ.. Халққа бахшида умр (Н.Муҳитдиновнинг нурли сиймосига чизгилар) // "Muhofaza +". 2019. № 1. -Б.28.

³ Жўраев Н. Ўзликни англаш мавриди. - Т.: "Ўзбекистон", 1990. -Б.25.



Н.Муҳитдиновнинг ҳаёт йўлига назар ташланар экан, у нафақат кучли сиёсатчи ва жамоат арбоби балки, адабиёт, санъат ва маърифатни юксак қадрлайдиган, буюк аждодларимиз хотирасига чуқур эҳтиромни намоён этган инсон сифатида гавдаланади.

Мамлакатимиздаги бир қатор илмий, маърифий муассасаларнинг барпо этилиши бевосита Н.Муҳитдинов номи билан боғлиқ. Хусусан, Ўрта Осиёдаги биринчи Ядро физика институти, Ўзбекистондаги биринчи телемарказ, Русанов номидаги Тошкент Ботаника боғи, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси, Эндокринология илмий-тадқиқот институти, Онкология илмий-тадқиқот институти ва бошқа илмий муассасалар шахсан унинг ташаббуси билан ташкил этилди.

Бундан ташқари, 1956 йилдаги Ўзбекистон зиёлиларининг I съезди, 1957 йил Тошкентда ташкил этилган Шарқшуносларнинг биринчи Бутуниттифоқ конференцияларининг ташаббускори ҳам айнан Н.Муҳитдинов бўлди.

Ўзбекистон зиёлиларининг I қурулғойи (1956 йил октябрь)да Н.Муҳитдинов маъруза қилиб, XX асрнинг 30-йилларида қатағон қилинган Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон каби жадиждлар, миллий зиёлилар ва сиёсий арбобларнинг номларини илк бор тилга олди: "Ўз асарларида хато ва нуқсонларга йўл қўйганлари ҳолда, душманлик ниятида бўлмаган ва давлатга қарши иш кўрмаган ҳамда халққа нисбатан хоинлик қилмаган ёзувчи ва шоирларни оқлаш, уларнинг энг қимматли асарларини қайтадан нашр этиш керак. Абдулла Қодирий (Жулқунбой) каби машҳур ўзбек ёзувчисининг жиноятчи бўлганлигига ишониш қийин! Абдулла Қодирийни оқлаш ва унинг бир қатор машҳур асарларини қайтадан нашр этиш керак"⁴.

Н.Муҳитдиновнинг аксарият чиқишлари, маърузаларига эътибор қаратилса, унинг адабиёт ва санъатнинг чинакам мухлиси бўлганлиги кўзга ташланади. Ўз нутқларида адабиётнинг халқ маданиятини юксалтириш, маънавий қиёфасини шакллантиришдаги ўрнини алоҳида эътироф этган. Жумладан, "Халқ оқинлари, ҳофизлари - Эргаш Жуманбулбул, Фозил Шоир, Ислом Шоир, Пўлкан Шоир ва бошқа кўпгина бахшилар аждодларимизнинг ажойиб шеърий ижод намуналарини авайлаб сақладилар ва ҳозирги кунгача олиб келдилар"⁵.

Нафақат, адабиёт, илм-фан балки, маданият ва санъатнинг янги босқичга кўтарилиши, янада юксалишида унинг ижобий ишларини санаб ўтиш ўринлидир. Бунга мисол тариқасида, 1957 йил Тошкентдаги Осиё ва Африка мамлакатларининг кинофестивали, 1958 йилдаги Осиё ва Африка ёзувчиларининг конференцияларини ёдга олиш ўринлидир.

Осиё ва Африка ёзувчилари конференциясининг очилиш маросимидаги нутқида Н.Муҳитдинов: "Халқимиз адибларни киши руҳиятининг муҳандислари деб атайтиди. Бу жуда ўткир гап. У ёзувчиларнинг олижаноб

⁴ М Нуриддин Муҳитдиновнинг 1956 йил 11 октябрда қилган маърузаси // Қизил Ўзбекистон. №242. 1956 йил 13 октябрь.

⁵ I съезд Интеллигенции Узбекистана. Стенографический отчет. Т: Государственное издательство Узбекской ССР, 1957. -С.48.



фаолиятидаги асосий вазифани, чунончи - кишилар онгини шакллантириш, уларни халқлар озодлиги ва бахт-саодати учун қатъий, саботли кураш олиб бориш руҳида тарбиялаш вазифасини характерлайди. Инсониятнинг келажак тақдирида кўп нарса сизларга, бадий сўз санъаткорларига боғлиқдир"⁶ дея таъкидлаб, адабиётнинг инсон ва жамият тақдирида тутган ўрнини эътироф этади.

Н. Муҳитдинов КПСС МК котиби (1957-1961) бўлиб ишлаган йиллари бир қатор давлатларга хизмат ташрифларини амалга оширади. Хорижий давлатлардаги сафарлари давомида, ўзининг тигиз иш режасига қарамасдан халқимизнинг буюк фарзандлари, ёзувчи ва шоирлари хотирасига ҳурмат бажо келтиришни унутмайди. Жумладан, 1959 йил СССР делегациясининг Хитойга ташрифи чоғида Фурқат қабрини зиёрат қилганини ўз хотираларида баён этган: "Ўша вақтда унинг (Фурқатнинг - Ш.Р) невараси ҳаёт эди. Фурқат Ёркентда 17 йил истиқомат қилди ва ўша ерда вафот этди. Мен унинг қабрини зиёрат қилдим, уни таниган инсонлар билан учрашдим. Маҳаллий ҳукуматга шоирнинг қабрини обод қилишни илтимос қилдим. Агар бу борада ёрдам керак бўлса Ўзбекистон барча чораларни кўришини қўшимча қилдим. Кейинчалик хитойлик дўстлар ўз ваъдаларининг устидан чиқишди"⁷.

1958 йилда Зоҳиршоҳнинг таклифига биноан СССР делегацияси, шу жумладан, Н.Муҳитдинов ҳам Афғонистонга ташриф буюради. Қобул шаҳрида бўлиб ўтган музокаралардан сўнг, Заҳириддин Муҳаммад Бобур қабрини зиёрат қилади, делегация раҳбаридан Қандаҳор, Газна, Ҳирот шаҳарларига бориб келиш ҳамда Маҳмуд Газнавий, Беруний, Алишер Навоий қабрларини зиёрат қилиш учун рухсат сўрайди. Ўзининг эсдаликларида Н.Муҳитдинов Алишер Навоий мақбараси олдидаги ҳолатини эслаб ўтган: "Ушбу боғнинг тўғрисида (Жомий мақбараси жойлашган боғ назарда тутилмоқда - Ш.Р) унчалик катта бўлмаган тўрт томони очиқ айвон жойлашган. Унинг марказида - мрамрдан ишланган қабр мавжуд. Унда қуйидаги ёзувларга кўзингиз тушади: "бу ерда вазир, шоир Алишер Навоий ҳазратлари дафн этилган". Мен бундай муқаддас жойда турганимдан ўз ҳаяжонимни қийинчилик билан яширишга ҳаракат қилардим."⁸

Н.Муҳитдинов Алишер Навоий қабрини ободонлаштириш, унинг мақбарасини муносиб тарзда қайтадан бунёд этиш юзасидан Ҳирот ҳокими ва Афғонистон Маърифат вазири Мейвандвалга илтимос билан мурожаат қилади. 1966 йил Афғонистонга амалга оширилган иккинчи ташрифда Ҳиротда Алишер Навоийнинг мақбараси обод бўлганини мамнуният билан хотирлайди.

Унинг раҳбарлик йилларида Ўзбекистонда адабиёт ва санъат соҳасидаги камчиликларни тузатиш, ўзбек тили ва адабиётининг янада гуллаб-яшнаши, ривожланиши учун амалий чора-тадбирлар белгиланади. Хусусан, Ўзбе-

⁶ "Қизил Ўзбекистон", 1958 йил 8 октябр.

⁷ Муҳитдинов Н. Река времени. -М.: "Руст-Рости", 1995. -С.366

⁸ Муҳитдинов Н. Река времени. -М.: "Руст-Рости", 1995. -С.406



кистон зиёлиларининг I Қурултойида унинг қуйидаги жумлалари эътиборга молик: "Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти, Санъатшунослик институти, олий ўқув юртларидаги тилшунослик факультетлари ходимларининг вазифаси халқ поэтик ижодиётининг бутун бойликларини ёзиб олишни уюштиришдан, тадқиқот ишларини кенгайтириш ва кучайтиришдан иборат. Халқ ижодиётининг ана шу дурдоналари халққа, келгуси авлодимизга керак"⁹.

Аждодларимиз қолдирган бой маданий меросни ўрганиш, уни келгуси авлодларга етказиш ҳар бир зиёли ва маърифатпарвар инсоннинг бурчидир. 1957 йилда ташкил этилган шарқшуносларнинг биринчи Бутуниттифоқ конференциясида Н.Муҳитдинов Беруний, Навоий, Бобур каби буюк алломаларимизнинг асарларини ўрганиш, уларнинг ижод намуналарини қайта нашр этиш, бу борада фундаментал илмий тадқиқотлар олиб бориш масаласига алоҳида тўхталади. Жумладан, "Афсуски, биз ўрта аср Шарқининг кўзга кўринган фан ва маданият арбоблари асарларини жуда секин нашр этмоқдамиз. Республика ҳукуматининг Алишер Навоий асарларининг тўла тўпламини нашр этиш тўғрисидаги қарори суст бажарилмоқда.

Бобур, Беруний ва бошқаларнинг асарларини ҳам нашр этиш тўғрисида ўйлаб кўриш лозим, эҳтимол, бу ишларни чет эл Шарқ мамлакатларининг олимлари билан биргаликда бажариш лозим бўлар"¹⁰.

Н.Муҳитдинов Москвада бир қатор раҳбарлик лавозимларида ишлагандан сўнг, 1985 йилдан Ўзбекистонда ўз фаолиятини яна давом эттиради. 1986-1987 йилларда Ўзбекистон Министрлар Советининг маслаҳатчиси, 1987-1996 йилларда "Ёдгорлик" тарихий маданий мерос жамияти раиси ҳамда 1996 йилдан умрининг сўнгигача (2008 йилгача) "Олтин мерос" Халқаро хайрия жамғармаси бош маслаҳатчиси лавозимларида ишлайди. "Ёдгорлик", "Олтин мерос" ташкилотларидаги фаолияти давомида бир қатор тарихий-маданий объектларнинг муҳофазаси, реставрацияси борасида жонбозлик кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, Н.Муҳитдиновнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти давомида Ўзбекистонда илм-фан, маданият ва маърифатнинг ривожланиши кузатилиб, адабиёт ва санъат соҳаларида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Бу ҳолатни унинг илм ва маърифатга бўлган меҳри, маънавий қиёфаси ҳамда зиёлиларга чексиз ҳурмати билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.: ЎзМЭ ДИН, 2003.
2. Муҳитдинов Н.А. Кремлда ўтган йилларим. Т.: "Ўзбекистон", 1995.
3. Муҳитдинов Н. Река времени. М.: "Руст-Рости", 1995.
4. Жўраев Н. Ўзликни англаш мавриди. - Т: "Ўзбекистон", 1990.

⁹ Нуриддин Муҳитдиновнинг 1956 йил 11 октябрда қилган маърузаси // Қизил Ўзбекистон. № 242. 1956 йил 13 октябрь.

¹⁰ Нуриддин Муҳитдиновнинг 1957 йил 11 июнда Тошкент шаҳрида Шарқшунослар Бутуниттифоқ биринчи конференциясида сўзлаган нутқи // Қизил Ўзбекистон. №139. 1957 йил 13 июн.



5. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккита китоб. 2-. 1939 - 1991 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р. Абдуллаев, М.Раҳимов, Қ.Ражабов. -Т: "O'zbekiston", 2019.

Резюме

Мазкур мақолада XX аср 50-йилларида кечган ижтимоий-сиёсий жараёнлар хусусун, илм-фан, адабиёт ва санъат соҳасидаги ўзгаришлар таҳлил қилинган. Ушбу жараёнларда Нуриддин Муҳитдиновнинг роли, илм-фан ва маърифат ривожига қўшган ҳиссасига алоҳида эътибор қаратилган.

Резюме

В данной статье анализируются социально-политические процессы, в частности, преобразования в сферах образования, науки, литературы и искусства, осуществлявшихся в 50-х годах XX века. В данном случае уделено особое внимание вкладу Н.Мухиддинова в развитие сфер образования, науки и просвещения.

Resume

This article defines the socio-political processes in 50s of the XX century, particularly the modifications in science-education, literature and art field. Indicating of current processes based on the the role of Nuriddin Mukhiddinov and his contribution to science and enlightenment.





ABDULLA ORIPOV HAJVIYALARINING ADABIY MANBALARI

Гулрухбегим РАВШАНОВА,
ҚарДУ ўқитувчиси.

Таянч сўз ва иборалар: *Абдулла Орипов, ҳажвиёт, адабий манба, халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиёт, анъанавийлик, новаторлик, нутқ, услуб.*

Адабий таъсирсиз бадиий асар яратиб бўлмаслиги илмда ўз исботини топиб келган. Ҳар қандай ижод намунаси ўзидан аввал яратилган ижод намуналарининг, ўз салафдошлари ижодининг қайсидир жиҳатларидан адабий озикланиб келган. Бу адабий ҳодиса Абдулла Орипов ижодида ҳам бегона эмас. Шоир ҳажвияларидаги нозик қочиримларнинг юксак саломи ва мазмундорлигини таъминлаган омиллар: ўзбек халқ оғзаки ижоди, ўзбек мумтоз адабиёти, қардош халқлар адабиёти, рус ва Ғарб адабиётининг илғор адабий манбалари бўлиб келган. Шоир бу манбалардан ўз ўрнида унумли баҳраманд бўла олди ва ижодий фойдаланди.

Маълумки, "Фольклор анъаналари" деганда халқ оғзаки ижодига хос ифода услуби, бадиий шакллар ва тасвир воситалари, эпик мотив ва образлар, маросим ҳамда урф-одатларга хос тушунча ва қарашларнинг фақат фольклор асарларида сақланиб қолиши, уларни поэтик ифодалашнинг давом эттирилиши англашилади. Жумладан, шоир ижодидаги Насриддин Афанди образи ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналаридан олинганлиги, ёхуд А.Ориповнинг ўзи таъкидлаганидек, Дантенинг таржимаси унинг учун катта мактаб бўлганлиги фикримизга далил бўла олади. Хусусан, И.Ғафуров шоир ҳажвиётини таҳлил қилиб: "Бу интилиш Э.Воҳидов ва А.Орипов сингари шоирларда ёрқинроқ кўзга ташланаётганлиги сабабини мен баъзан Гёте ва Дантенинг таржима қилиниши билан боғлайман", дея таъкидлаб ўтади.

Шоир ана шундай манбалардан унумли фойдаланганлиги боис ҳажвияларидаги тасвир ҳаётийлик, яратган ҳажвий характерлари табиийлик касб этди. А.Орипов ҳажвиётдаги анъанавийлик ва новаторлик масаласига оид қарашларимизни юқоридаги адабий манбаларга мансуб ижод намуналари билан шоир ҳажвларини қиёслаш асосида далиллашга уриниб кўраимиз.

Афанди образининг тўлақонли яратилишини таъминлаган дастлабки адабий манба – ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналаридир.

"Афанди эшик олдида ўтирса, бир киши унинг олдида ҳовлиқиб келибди:

⁴ Ғафуров И. Лириканинг юраги. Тошкент, "Ёш гвардия". 1982, Б-224.



Афанди анави томонда подшоҳнинг мулозимлари совға-саломлар кўтариб келишяпти.

Подшоҳнинг мулозимлари совға-саломлар кўтариб келишаётган бўлса, менга нима, -дебди Афанди.

Совға-саломларни сизникига олиб келишяпти.

Совға-саломларни меникига олиб келишаётган бўлса. Сенга нима? - дебди Афанди бепарво.

А.Орипов айнан шу латифани шеърӣй йўл билан бироз бошқача шаклда ифодалайди. Шоир ҳажвияларида халқ оғаки ижоди жанрларидан, улардаги тасвир усулларидан, халқ латифаларидан усталик билан фойдаланганлигини кўраимиз. Бу ҳажвий қаҳрамоннинг нутқ услубидан ҳам сезилиб туради:

- Қўй етаклаб ўтдику биров,
- Менга нима, деди Афанди.
- Сизникига қараб кетди-ёв,
- Сенга нима, деди Афанди.

Юқоридаги нутқ услубида фольклорга хос бўлган баён услубини кўришимиз мумкин. Ушбу парчада лоқайд ва очкўз одамларнинг киефаси Афанди мисолида очиб берилган. Ҳажвий қаҳрамонни ўз нутқи воситасида фош этиш ҳам анъанавий усуллардан бири бўлиб ҳисобланади. Шоир ўзининг ҳангома, ҳажвга бўлган муносабатини "Афанди" деб номланган шеърӣда қуйидагича изоҳлайди:

- Афанди дегани ўзим бўламан,*
- Ҳар хил ҳангомага ичи тўламан.*
- Эси йўқ одамлар калласизлардан,*
- Хафа бўлишади шунга куламан [2.95].*

Афанди латифалари, аскиялар, чандишлар, лапарлар ўзбек халқининг асрлар мобайнида кулгидан баҳраман бўлиб келганлигини, инсон ва ҳаётдаги кулгили жиҳатларни нозик илғай олганлигини кўрсатади. Қолаверса, ўзбек тили шундай нодир хусусиятга эғаки, сўзлашувнинг ўзидаёқ, табиӣй равишда, кулги пайдо бўлаверади. Чунки, ўзбек сўзларининг кўпчилиги камида икки маънога эға бўлади. Кўринадики, ҳажвий асарларнинг биринчи белгиси унинг танқидий йўналишга эғалиги бўлса, иккинчи хусусияти тасвирнинг кулгили тарзда берилишидан иборатдир:

- Қабристонга, демангиз, тирик келди, ёр-ёр,*
- Қувонтириб бизларни ўлик келди, ёр-ёр.*
- Шу тариқа ёмонни тиглаймиз ҳам, ёр-ёр,*
- Яхшиларни кўмганда, йиглаймиз ҳам, ёр-ёр.*

Ёзма адабиётимизда дастлаб дoston, мақол, топишмоқ, йўқлов, йиги, кейинчалик ёр-ёр, алла каби фольклор жанрлари стилизация қилинган. Шоир Абдулла Орипов ижодида ҳам ана шу анъана давом эттирилган. Унинг қатор шеърларида, хусусан, "Гўрковлар қўшиғи" номли шеърӣда ана шу анъаналар бардавомлигини кўраимиз. Хусусан, "Ёр-ёр" қўшиғи тўй



маросимида, хурсандчиликда айтиладиган халқ қўшиғи саналади. Қабристонга ўлик келиши гўрковлар учун ана шундай байрам. Шоир айнан шунинг учун тўйда айтиладиган "ёр-ёр" қўшиғини мазмунни кучайтиришга эришган. Шеър мисраларини ўқий бошлашимиздаёқ кимга аза, кимга тўй эканлигини англаймиз.

Ҳажвий асар яратиш ижодкордан юксак маҳорат, истеъдод ва албатта, катта меҳнатни талаб этилади. Ижодкор халқ оғзаки ижоди намуналаридан ҳам кенг фойдаланганлиги, ўзидан олдинги салафларининг ижод маҳсули, қолаверса Ғарб маданиятининг таъсири ҳам беқиёсдир. "Илоҳий комедия"нинг таржима қилиниш жараёни ҳақида шоир қуйидагиларни таъкидлайди: "Таржима жараёни мен учун улуг мактаб бўлди. Агар қоғоз устида энг кўп тер тўккан бўлсам, ўша таржима устида тўкканман"². Бу таржима шоир ҳажвиётида рамзийлик ва сатирик кулгининг кучайишига таъсир кўрсатмай қолмади.

Мумтоз адабиёт намуналарида, қардош халқлар адабиётида ҳам бу усул ёрдамида халқона кулгининг турли шакллари яратилганини кўриш мумкин. Ўзбек адабиётида ҳам юмор кулгисига, умуман кулгига эътибор асосан буюк Навоидан бошланган десак хато қилмаймиз. XV аср йилномачилари Хондамир, Восифий ва бошқаларнинг ёзишича, А.Навоий юксак юмор туйғусига эга бўлган эканлар. Табиатан хуштаъб бўлган улуг шоир ҳазил кулгининг қадрига етадиган, бутун нозикликлари билан уни тушунадиган закий инсон бўлган, шу билан бирга шундай қобилиятга эга бўлган кишиларни ҳам ҳурмат қилган, адабий мажлислар, шеърхонликларга уларни таклиф қилиб, ўзи ҳам улар билан бирга латиф табитини, ўткир заковатини намоиш этган. Шунинг учун ҳам А.Навоий "Мажолисун-нафоис", "Нафис мажлислар" тазкирасида юмор туйғусига эга бўлган "хуштаъб", "ширингўй", "таъби ҳазилга мойил" шоирлар Жунуний, Кавсарий, Сайид Козимий ва бошқалар ҳақида маълумот бериши ҳам бежиз эмас³. "Олий ҳазрат баъзан ширин тилни мазох ва мутойибага очарди ва муносиб ўринларда латифасимон сўзларни баён ипига тортарди. Бундай сўзлар Олий ҳазратнинг нозик зеҳни ва муборак фикрининг юқори даражада ўткир эканлигига далолат қилганлигидан уларни бир хилларини ёзишга журъат қилинади,"⁴. Хондамирнинг "Макорим улахлоқ" асарининг учинчи бобида келтирилган бу сўзлар Навоийнинг кулги ҳақидаги қарашларига, кулгига муносабатига аниқлик киритишга ёрдам беради.

Навоий юморидаги қувноқлик ва серзавқлик, латифлик ва зарифлик унинг халқ кулгисига бўлган чексиз муҳаббати туфайли яратилган, чунки кулги ўзбекнинг қон-қонига, бутун табиатига сингиб кетган миллий хислатларидан биридир. "Ҳазил, ҳазилнинг таги зил" деган халқ мақоли таъсирида шоир "Ҳайрат ул-аброр" да шундай мисралар яратади:

*Кулгуки ўз ҳаддидин элди йироқ,
Йиғламоқ андин кўп эрур яхшироқ*



*Қахқаҳақим ҳазил анинг ёридир,
Қурбақа савти била рафторидир.*

Яна шоирнинг ўзи бу ҳақда шундай дейди: "Ҳазил-мутойиба бир оз кўнгилни хушламоқ учун шодлик ва хурсандчилик учун бўлса ёқимлидир". Беозор ҳазил зарифликдир, аммо ундан ўтса ақлсизликдир. Улуғ шоир ўринсиз, ҳаёсиз кулгини фақат кулги учун бўладиган кулгини одобсизлик белгиси деб атади. Инсонларга хизмат қиладиган соф кулгини эса олқишлайди.

"Шеърятда янгилик топиш осон кўчмайди, – деб ёзган эди Асқад Мухтор "Шеър – шоирнинг ижтимоий виждони" номли мақоласида. Янгиликка интилиш, ижодий изланиш ҳар бир ҳақиқий талантнинг эҳтиёжи, муҳим хусусиятидир. Аммо "талант стихиясини ҳам идрок ила бошқара билиш лозим" дейди Кант. Бу ўринда буни, шоирнинг ўз талантини барча буюк традицияларни, айниқса, ижоднинг миллий анъаналарини яхши билиш билан озиқлантириши ҳақидаги гап, деб тушуниш мумкин"⁵. А.Орипов ўз ижодий изланишларини "идрок ила" бошқара билди. Ойбек, Фафур Гулом, Мақсуд Шайхзода ижодий тажрибасидан озиқ олган шоир шеърларида халқимиз маънавий тафаккуридаги анъаналарга мос келадиган, ижтимоий-психологик тасвирга асосланган поэтик фикр янада теранроқ, янада нафисроқ кўрина бошлади. Бу хусусият шоирнинг ҳажвиётида ҳам бўй кўрсата бошлади десак муболаға бўлмайди. Шоир ҳажвиётида ҳажвия қаҳрамонлари ўз нутқлари орқали кирдикорларини фош этадилар. Бу ўта мураккаб усул бўлиб, ҳажвчидан жуда катта ҳаётий тажриба, илм, бадий маҳорат талаб қиладди. Зеро, қаҳрамоннинг кимлиги, қайси ижтимоий қатламга мансублиги, савияси, маънавияти, маданияти, хулқ-атвори, нияти унинг нутқида ўз инъикосини топади. Бу усул ёрдамида шоир жуда кўплаб ҳажвий образлар ярата олди:

*Туриб-туриб бир кун маймун бошин қашлади
Ва маймуний режаларни туза бошлади.
Деди:- Шукр, ўлиб кетмиш Гулханий бобо,
Демак, бизнинг давримиз ҳам келмиш мутлақо.*

Крилов ҳам марҳум эмиш аллақачонлар,
Ўзимизга қолган демак энди замонлар. [2 жилд, 143]

Мажозий усулда тасвирланган "Маймуният" шеърда шеър ёзишни эпололмайдиган, "маймунона фикрлардан назм тузгувчи", кўчирмакаш шоирнинг мажозий образи моҳирона тасвирланади ва у ўз нутқи орқали ўзини-ўзи фош этади, бу эса ўқувчида кулгини қўзғатади:

*Дерди:- Олам гултожимиз биз маймуният,
Оҳ, инсонлар. Қилолмасман уларга тоқат.*

² Абдулла Орипов. Танланган асарлар. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т.: 2001. 1-жилд, 11-бет.

³ Аҳмедова Ш. Саид Аҳмаднинг ҳажвий маҳорати. Фил.ф.ном.дисс...Т.: 1994-бет.



*Охир ўйлаб маймун топди шундоқ нақлни:
Инсонларнинг орасида Дарвин, ақлли,
Топинг уни. Улуғ олим бизни алқаган,
Гулханий ҳам, Крилов ҳам биздан тарқаган.[2 жилд, 143] .*



Бу кулги сатирик руҳда бўлиб, қаҳрамонларни ўз тили орқали фош этишга эришилган.

Шеърда маймун ўзини ақлли кўрсатишга уринади, у ўзини фош этишни истамайди ҳам. Ўқувчи шеър давомида унинг гап-сўзлари, ўзини баҳолашда жуда юқори қўйиши,

нодонлиги, бефаросатлиги, мақтанчоқлигидан кулади, нафратланади, ҳам унга ачинади. Халқимизда бир нақл бор: "Билиб илонга оёқ бермаган". Худди шундай бу маймунга ҳам тўла-тўқис илм, иқтидор, ижод берилганда эди, у ўзини бошқаролмай қолган бўлармиди? Бу ҳаттоки, унинг нутқидан ҳам маълум: "Оҳ инсонлар. Қилолмасман уларга тоқат". У ўзига шунчалик ишониб юбордики, унинг қуйидаги даъволари ўқувчида кулгини қўзғайди: "Гулханий ҳам, Крилов ҳам биздан тарқаган" дея оламга жар солди.

Адабиётшунос М.Қўшжонов: "Абдулла Орипов қайси бир мавзуга қўл урмасин, ундан янги, ҳали биров айтмаган қирраларни топади, ўз фикрларини ифодалашда ҳали биров ишлатмаган образларни ишлатади. Шу йўл билан у ўзгаларни такрор қилмайдиган жозибали асарлар яратди"⁵, деган эди. Ҳақиқатан ҳам ҳажвни қурол қилиб олган шоир ғаламис одам қиёфасини аниқ тасвирлаб бера олган.

Умуман, Шарқ ва Ғарбнинг энг яхши анъаналарини ўзлаштира олган Абдулла Орипов ҳажвий асарларининг яратилишида фольклор, мумтоз адабиёт ва жаҳон адабиёти адибларининг ҳажвиёт намуналари адабий манба бўлиб хизмат қилган. Шоир бу адабий манбалардаги илғор анъаналардан ижодий фойдаланиб, ҳажвий образларнинг ҳаққоний тасвирига, миллий ва замонавий ҳажвий қаҳрамонлар ва типлар туркумини ўзига хос услуб ва маҳорат билан ярата олди. Ҳажвиёт соҳасида қунт билан ижод қилиб, жаҳон адабиётидаги ҳажвнавислик тажрибасини ўрганди, ўзига хос ҳажвий ижод намуналарини яратди.

⁵ Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 1984. -20 янв.



XALQ TABOBATINING RIVOJIDA ABU ALI IBN SINO MEROSINING AHAMIYATI

Ойдиной ОЧИЛОВА,
ҚарДУ, стажийёр тадқиқотчи.

Таянч сўз ва иборалар: *Халқ таботати, даволаш усуллари, қўлёзма, Ўзбекистон Фанлар академияси, доривор ўсимликлар, "Ибн Сино халқаро жамғармаси".*

Инсон асрлар давомида халқ таботати воситалари билан даволаниб келган, илмий тиббиёт энг юқори даражада ривожланган ҳозирги даврда ҳам ўша анъаналар давом этмоқда. Бу тарихий жараён бўлиб, яшаш учун курашдир. Халқ таботати эса асрлар давомида тажрибадан ўтган донишмандлик амали бўлиб, ҳеч қачон эскирмайди.

Шарқ халқлари таботатининг тарихи ва илк манбалари ҳақида гап очилганда буюк ватандошимиз Абу Али ибн Сино ва ундан юз йилча олдин яшаган Абу Бакр ар-Розийларнинг номлари ва таботатга доир бебаҳо мерослари тилга олинади, албатта. Ўтмишда Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон деб аталган бугунги Ўзбекистон ҳудудида ҳам халқ таботати қадимдан ривожланган, бой тажрибага асосланган содда ва мураккаб даволаш усуллари қўлланган.¹

Ибн Сино жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк сиймолардан бўлиб, унинг илмий ишлари хоразмлик буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний (973-1048) асарлари билан биргаликда ўша давр фани тараққиётининг энг юқори чўққисини ташкил этади. Унинг тўла исми Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ал-Ҳасан ибн Али ибн Сино бўлиб, кўпинча қисқартирилиб Абу Али ибн Сино деб юритилади. Бу исм қадимги яҳудий тилида Авен Сино деб ёзилган ва олимнинг европада кенг тарқалган Авиценна шаклидаги номи шу сўзни бироз бузиб талаффуз этишдан келиб чиққан.²

Шарқ таботатининг йирик қомусий олими Абу Али Ибн Синонинг маданий меросини ўрганиш борасида жаҳоннинг энг йирик шаҳарларида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Олимнинг бизгача етиб келган турли соҳаларга оид қўлёзма асарлари дунёнинг йирик кутубхоналарида сақланиб келмоқда.³

Жаҳон фани, хусусан таботат илми тараққиётига улкан ҳисса қўшган Абу Али ибн Сино Ўрта Осиё тупроғидан етишиб чиққан ватандош алломаларимиздан бири ҳисобланади. Аллома табиий фанларни, хусусан таботатни севиб ўрганган. У ўзининг туғма истеъдоди ва фавқулодда меҳнат-

¹ Ўлжабоева Н. Халқ таботати хазинасидан жавоҳирлар. Т: 2009. 14-бет.

² Абу Али Ибн Сино. Тиббий ўғитлар. Т: Мехнат. 1991.4-бет.

³ Шу асар 3-бет.



севарлиги туфайли дарсларни осонлик билан ўзлаштирар, хатто муаллимларига номаълум бўлган нарсаларни ҳам китобдан мустақил ўқиб ўргарди. Айниқса тиб илмида у жуда тез камол топа бошлайди. Ибн Сино ўн етти ёшидаёқ Бухоро халқи орасида моҳир табиб сифатида донг таратди.⁴

Ибн Сино ҳақиқий қомусий олим сифатида ўз давридаги фанларнинг деярли ҳаммаси билан муваффақиятли шуғулланган ва уларга оид асарлар яратган. Турли манбаларда унинг 450 дан ортиқ асарлари қайд этилган бўлса ҳам, замонлар ўтиши билан уларнинг кўпи йўқолиб кетган ва бизгача фақат 242 таси етиб келган.

Шу 242 тадан 80 таси фалсафа, илоҳиёт ва тасаввуфга тегишли, 43 таси табобатга оид, 19 таси мантиққа, 26 таси руҳшуносликка, 23 таси тиббиёт илмига, 7 таси фалаккиётга, 1 таси риёзиётга, 1 таси мусиқага, 2 таси кимёга, 9 таси одоб илмига, 4 таси адабиётга ва 8 таси бошқа олимлар билан бўлган илмий ёзишмаларга бағишланган.

Олимнинг бизгача етиб келган энг йирик ва муҳим асарлари "Китоб уш-шифо", "Китоб ан-нажот", "Ал-ишорат ва т-танбиҳот", "Донишнома", "Тиб қонунлари", "Табобат гулшани" каби асарлари мавжуд.

Ибн Синонинг тиб илмига оид йирик асарларидан бири бу – "Тиб қонунлари" китобидир. Бу асарни турли тилларда таржима қилиниши кўпчилик китобхонларнинг бу асарга бўлган қизиқишларини кучайтирди, уларнинг Шарқ табobati илми бўйича тушунчаларини бойитди. Халқимиз учун соғлиқни сақлаш соҳасида улкан бир дастур бўлиб хизмат қилади.

Мазкур китобда Ибн Синонинг инсон соғлигини сақлаш учун туғилган кунидан токи умрининг охиригача амал қилиши лозим бўлган тадбирлар хусусида ўғитлари, ташқи муҳитнинг инсон организмга тасири ҳамда баъзи касалликлар ва уларни даволаш учун ишлатиладиган дорилар ҳақидаги фикрлари қисқача баён этилган.

Ибн Сино тавсия этган шифобахш моддалар ичидан биз асосан Ўзбекистон ҳудудида ўсадиган доривор ўсимликларни ёки улар четдан келтирилган бўлса ҳам бизда халқ табobatiда қўлланиб келганларни рўйхатлари берилган.

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида Ибн Сино асарларининг қатор қўлёзмалари сақланади.

Ибн Синодан сўнг тиббиёт илмининг қанчалик улкан ютуқларга эришгани, техник ва технологик жиҳозларга, даволаш усулларига беқиёс бойиб кетганлиги, дори-дармонларнинг ниҳоят ранг-баранг ва кўпайганлигига қарамай буюк олимнинг тиббиёт соҳасидаги мероси ҳозирда ҳам ўзининг ҳамиятини йўқотмаган. Қадимги дунё ва ўрта асрнинг тиббиёт соҳасидаги ютуқларини ўзида умумлаштирган бу мерос ҳам ўзининг кўп жиҳатдан амалий қийматини сақлаб келмоқда. Шунинг учун ҳам унга бўлган қизиқиш бугунгача давом этиб келмоқда ва яна кўп йиллар давомида инсонинг

⁴ Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари 5-бет.



ятни ўзига жалб этади.⁵

Буюк табиб файласуф Абу Али ибн Синонинг ижодий мероси ва унинг мия тўғрисидаги таълимотни алоҳида ўрганиш тиббиёт фанининг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Зеро, мия барча органларнинг бошқарувчиси дир.

Ибн Сино фикрларининг изчилигини, ўзига хослиги ва мустақиллигини кўрсатиб бериш учун ундан олдин яшаб ўтган Миср, Хитой, Юнонистон, Рим, Ўрта ва Яқин Шарқ давлатлари олимларининг фикрлари ўрганилиб, бир-бири билан таққосланди.⁶

Шарқнинг буюк қомусий олими бўлмиш Ибн Сино доривор ўсимликларга алоҳида эътибор берган. У ўзининг "Тиб қонунлари" асарида 400 дан ортиқ ўсимликларнинг шифобахш хусусиятлари ва уларни ишлатиш усуллари ҳақида ёзиб қолдирган.

Бугунги кунда улуг аллома фойдаланган доривор ўсимликларнинг 100 дан ортиги замонавий медицина амалиётида самарали қўлланилмоқда. Ҳозирги вақтда медицинамизда ишлатилаётган барча дориларнинг 40 фоизи, юрак қон-томир касалликларини даволашда қўлланиладиган дориларнинг эса 80 фоизини шифобахш гиёҳлар ва улардан олинадиган малҳамлар ташкил этади. Ўзбекистонда ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликларнинг 4 минг турдан ортиги маълум. Шулардан 500 дан кўпи шифобахш ўсимликлар ҳисобланади.⁷

Буюк алломани Шарқда Луқмони Ҳакимга менгзар эдилар. Гарб эса уни Авиценна деб аташади.⁸ Бу буюк зотнинг қолдирган асарлари биз учун бебаҳо бойлик, улкан меросдир. Бу мерос бугун ҳам бизнинг давримизда ҳам, авлодларимизга ҳам таобот соҳасида дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 6-январдаги 2171-сонли қарорига мувофиқ, дунё тиббиётига улкан ҳисса қўшган буюк олим ва файласуф Абу Али ибн Синонинг башариятга қолдирган бой меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, хусусан унинг маънавий-маърифий мероси асосида ватандошларимизни, айниқса, ёшларни тарбиялаш, бу умумбашарий меросдан чет эл фуқароларини хабардор этиш, инсонпарварлик, хайрия ишларини амалга ошириш ва соғлиқни сақлаш тизими ислоҳотида фаол иштирок этиш мақсадида "Ибн Сино халқаро жамғармаси" тузилган.⁹

Бугунги кунда буюк аждодимизга бўлган қизиқиш ортиб, унинг асарлари, тажрибалари ҳаётга тадбиқ этиш жадал тус олмоқда.

Авиценна номи билан дунёга машҳур буюк олимга Франция, Австрия, Туркия, Эрон, Туркменистон, Тожикистон ва бошқа давлатларда ҳайкал ўрнатилган. Эндиликда Франция пойтахти Париж яқинидаги Рюэй-Мал-

⁵ Абу Али ибн Сино. Саломатлик сирлари. У.Каримов, Ҳ.Ҳикматуллаев, М.Хайруллаев. Т: 2000. 4-бет.

⁶ Абу Али ибн Сино неврологияси. Н.Мажидов, Ҳ.Ҳалимова, Н.Мажидова. Т:2002.3-4бет.

⁷ Абу Али ибн Сино. Шарқона даволар. А.Собиржонович. Т:1999.3-4-бетлар.

⁸ Шарқ таоботи журнали. 2000 йил январь. Буюк даҳо мероси.3-бет.

⁹ www.lex.uz/docs/-209592?otherlang=1



мезон шаҳрида тиббиёт илми асосчисининг яна бир улугвор ҳайкали қад ростлади.¹⁰

2020 йил 25 февраль куни бўлиб ўтган Республика миқёсидаги мажлисда Президентимиз Шавкат Мирзиёев касалликлар профилактикасига алоҳида эътибор қаратиб, бошқарув идоралари ишини айнан шунга йўналтириш лозимлигини таъкидлади. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, тўғри овқатланиш ва пиёда юришнинг саломатликка фойдасини тарғиб этиш муҳимлиги қайд этилди.

Ўртбошимизнинг 2020 йилга йўллаган Мурожаатномасида тиббиёт соҳасидаги ислохотларни давом эттириб, тиббий хизмат сифатини ошириш, соҳани ривожлантириш, адолат ва рақобатни таъминлаш бўйича ўз мулоҳазаларини баён этди. Эскича услубда қолиб кетган тиббиёт коллежлари ўрнида Ибн Сино мактаблари ташкил этиб, дарс ва амалиёт жараёнларини ўтиш зарурлигини таъкидладилар.¹¹

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўлжабоева Н. Халқ табобати хазинасидан жавоҳирлар. Т., 2009. 14-бет.
2. Абу Али ибн Сино. Тиббий ўғитлар. -Т., Меҳнат. 1991. 3-бет.
3. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари I-қисм. -Т., 1992.5-бет.
4. Абу Али ибн Сино. Саломатлик сирлари. У.Каримов, Ҳ.Ҳикматуллаев, М.Хайруллаев. -Т., 2000. 4-бет.
5. Абу Али Ибн Сино неврологияси. Н.Мажидов, Ҳ.Ҳалимова, Н.Мажидова. Т., 2002. 3-4 бет.
6. Абу Али ибн Сино. Шарқона даволар. -Т., 1999. 3-4 бетлар.
7. Буюк даҳо мероси. «Шарқ табобати» журнали. 2000 йил январь 3-бет.
8. www.lex.uz/docs/-209592?otherlang=1
9. <http://xs.uz/uz/post/frantsiyada-abu-ali-ibn-sino-hajkali-ochildi>
10. www.review.uz/uz/post/tibbiyot-sohasiga-etibor
11. «Халқ сўзи», 2020 йил 25 январь

Резюме

Ушбу мақолада Абу Али ибн Синонинг халқ табобати ривождаги ўрни, унинг тиббиётга доир асарлари, асарлардаги шифобахш гиёҳлардан тайёрланадиган дорилар, шунингдек, алломанинг тўплаган тажрибаси ва асарларидан бугунги кунда ҳам дастуриламал сифатида фойдаланиш тўғрисида сўз борган.

Резюме

В этой статье обсуждается роль Абу Али ибн Сины в развитии народной медицины, его медицинские труды, лекарственные травы, содержащиеся в произведениях, а также использование его опыта и работы сегодня в качестве руководства.

Summary

This article discusses the role of Abu Ali Ibn Sina in the development of folk medicine, his medical works, the medicinal herbs used in the works, and the use and expertise of Abu Ali Ibn Sina's works today.

¹⁰ <http://xs.uz/uz/post/frantsiyada-abu-ali-ibn-sino-hajkali-ochildi>

¹¹ www.review.uz/uz/post/tibbiyot-sohasiga-etibor



NAKSHAB VA KESHNING ILK O'RTA ASRLAR DAVRI ARXEOLGIK YODGORLIKLARNING TIPOLOGIYASI MASALALARI

Фахриддин ЭГАМБЕРДИЕВ,
Қар ДУ "Жаҳон тарихи" кафедраси, ўқитувчи.

Таянч сўз ва иборалар: *Жанубий Суғд, Нахшаб, Кеш, КАТЭ, илк ўрта асрлар, археологик ёдгорликлар, шаҳар ва қишлоқ маконлари типологияси, ташқи рельеф.*

Жанубий Суғднинг юқори Кеш воҳаси ёдгорликлари ва уларнинг топографик хусусиятлари бу ҳудудда изланишлар олиб борган тадқиқотчиларнинг ва КАТЭ (Кеш археологик топографик экспедицияси) олимларнинг у ёки бу ишларида албатта таҳлил қилинган бўлса-да, улар умумлашган умумий тарзда турларга бўлиб ўрганилмаган. Бу тадқиқотнинг амалга оширилмаганлиги сабаб Кеш воҳаси таркибига кирувчи ҳозирги Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Чироқчи ва Қамаши туманлари ҳудудларидаги археологик ёдгорликларни ҳисобга олиш ишлари тўлалигича яқунланмаган. Кўп йиллар давомида Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ ва туманлари ёдгорликларининг катта қисми ўрганилган бўлса-да, Қамаши ва Чироқчи туманларида археологик қидирув ишлари охиригача етказилмаганини кўришимиз мумкин.

Бу борада Жанубий Суғднинг иккита воҳаси Нахшаб ва Ғузур воҳаларининг антик ва илк ўрта асрлар даври шаҳарлари ва қишлоқ маконлари қолдиқлари бўлган археологик ёдгорликларнинг типологияси масалалари билан дастлаб Р.Ҳ.Сулай-

монов шуғулланган (Сулейманов, 2000, с 32). Олим томонидан Нахшаб ва Ғузур воҳалари ёдгорликлари тепаликларнинг ташқи рельефи, топографик хусусиятларига кўра ўнта турга ажратилган ва ҳар бир турнинг ўзига хос хусусияти етарлича таҳлил қилинган.

Археологик қидирувлар давомида 2012 йилда Яккабоғ тумани, 2013 йилда Шаҳрисабз тумани, 2014 йилда эса Китоб тумани археологик ёдгорликлари ҳисобга олинди. Кейинги 2015–2016 йилларда эса Ғузур ва Чироқчи туманларида ҳам археологик қидирув ишлари давом эттирилди. Ушбу мақолада уларни таҳлили ҳақида фикр юритилади.

Аморф тархга, мудофааланган буржга ва унга тақалган уйжойларга эга бўлган икки погонали тепаликлар.

Кеш воҳаси таркибига кирувчи Яккабоғ, Китоб, Чироқчи, Шаҳрисабз ва Қамаши туманлари ҳудудида бу турга оид ёдгорликлар 40 та атрофида белгиланди. Бу турдаги ёдгорликларнинг сони ҳам улар Кеш воҳаси ҳудудида анчагина кенг тарқалганлигини кўрсатади. Шу билан бирга ўз навбатида уларнинг ҳам



қайсидир бир жиҳатлари билан бир-бирларидан фарқ қилувчи бир неча турлари ҳам мавжуд.

Бу тур ёдгорликларининг энг муҳим хусусиятлари, улар икки поғонали, айлана ёки тўртбурчакли қаср-арк ёки кўшк, унга тақалган турлича аморф тархга эга бўлган, ясси, пастки поғона тепалиқдан ташкил топган. Бу ёдгорликларнинг ҳажм жиҳатдан йирик ва кичик турлари мавжуд. Кичик ҳажмли турларининг майдони 0,5-0,8 гектар бўлса, йирик турларининг майдони эга 1,0-1,5 гектаргача ва ундан ҳам ортиқ. Кеш воҳасида бу турга оид ёдгорликларнинг энг йириги Яккабоғ тумани Ишкент қишлоғидан жануб томондаги, Тирнасой бўйида жойлашган Карнайтепадир (13-14 га.).

Улар жумласига яна Яккабоғ туманидаги Қорасув қишлоғи яқинидаги Овозбергтепа (150x135 м.), Чайдари қишлоғида жойлашган Намозгартепа (130x120 м), Тезоб қишлоғи яқинидаги Киндиктепа (200x150 м) каби тепаликларни киритиш мумкин. Бу тур ёдгорликларининг кичик намуналаридан бири сифатида Яккабоғ шаҳрининг ғарбий қисмида жойлашган Тўрткўлттепани (75x40 м) киритиш мумкин. Чироқчи тумани ҳудудида, Зарафшон тоғларининг жанубий қисмида, Йўрғабулоқ қишлоғида жойлашган Қўштепа 1(220x80 м) ва Қўштепа 2 (160x70 м) каби йирик ёдгорликлар ҳам аморф тархли икки поғонали ёдгорликларнинг ёрқин намуналаридир.

Бу турга оид ёдгорликларнинг типик намунаси Жанубий Суғднинг марказий шаҳарларидан бири Нах-

шаб-Насаф шаҳри арки харобалари бўлган икки поғонали йирик ёдгорлик Шуллактепадир. Мазкур аркининг юқори поғонасида икки қаватли йирик истеҳком қолдиқлари тўлагича очиб ўрганилган (Сулейманов, 2000, с.28) Шуллактепа аркининг шу турдаги бошқа ёдгорликлардан фарқи, бу иншоот шаҳарнинг мудофаа арки сифатида фаолият кўрсатганлиги боис унда доимий равишда аҳоли яшамаган.

Бу турга оид ёдгорликларнинг яна бир намунаси Қарши воҳасида, Қарши шаҳри яқинида С.К.Кабанов томонидан археологик қазишмалар воситасида ўрганилган икки поғонали ёдгорлик Ойтуғдигтепа бўлиб, унинг юқори поғонасида йирик қасрнинг бир қисми осилган бўлиб, қасрнинг марказида каттакон хона жойлашган бўлиб, унинг атрофи айланма коридор билан ўралган ва коридорнинг ташқи томони бўйлаб хоналар қатори ўрин эгаллаган (Кабанов, 1972, с.75).

Худди шу турдаги тепаликлардан бири Қарши шаҳри яқинидаги Шўртепа бўлиб, ёдгорлик 1952-1953 йилларда С.К.Кабанов томонидан ўрганилган ва кулоллар хумдонига эга бўлган кулол хонадонининг бир қисми очиб ўрганилган (Кабанов, 1964, с.70-72).

Ушбу турга оид бўлган тепаликлардан бири, Чимқўрғон сув омбори ҳудудида жойлашган кичик Қизтепа кўшикида С.К.Кабанов томонидан маҳобатли бир бинонинг бир нечта хонаси ва ҳовлисининг бир қисми тадқиқ этилган. (Кабанов, 1965, с.72-73). Лекин қазишма унча кенг майдонда олиб борилмаганлиги сабабли ёдгорлик устида жойлаш-



ган бинонинг меъморий хусусиятлари тўла аниқланмасдан қолган.

Тўғри тўртбурчак тархли, унга тўртбурчак шаклида тақалган уй-жойларга эга бўлган қалъа ёки қўрғонлар.

Бу турга оид ёдгорликлар морфологик жиҳатдан юқорида айтилган "Аморф тархга, мудофаланган буржга ва унга тақалган уй-жойларга эга бўлган тепаликлар" турига яқин туради ва уларнинг 0,3-0,5 гектардан 4-5 гектар бўлган йирик намуналари мавжуд. Бу тур Нахшаб ҳамда Кеш воҳаларида анча кенг тарқалган бўлиб, Кеш воҳаси бўйича 80 та ёдгорлик, Нахшаб ва Гузор воҳалари бўйича эса 45 та ёдгорлик ҳисобга олинган. Уларнинг энг асосий хусусияти – бу тепаликлар аксарият ҳолларда икки поғонали бўлиб, алоҳида қад кўтарган марказий тепаликдан ва унга тўртбурчак шаклда тақалган пастки поғонадаги турар жойлар қолдиқларидан иборат.

Бу турга оид ёдгорликларнинг йирик намуналари ҳозирги Яккабоғ тумани Қайри солли қишлоғи ҳудудида жойлашган икки поғонали йирик ёдгорлик Гуржобтепа (5 га), ҳамда Чироқчи тумани Худоёрбек қишлоғи ҳудудида жойлашган йирик икки поғонали ёдгорлик Худоёрбегимтепа-дир (240x120 м.) (3 га), Гуржобтепа ҳамда Худоёрбегимтепа ўзларининг йирик ҳажми, катта майдонни эгаллаган арки билан илк ўрта асрлар даврида ўзлари жойлашган маълум ҳудуднинг марказий қишлоқлари сифатида фаолият кўрсатганлар. ўржобтепанинг маълум бир ҳудуднинг марказий қишлоғи эканлиги Г.Я.Дресвянская томонидан ҳам қайд этилган (Дресвянская, 1985, с.29).

Қарши воҳасида мана шу турга оид ёдгорликлардан бири Ў.Алимов (Ў.Алимов, 1969, с. 56) томонидан археологик қазишмалар воситасида ўрганилган Култепадир. Қазишмалар жараёнида ёдгорликнинг юқори поғонасида жойлашган қасри бир қисми очиб ўрганилган ва топилган моддий маданият ашёлари ва сўнгги давр маданий қатламлари милоннинг VII-VIII асрлари билан даврланган (Алимов, 1969, с. 68). С.К.Кабановнинг фикрига кўра, Култепанинг юқори поғонасида ўрганилган иншоот турк заминдорига тегишли бўлган (Кабанов, 1984, с. 26).

Л.Л. Букинич томонидан Қарши шаҳри яқинида очиб ўрганилган илк ўрта асрларга оид Пишактепа ёдгорлиги ҳам мана шу турдаги ёдгорликларнинг ҳажм жиҳатидан кичикроқ турларидан бири сифатида қайд этилиши мумкин. Пишактепанинг баландроқ шарқий қисмида мудофааланган бурж ёки кўшкнинг маҳобатли ташқи девори харобалари, пастки поғонасида эса оддий қишлоқ аҳолисининг турар-жойлари қолдиқлари ўрганилган. Ёдгорликнинг шарқий қисмида очиб ўрганилган маҳобатли бино Л.Л. Букинич томонидан мана шу қишлоқ-маконининг эгаси бўлган йирик заминдорнинг кўшк сифатида талқин этилган (Букинич, 1969, с. 92-93).

Марказий тепалиги тўғри тўртбурчакли ёки квадрат тархли икки поғонали тепаликлар.

Бу турдаги тепаликлар кенг тарқалмаганлиги сабабли уларнинг Кеш ва Нахшаб воҳаларидаги сонини келтирмадик. Шундай бўлса-да, уларнинг намуналари Нахшаб-Насаф ва Кеш воҳаларида анчагина.



Уларнинг энг асосий хусусияти – бу тепаликлар аксарият ҳолларда икки поғонали бўлиб, алоҳида қад кўтарган марказий тепалиқдан ва уни тўртбурчак ёки квадрат шаклда ўраб олган пастки поғонадаги турар жойлар қолдиқларидан иборат. Марказий тепалик – кўшк ёки арк пастки поғонадаги тепаликлардан очиқ майдон билан ажратилган ва бу тур тепаликларни ўз хусусиятига кўра қалъалар қолдиқлари сифатида талқин қилиш мумкин.

Кеш ҳудудида бу турга ҳозирги Яккабоғ туманидаги Сурнай қишлоғи атрофида жойлашган иккита ёдгорлик Карнайтепа (210x190 м.) ва Сурнайтепани (190x180 м.) киритиш мумкин.

Бу тур ёдгорликлар жумласига Нахшаб воҳасидаги Кўлбуқа қишлоғи ҳудудидаги Кўлбуқатепани (200x180 м.), Гувалак қишлоғидаги Гувалактепани (190x180 м.), Денов қишлоғининг жанубий қисмида жойлашган Супаралангтепани (270x260 м.), Эсабойтепа ёдгорлиги яқинидаги, Шакаржўй қишлоғидан 1,5 км шарқдаги Қўтонтепани (200x180 м.), Қамаш қишлоғининг шарқий қисмида жойлашган Оққўргонтепани (240x210 м.), Поштон қишлоғи яқинидаги Поштонтепани (300x270 м.), Парчақалъа қишлоғининг жануб томонидаги Парчақалъатепани (320x250 м), Шуллактепа яқинидаги Бобожонтепани (260x250 м.), Узунқудуқ қишлоғи ёнидаги Киндиклитепани (230x210 м.), Хонобод қишлоғи яқинидаги Қўргонтепани (220x190 м.) киритиш мумкин.

Бу ёдгорликларнинг топографик кўринишидан ташқари яна бир умумий

хусусияти шундаки, уларнинг аксариятининг эгаллаган майдони бир-бирларига анча яқин. Уларнинг айримларида мудофаа девори охиригача қурилмаган, яъни марказий тепаликнинг атрофи тўлалигича ўраб олинмаган. Бу турдаги ёдгорликларнинг барчаси антик ёки илк ўрта асрларда пайдо бўлган.

Бу ёдгорликларнинг кичикроқ майдонга эга бўлган намуналари ҳам мавжуд бўлиб, улар жумласига Чироччи тумани Чияли массиви Дурсун қишлоғи ҳудудида жойлашган Дурсунтепани (110x110 м.), Яккабоғ тумани Чайдари қишлоғи яқинидаги Наймантепа (61x61 м.)ни киритиш мумкин.

Ушбу ёдгорликларнинг дастлабки кўринишини Қалъайи Заҳхоки Марон ёдгорлигининг томонлари 200x200 м ва ўртада арки бўлган марказий қисмига қиёслаш мумкин. Мазкур ёдгорлик арки билан мудофаа деворлари ораси очиқ майдондан иборат бўлганлигини ва ёдгорликларнинг умумий майдони бир-бирларига яқин эканлигини ҳисобга олсак, бу турдаги тепаликлар ва Қалъайи Заҳхоки Марон шаҳрининг шаклланиши умумий илдишларга эга эканлигини, балки бу тур ёдгорликлар ҳам кўчманчилар томонидан бунёд этилган бўлиши мумкинлигини тахмин қилса бўлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мазкур мақолада барча ёдгорликлар тўлиқ ёритилмаган бўлса-да, лекин ҳудуддаги асосий ёдгорликлар ҳақида маълумот берилган. Бу бо-радаги изланишлар ҳали давом эттирилмоқда.



Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. -Т.: Фан 2000:-336 с.
2. Раимқулов А.А., Исамиддинов М.Х. Квартал керамистов на Еркургане VI-VII вв. (раскоп-20). -ИМКУ, вып. 25, -Т.: 1991.с 123-135.
3. Кабанов С.К. Айтутды-тепе. -ИМКУ, вып.9, -Т.: "Фан" 1972. с.73-80.
4. Кабанов С.К. Раскопки на Шортепа близ Карши в 1952-1953 гг. -ИМКУ, вып. 5,-Т.: Фан, 1964.с 70-80.
5. Кабанов С.К. Руины поселения III-V вв. в долине Кашкадарьи. -ИМКУ, вып. 6, -Т.: 1965.с 71-86.
6. Древсянская Г.Я. К районированию археологических памятников раннего средневековья (По материалам Яккабагского района).-Т.: ОНУ, 1985, № 10. С 29.
7. Алимов У. Раскопки на Культепа в Каршинском оазисе. -ИМКУ, вып.8, -Т.: "Фан" 1969. с 105-114.
8. Букинич Л.Л. Руины двух раннесредневековых поселений близ Карши. -ИМКУ, вып.8, -Т.: "Фан", 1969.с 91-104.

Резюме

Ушбу мақолада Жанубий Суғднинг Нахшаб ва Кеш ҳудудларидаги антик ва ўрта асрлар даврига оид шаҳар ва қишлоқларнинг археологик жиҳатдан ўрганилишини янги манбалар ва кейинги археологик тадқиқотлар асосида таҳлил қилинган.

Резюме

В данной статье анализируются археологические исследования древних и средневековых городов и сел в районах Нахшаб и Кеш Южного Согдийского региона на основе новых источников и последующих археологических исследований.

Summary

This article analyzes archeological study of ancient and medieval towns and villages in Nakhshab and Kesh regions of Southern Sughd based on new sources and subsequent archeological studies.





SULTON MIR HAYDAR OTA MA'RIFATI

Асилбек ХЎЖАЁРОВ,

Қар ДУ, «Тарих» йўналиши, 4-босқич талабаси

Ўзбекистонни муқаддас диёр сифатида шарафлашга асослар ниҳоятда кўп бўлиб, улардан бири кўксиди ўтмиш даҳоларнинг покиза руҳлари барқарорлигидир. Алломалар назари, файзу барақати шуури туфайли жаҳон аҳлининг эътиборига молик, диққатга сазовор маскан бўлиб келмоқда.

Файзу гурурга арзигулик бу олтин мерос миллий ва маънавий қадриятларимиз шодасидаги бебаҳо дурлардир. Шу негизга диний қадриятларимиз ҳам боғланган ва ўзаро уйғунликда муқаддаслик касб этган. Зеро, Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: "Бизни ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуг аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, Худо хоҳласа ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз ҳам, албатта бўлади"¹

Қашқадарё воҳасининг қадим тупроғида табаррук манзиллар биёрдир. Қадимшунослар вилоятимиз ҳудудидан минглаб ёдгорликларни аниқлаган. Қадимий манзилгоҳлар орасида Касба ва Базда ҳам қадимият манзиллари қатори тилган олинган. Ёзма манбаларда бу икки кишилиқ маскани X-XII асрларда эътиборан йўл-йўлакай тарзда бўлса-да, зикр этган. Қадимшунос С.К.Кабанов VII асрнинг иккинчи ярмида яшаган арман тарихчиси Себеос фикрга муносабат билдирган. Арман муаррихи Себеос ўз даврида кечган воқеаларга муносабат билдириб: "Бу вақтда шарқий форс мамлакатлари ҳукмдори Маркивадак деган шахс Тетал подшоҳи қўшинини баҳодирона енгади ва Вехрот деб юритиладиган улуг дарё ортидаги Казбион деб аталувчи юртгача бўлган барча Кушон мулкларини ва Балхни қаттиққўллик билан идора қилди", - Баҳром Чубин, Вехрот - Амударё, Казбион эса Қашқадарёнинг қуйи қисмидаги Ерқўрғон обидасидан унча узоқ бўлмаган Касби эканлигини тахмин қилади.²

"Касби" атамасининг маъноси икки хил талқин этилади. "Бу сўзнинг икки маъноси бор. Ана шу маънолари билан у тожик тилининг X-XIX асрлар ўтмишида қўлланган: катта қишлоқ, кичик шаҳар; ғаров, қамиш. Қашқадарёдаги жойлашув ўрнига кўра уни "қамиш (ғаров) ўсган жой" деб изоҳлаш мумкин. Номшунослик қонуни талаблари ва амалиётга асос-

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-ж. -Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017, Б.482.

² Равшанов П. Қашқадарё тарихи. - Т.: "Фан", 1995, Б.73



ланилса, "катта қишлоқ, кичик шаҳар" изоҳи асосли ва ишончли."³

Касби Насафдан 4 фарсах узоқликда, Бухорога элтувчи йўлда, Базда эса Насафдан 6 фарсах узоқликда жойлашган бўлиб, манбаларда Бухородан Касби орқали Термизга, Базда орқали Калиф кечувига борувчи карвон йўли ҳақида маълумотлар мавжуд. Бухородан Баздагача бўлган масофани карвонлар 4 кунда, Калифгача эса 5 кунда босиб ўтганлар.⁴

Ўрта асрлар муаррихлари ал-Истаҳрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий ва Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Сомъоний асарларида Касби қўрғони ҳақида маълумотлар бериб ўтилган.⁵

Шунингдек, рус олимлари академик В.В.Бартольд (Сочинение, т. 1,2,3. - М., 1963), П.П.Иванов (Очерки по истории Средней Азии, - М., ИВЛ 1958), С.К.Кабанов (Нахшеб на рубеже древности и средневековья (III-VII вв). - Т.: "Фан", 1977) кабиларнинг асарларида ҳам бу ҳудуд тарихи ва географияси билан боғлиқ анча қимматли маълумотлар келтирилган.

Марказий Осиёга ислом динининг кириб келиши бу ҳудуд аҳолисини ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётига бевосита ўзининг таъсирини кўрсатган. Мовароуннаҳрга қилинган фотиҳлик юришларидан (673) кўп ўтмай, динни ҳаётининг мазмуни ва моҳияти деб билан Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг яқин сафдошлари, саҳобалари, амакилари, қариндош-уруғлари лашкарлар билан изма-из янги юртларга кўчадилар. Исломни жорий этиш, Аллоҳ таолонинг бирлигини қалбларга сингдириш, барча мусулмонлар тенг ва биродар эканлигини амалда собит этиш улар ўз ташаббуслари билан зиммаларига олган, Яратган йўлидаги масъулият бўлиб қолади. Юртимизда дастлаб қўним топган улуг зотлардан бири, жаноб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг амакиси (аслида амакиваччаси⁶ - Ҳ.А.) Қусам ибн Аббос (розиаллоҳу анҳу) ҳазратлари саналади. Қусам ибн Аббос ҳазратлари Самарқандга Хуросон ноибиди Саъид ибн Усмон билан бирга 676 йилда қутлуғ қадамларини қўйган.⁷

Қусам ибн Аббос ҳазратлари 677 йилда Самарқандда бўлиб турган пайтда шаҳарга суғдийлар ҳужумида шаҳид бўлади. Самарқандга дафн этилган. Имом, аллома ва муҳаддис Нажмиддин ан-Насафий ўзининг "Ал-қанд фий зикр уламои Самарқанд" ("Самарқанд уламолари зикрида қанд китоби") асарида шундай ёзади: "Ҳазрати рисолатпаноҳ Муҳаммад соллаллоҳи алайҳи вассалламнинг муаттар ва мунаввар равзаларидан сўнг, ҳеч бир бузург мазор Қусам ибн Аббос розиаллоҳу анҳу мазорларидек бузург эмасдур. Зероким, ул киши пайғамбарнинг амакизодалари бўлиб, Хожаи Олам (соллаллоҳу алайҳи вассаллам)нинг муборак юзларини кўрган охирги киши ҳам Қусам ибн Аббосдир" дейилади.⁸

Ана шундай азиз шахслардан бир Султон Мир Ҳайдар отадир. Асли исми Амир Шамсиддин Ҳайдар ибн Жалолиддин бўлган бу зотнинг тавал-

³ Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. - Т., 2009, Б.136

⁴ Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. - Т., 2008, Б.158

⁵ Равшанов П. Қашқадарё тарихи. Б.337

⁶ Бу ҳақда қаранг: Ислом энциклопедияси. - Т., 2017, Б.624

⁷ Равшанов П. Султон Мир Ҳайдар ота даражоти. - Т., 2014, Б.49-50.

⁸ Бу ҳақда қаранг: Ислом энциклопедияси. - Т., 2017, Б.624; Қандия. Қадимий Самарқанд тарихи. - Самарқанд, 2007, Б.11



луд саналари ҳақида бир қанча тахминлар мавжуд. А.Чориевнинг 2013 йилда "Ҳазрати Султон Мир Ҳайдар ота тарихи" китобида Мир Ҳайдар отанинг ёшлиги, қаерда, қачон таваллуд топиши, ота-онаси, тарбиячиси - хуллас, мухлисларни қизиқтирган муаммолар нақлий асосда баён этилган.

Мазкур асарда Мир Ҳайдар отанинг туғилган саналари ва жойи ҳақида қуйидаги маълумот келтирилади: "673 ҳижрий - қамарий рамазон ойининг ўнинчи куни субҳи тонг маҳали (1275 милодий) Жалолиддин Шайх Ҳазратларининг уйларида Моҳинурбиби онамизнинг дардлари кучайди. Овсинлари Сокинайинурни доя чақириб келишга юбордилар, Тўртинчи фарзанд дунёга келди, Ул азиз инсон Хуросоннинг Қойим шаҳри, Шўрдарё бўйида дунёга келдилар"⁹.

Юқоридаги маълумотдан кўриниб турибдики, Мир Ҳайдар отанинг оталарининг исми Жалолиддин шайх, оналарининг исми эса Моҳинурбиби ҳисобланади.

Султон Мир Ҳайдар отанинг насаблари бевосита Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг қизлари Фотимаи заҳро ва Али ибн Абу Толиб (розиаллоҳу анҳу)нинг фарзандлари Имом Ҳусайнга бориб тақалади. Амир Шамсиддин Ҳайдар, қабр тошидаги шажарага кўра, Расуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаламга 16-авлод бўлиб етишади. Мир Ҳайдар у кишининг лақаблари ҳисобланади.

Амир Шамсиддин Ҳайдар ибн Жалолиддин насаби ва шажараси унинг қабр тошида қуйидаги тартибда берилади: Шамсиддин Ҳайдар ибн Жалолиддин ибн Шамсиддин Ҳайдар Ҳусайн Насафий ибн Аҳмад ибн Амир Саййид ибн Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Иброҳим Муртазо ибн Мусо ал-Козим ибн Жаъфар Содиқ ибн Муҳаммад Боқир ибн Зайнулобиддин ибн Ҳусайн ибн Али Муртазо.

Бу қабртош шажарасида 766 жириб, рамазон ойида вафот этган Амир Шамсиддин Ҳайдар амирил кабир карим ота-боболарининг 14 восита орқали Али ибн Абу Толибга уланиши ўз аксини топган. Амир Шамсиддин Ҳайдар милодий 1365 йилда 90 ёшида вафот этган. Ҳозирга қадар улуг авлиё ҳақида ана шу ҳақида ана шу уч жиҳат Амир Шамсиддин Ҳайдарнинг (Мир Ҳайдар Отанинг) сифат ва даражотлари, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи вассалам қизлари уруғидан эканлиги, вафот этган йилининг аниқлиги маълум эди, холос.¹⁰

Султон Мир Ҳайдар ота ўзининг Хуросондаги фаолиятдан сўнг Хоразмда, ундан кейин эса маълум вақт Бухорода истиқомат қилади. Орадан маълум муддат ўтгач, ўзларининг оқ туяларида Бухородан шарққа томон йўлга чиқади. Ҳазратнинг туяси ҳозирги Касби тумани Касби қишлоғи ҳудудига келганда чўкади ва шу ерда қўним топган. Бу жой Мир Ҳайдар отанинг умрлари охиргича ўзгармаган. Кейинчалик бу жой атрофларида аҳли манзилгоҳлари кенгайиб, йирик қишлоққа айланган, сардоба бунёд

⁹ Чориев А. Ҳазрати Султон Мирҳайдар Ота тарихи. - Т.: "Янги аср авлоди", 2013, Б.17-18

¹⁰ Равшанов П. Султон Мир Ҳайдар ота даражоти. Б.77-78



этилган.

Мир Ҳайдар ота авлодлари Амир Темур ва темурийлар даврида, шайбонийлар ҳокимиятга келган XVI асрда ўзига хос мавқе ва имтиёзга эга бўлган. Фарзандлари орасида билимли кишилар етишган. Мир Ҳайдар ота ўғилларидан бири Шодмон ҳақида хотиралар етиб келган. Амир Темур лашкарида у ўз фазилату кароматлари билан довруқ қозонган. Хоразм каби жойларда ҳам бу авлод вакиллари ҳурматга ноил бўлган.

Қашқадарё воҳасининг кўпгина қишлоқларида мадрасаларда таҳсил бериш, масжидларга имомлик қилиш, шунингдек, улуғ авлиё зотнинг набиралари, эвара, чеваралари оддий инсонлар қатори деҳқончилик, чорвачилик билан рўзгор тебратган. Яна бир жиҳати шундаки, авлод вакиллари нинг юксак хулқли, камтар ва одамшаванда, меҳнатсевар, машаққатлардан қочмайдиган, бобокалонига, ўтган уруғ-аймоқларига содиқ кишилар бўлган. Мир Ҳайдар отанинг пайгамбар авлодидан эканлиги, ўзларининг у зот солаллоҳу алайҳи вассалламга набиралик ришталари билан боғланганликларини ҳеч қачон унутмаганлар¹¹.

Амир Шамсиддин Ҳайдарнинг сифат ва даражотлари қуйи Қашқадарёда маълум ва машҳур бўлиб келади. У зотнинг саййидлиги, руҳонияти, миллат ва диннинг қуёши, амир маъруфда етакчи, маъно ва мантиқда ягона, ҳақиқат учун курашувчи, араб, форсий ва туркий тиллар маҳорат эгаси, зикр, қироатда пешволиги, тўғри йўлдагилар қўлловчиси, ягона олим, сунний мазҳабидаги қавмлар имоми, жаҳонга довруғ ёйган аллома, машойихлар улуғи, авлиёлар фаҳри, ҳаж амалини бажарган ҳожи, Ер юзидаги бахтли кишилардан бири эканлиги мангуга ёдгорлик сифатида қўйилган қабр тошида акс этади¹².

Султон Мир Ҳайдар ота қабри жойлашган ҳудуд XIV асрда мақбара бунёд этилиб, бу маскан ҳозирги кунда обод зиёратгоҳга айлантирилган. Мазкур қадамжоси нафақат туман ва вилоят аҳолиси учун балки, республика маҳаллий ва хорижий туристлар учун диққат марказидаги зиёратгоҳ ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Мир Ҳайдар отанинг биринчи ва муқаддас даражоти Ислоҳ динини улуғ тутганлиги, бу йўлда катта билимга ва салоҳиятга эга бўлганлиги, авлиё маснадига кўтарилгани бўлса, иккинчи, қадри буюк ибрати – маърифатпарварлигида, ватанпарварлигида, маърифатпарварлик халқнинг озодлик курашида йўлбошчилардан бири бўлишида ўзини ёрқин ифодасини топади.



Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат, нотижорат ташкилотларнинг ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди гранти асосида "Ёшларимизни халқимизнинг нодир тарихий-маданий мероси, миллий ва умумбашарий қадриятлари билан яқиндан таништириш - уларда Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш". лойиҳаси доирасида тайёрланди.

¹¹ Шу асар Б.124-125.

¹² Шу асар Б.78-79.

OILADAGI SOG‘LOM MUHIT BARQARORLIGIDA OTANING O‘RNI

Рамиз ЗОҲИРОВ,

"Оила"маркази Қашқадарё вилоят бошқармаси бошлиғи

Таянч сўз ва иборалар: оила трансформацияси, оилавий қадриятлар, ижтимоий мавқеи, ижтимоий сўров, никоҳга муносабат, оила тузилмаси, жамоатчилик фикрини ўрганиш, миллий анъана ва урф одатлар, тадқиқот натижалари, Ҳаракатлар стратегияси.

Қадимдан оила маънавий тарбиянинг қудратли воситаси бўлиб келган ижтимоий институтлардан бири ҳисобланади. Оилаларнинг ҳар томонлама соғлом ва мустақкам бўлиши давлат сиёсатининг ажралмас бир қисмига айланди. Давлат ва халқнинг истиқболи, маданий тараққиёти ва тақдири қандай бўлиши кўп жиҳатдан ёшларнинг бугун қандай оилада ва қандай тарбия олишига, уларнинг маънавий баркамоллик даражасига боғлиқ. Инсон маънавиятини шакллантиришнинг энг мақбул маскани – оиладир. Оила қайси миллатга мансуб бўлса, ўша халқнинг маънавиятини ўзида мужассамлаштириб, кўп асрлик тарихга эга бўлган анъаналарни, маънавиятни авлоддан-авлодга етказди.

Агарда шахснинг шаклланишида биологик, табиий ва маданий муҳит, ижтимоий тажриба, одамлар билан муносабат каби омиллар муҳим аҳамият касб этишини инобатга олсак, буларнинг барчаси оилада мужассамлашгандир. Зеро, шахс маънавияти, унинг дунёқараши, эътиқоди, ҳаётий тамойиллари, идеаллари, қадриятлари ва кўникмалари мажмуи асосан оилада шаклланади. Шу маънода, оила маънавият қўрғони ҳисобланади.

Бола тарбиясида унинг маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Маълумки, азалдан мусулмон халқларида оила жуда муқаддас ҳисобланган. Оила қуриш, фарзандлар кўриш ҳар бир оиланинг бурчи деб қаралган. Оиладаги барча муносабатларни ҳамиша пок тутишга, тўғри йўналтиришга ҳаракат қилинган. Бу фазилатлар Қуръони карим сураларида ҳам, ҳадисларда ҳам, тарихий, бадий ва илмий манбаларда ҳам ўз ифодасини топган. Оила ва никоҳ турли тарихий даврлар давомида ўз ҳолати ва хусусиятларини ўзгартириб борган. Айнан оилада миллий ифтихор туйғуси шаклланади. Миллий ифтихор эса инсондаги юксак маънавий фазилатларни ҳосил қилади.

Ушбу инсоний фазилатлар эса Ватан, унинг истиқболи, миллий манфатлари билан узвий боғлиқдир. Катталарга иззат-икром, кичикларга меҳр, ота-оналарга эъзоз, фарзандларга меҳр-муҳаббат каби инсонни инсон сифатида улуғлайдиган, маънавий-ахлоқий жиҳатдан гўзал ва баркамол қиладиган қадриятларимиз ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар қалбидан мустақкам ўрин олиши лозим. Инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи гада оила бағрида шаклланади.

Шарқ оилаларидан ҳисобланмиш ўзбек оиласига хос бўлган қадрият-



лардан бири оилада аксарият ҳолларда етакчилик, яъни раҳбарликнинг эркак киши зиммасида эканлигидир. "Оилада раҳбарлик нима учун эркаклар зиммасига юклатилган?" деган саволга шундай жавоб бериш мумкин: эркаклар табиатан, жисмоний жиҳатдан аёллари ва фарзандларини ҳимоя қила оладилар ва шу билан бирга оилани иқтисодий жиҳатдан таъминлаш ҳам уларга юклатилган вазифалардан бири ҳисобланади, аёллардан фарқли равишда эркаклар ҳиссиётга камроқ бериладилар, назоратдан чиқишга интилган ҳиссий ҳолатларини ақл-идрок билан тўғри йўналтиришга аёлларга нисбатан кўпроқ қодир бўладилар.

Юқоридаги фикрлар эркак шахсини улуғлаш ёки барча ўзбек оилаларида раҳбар эркак киши бўлиши шарт, деган фикрни тарғиб қилиш мақсадида келтирилмаяпти. Балки, бу реал ҳаётда мавжуд ва бир неча ўн асрлар илгари муқаддас китобларда келтирилган ҳолатларни психологик жиҳатдан асослашга уринишдир.

Бугунги кунда жамиятда, шу жумладан, оилада ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан катта ижобий ўзгаришлар бўлаётган ва табиий равишда ҳаёт тарзимиз ҳам давр талаби асосида ривожланиб, юксалиб бораётган бир пайтда ўзбек оилаларидаги етакчилик масаласини ҳар бир эркак ва аёл ўз жуфти ҳалоли билан ўзлари ҳал қилгани маъқул.

Шу билан бирга мураккаб, ўта масъулиятли ҳисобланган, оила мустаҳкамлигини таъминловчи мезонлардан бири бўлмиш раҳбарлик-етақчилик масаласини оила манфаати нуқтаи назаридан аниқлаштириб олишда ёшлар халқ педагогикаси, халқимизнинг, ота-оналари ва ували-жувалиларининг тажрибасига таяниб, маслаҳатлари асосида иш кўрсалар, оилавий ҳаётда кўп ҳолатда ўзларини хатолардан сақлаган бўлардилар.

Халқимизда "Эркаги бор оила-устуни бут, пойдевори мустаҳкам қалъадир" дейилади. Шунинг учун ҳам бизнинг келажагимиз, Ватан ҳимоячилари бўлган ўғил болаларни тарбиялашни кўпроқ оталарга юклашади. Негаки, оталар қаттиққўл бўлишлари билан бирга ўғил болаларга хос хатти-ҳаракатларни болаларда шакллантириб боради. Аксарият оталар ўғил болаларни чиниқтиришга, жисмонан бақувват бўлишига эътибор бериб, уларга жасурлик, мардлик, оилапарварлик хислатларини сингдиради. Тарбия беришда оилада онани, опа-сингилларни эҳтиёт қилиш, уларга нисбатан меҳрибон бўлиш, оғир ишларга ёрдам кўрсатиш кабилар бола онгида ота намунаси орқали кўрсатилади.

Буюк бобокалонимиз Амир Темур фарзандларининг келажаги олдидаги оталик бурчи ва масъулиятини чуқур англаганлиги диққатга сазовордир. Соҳибқирон ўғилларида ўз авлодларининг оила қуриши, соғлом фарзандлар кўриши ҳақида астойдил қайгурсанглигини кўрсатувчи шундай фикрлар мавжуд: "Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишни насл-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар орқали соғлигини, жисмонан етуклигини аниқладим. Келин бўлмиш насл-насабаси, одоб-ахлоқи, иймони бақувватлиги билан барча қусурлардан холи бўлсагина эл-юртга катта тўй бериб келин туширдим. Ўғилларим, набираларим ва яқинларимга шароб ичиб хотинла-



рига яқинлашишни маън этдим. Зеро, шаробнинг таъсирида бунёдга келган фарзанд насл-насаби ҳам бузилишига таъсир этгай, дебон шу йўлни тутдим". (Амир Темури ўғитлари. Т., 1992 50-58 б)

Тарихда Соҳибқироннинг набиралари учун ҳам ниҳоятда кўшлар ибратли маълумотлар мавжуд.

Шарқ оилаларига хос ҳамда ўзбек оиласида кучли даражада ифодаланган миллий қадриятлардан яна бири оила аъзоларининг оилада тутган макеи ва улар орасидаги ўзаро муносабатлар характериدير.

Булар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин ота-онанинг оиладаги ўрни, оилада уларнинг улуг зотлар сифатида қадрланиши, уларга кўрсатиладиган чексиз ҳурмат-эҳтиром, иззат-икром, ота-она учун фарзандларнинг ҳар нарсага тайёрлиги ўзбек оилаларига хос бўлган эзгу фазилатлардан ҳисобланади.

"Падари бузруквор" ҳамда "Волидаи муҳтарама" каби сифатлар билан улугланадиган ота-онанинг Шарқ оилаларида, жумладан, ўзбек оиласида тутган ўрни, фарзандлар устидаги ҳақи, фарзанд ва ота-она орасидаги муносабатларга ислом динида ҳам катта эътибор берилган.

Шеърят мулкининг султони Алишер Навоий ёзганларидек:

Бошни фидо қилгил ато бошига,

Жисмни қил садқа ано қошига.

Тун-қунингга айлагали нурфош,

Бирисин ой англа, бирисин қуёш.

Демак, фарзанд ҳар иккаласини бирдай ҳурмат қилиши айтилади. Тўғри, фарзандлар ҳар иккаласини бирдай ҳурмат қилиши керак. Лекин, бизнингча оилада бир киши-эркак бош бўлиши керак деб ўйлаймиз.

Оилада эркак раҳбар бўлиши билан бирга унинг мажбуриятлари ошиб боради. Эркакларнинг елкаларида қуйидаги мажбуриятлар бўлиши лозим.

- Оила аъзоларини едириб, кийдиришлари;
- аёлларни ҳурмат қилишлари;
- саломатлигига қўрғон бўлишлари;
- ҳамма оила аъзоларнинг ишларини назорат қилишлари;
- қийналганига ёрдам беришлари;
- уйдаги муҳитни яхшилаш учун ҳаммани иноқ яшашга мажбур қилишлари;
- яхши ишларни тақдирлаб, тартиб бузганни жазолаб туришлари шарт!
- бунинг учун ўзлари энг тўғри гапни айтишлари ва ишонтиришлари;
- тўғри тутум тутишлари;
- холис, адолатли, барчага баробар бўлишлари;
- энг муҳими доимо меҳнатда бўлишлари керак. "Бу ҳар бир эркакни кунлик вазифаси бўлиши керак деб ўйлаймиз.

Сўнги йилларда Европа ва АҚШдаги илғор илмий тадқиқот марказларида оила институти, уни асраш ва авлодлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, анъанавийлик ва замонавийлик муаммоларига оид махсус излашлар олиб борилмоқда. Индуриал жамият ва оммавий маданиятнинг деструктив таъсирини кўпайтириш, ёш авлодда гуманизм, бағрикенглик ва мураса маданиятини тарбиялаш жаҳон олимлари томонидан инсоният



тараққиётининг шарти, омили сифатида эътироф этилмоқда. Оилавий муносабатларни инсонпарварлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини асраган ҳолда гуманистик тамойилларга мувофиқ йўлга қўйиш долзарб илмий муаммога айланган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида оила институтини ўзбек халқининг этноанъаналари, авлодлараро муносабатлар талабларига мувофиқ ташкил этиш, оиланинг ижтимоий-демографик, маънавий- тарбиявий ва функционал вазифаларига рационал тус бериш борасида катта чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Оила Кодексида оила ва никоҳ, гендер тенглик, авлодлараро муносабатлар миллий тараққиёт манфаатларига мувофиқ келадиган ҳуқуқий меъёрлар билан белгиланиши ўрнатилди. Мамлакатимиздаги ижтимоий-демографик вазият ва этноанъаналардан келиб чиқиб, 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб, никоҳ ёши 18 еш қилиб белгиланди. Асосий Қонунимизда оилавий муносабатларга алоҳида моддалар ажратилиб, унда ота-она фарзандларини боқиш, тарбиялаш ва камолга етказиш учун, вояга етган фарзандлар эса кексайган ота-оналарига қараш учун масъуллиги муҳрланди. Бундай ҳуқуқий меъёрий норма бошқа, айниқса, АҚШ ва Европа Конституцияларида ҳам учрамайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли, 2018 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПҚ-3808-сонли, 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5325-сонли Фармонлари, 2020 йил 18 февралдаги "Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5938 ва 2020 йил 18 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-4602-сонли Қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажариш оила масалалари бўйича Қашқадарё вилоятида ҳам бир қатор ижобий тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, вилоятимизда Оила маркази Қашқадарё вилоят бошқармаси, туман(шаҳар) бўлимларида вилоятдаги 759021 та оилалар, 224155 та ёш оилалар, 165318 та намунали оилалар бўйича маълумотлар базаси шакллантирилди. Вилоят бошқармаси оила институтини мустаҳкамлаш бўйича энг аввало, "Соғлом оила - соғлом жамият" концептуал ғоясини ҳаётга тадбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсати олиб борилди, тарғибот ва тушунтириш ишлари натижасида 2019 йилда 3053 та оила яраштирилди, унинг натижасида 5028 нафар болаларнинг ярим етим бўлиб қолишлари олди олинди. Натижада вилоятда никоҳдан ажралишлар 1566 та бўлиб ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 85 тага камайди.

Оиланинг репродуктив саломатлиги ва демографик ривожланишини



Ўрганиш, оилани ички муносабатлари, бой маданий тарихий мерос ва анъанавий оилавий қадриятлар муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш, умуминсоний ва миллий оилавий қадриятларни, эр-хотин ва бошқалар ўртасида муносабатларни таҳлил қилиш, "Оила жамият ва давлат ҳимоясида" конституциявий принципини кенг тарғиб қилиш ва ҳамкорлигини йўлга қўйиш натижасида вилоятдаги ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Оила институтини мустаҳкамлашга, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мавзусида 803 та давра суҳбатлар ўтказилди, уларда 53453 нафар фуқаролар, жамиятда замонавий оиланинг намунали шаклини ҳамда "Оила жамият ва давлат ҳимоясида" конституциявий принципини кенг тарғиб этиш бўйича 601 та давра суҳбатлар ўтказилган, уларда 48255 нафар фуқаролар "Соғлом оила - соғлом жамият" гоясини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш бўйича 546 та давра суҳбатлар уюштирилди, уларда 46153 нафар фуқаролар қатнашди.

Ўтказилган социологик тадқиқотлар шуни кўрсатяптики, қаерда миллий ва умуминсоний қадриятлар устун бўлиш билан бирга оилада эркак бош бўлса, ўша ерда жиноятчилик ва ажримлар сони камайишига эришилмоқда.

Масалан, Қарши шаҳрида 275.000 нафар аҳоли яшайди. Вилоятимиз маркази ҳисобланган бу шаҳарда жиноятчилик ва ажримлар сони (бошқа туманларга нисбатан) ошганлиги сақланиб қолмоқда. 2019 йил январь-февраль ойларида 47 та ажрим қайд этилган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилнинг 2 ойида 53 та, яъни 6 тага кўпайган. Ёлғиз оналар, оталикни белгилаш, ажрим ёқасига келиб қолган оилалар сони ҳам ошиб бормоқда.

Энди, миллий қадриятларга асосланган, Алпомиш юрти ҳисобланган Деҳқонобод туманини мисол қилиб олайлик. Ҳаммамизга маълумки, мазкур туман Республикамизни тоғли ҳудудида жойлашган, иқтисодий ночор (пахта экилмайди, лалми галла кам миқдорда, асосан чорвачилик билан шуғулланади) туман ҳисобланади. Аҳолиси 146.900 нафар киши, лекин жиноятчилик сезиларли даражада пасайган, ажримлар 2019 йил январь-февраль ойларида 9 та ажрим қайд этилган бўлса, бў кўрсаткич жорий йилнинг 2 ойида 7 та ажрим камайган.

Ҳўш бунга сабаб нима? Бунга асосий сабаб - Деҳқонободда эркакнинг роли ва мавжудлигида. Агар Деҳқонобод туманидаги ажримларга эътибор берсак ажримлар асосан Деҳқонобод шаҳарчаси ва туман маркази Қарашина шаҳарчаларига тўғри келади.

Агар ёшларни, айниқса, йигитларни соғлом ва мустаҳкам оила қуришлари учун ота-боболаримизнинг урф-одатларини, меросини ва анъанавий қадриятларни ўргатсак, бир эркаклар ўзимиз намуна бўлсак, уларнинг оилалари янада мустаҳкам бўлади.

Хулосада эркакларга қуйидаги тавсияларни беришни жоиз деб билемиз:

- ишга кетаётганингизда турмуш ўртоғингиз билан албатта, хайрлашинг;
- турмуш ўртоғингизни хавотирга қўймай, ўз вақтида ишдан қайтинг;
- имкон қадар, ташқарида еб-ичганингиздан уйга ҳам олиб келинг;
- турмуш ўртоғингизни камчиликларини умуман, бошқаларга айтманг;
- хотинингиздан онангизга ва опа-сингилларингизга шикоят қилманг;



- аёлингизни ота уйидаги камчиликларини айтиб ранжитманг;
- оила муаммоларини рафиқангиз билан ўзаро ҳал қилишга ўрганинг;
- турмуш ўртоғингизни пулсиз қолдирманг;
- ишдаги муаммоларни уйга олиб келиб, кайфиятини туширманг;
- вақти-вақти билан турмуш ўртоғингиз билан айланишга чиқинг;
- рашкчи бўлинг, аммо ёмон шубҳага борманг, камчилик қидирувчи бўлманг;
- инсофли, виждонли бўлинг, кучи етмайдиган ишларни ундан талаб қилманг;
- унинг кучи етмайдиган ишларни ўзингиз қилишга одатланинг;
- бирор бир қарорга келишдан аввал турмуш ўртоғингиз билан маслаҳатлашинг;
- баъзида турмуш ўртоғингизга қутилмаган совғалар бериб, кўнглини олинг;
- ҳалол меҳнат билан оилангизни боқишга одатланинг;
- ҳеч қачон аёлларингизга бефарқ бўлманг;
- умуман, турмуш ўртоғингизни олдида бошқа аёлларни мақтаманг!

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони.-ПФ 5938-сонли, 2020 йил 18 апрель «Халқ сўзи» 2020 йил 19 апрель
2. Қуръони карим маъноларининг таржимаси, "Ал-Исро"
3. Амир Темур ўғитлари Т., «Наврўз» 1992 йил б-58.
4. Ризоуддин ибн Фахруддин.Оила.-Тошкент, Меҳнат,1991.60 б.
5. Содиқова Т.Кайноталик илми.-Тошкент."DAVR PRESS" НМИУ, 2014.
6. Оилада эркакнинг бурчи ва масъулиятлари.Ўқув-услугий қўлланма.-Бухоро". STANDFRT POLIGRAF", 2019.16 б.

Аннотация

Мақолада жаҳонда оилаларда рўй бераётган тарихий-маданий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, ўзбек оилалардаги авлодлараро муносабатларни барқарорлаштиришда эркакнинг ўрни ва таъсири ҳақида сўз боради. Оилада эркакнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида зарур тавсиялар берилган.

Аннотация

В статье рассказывается об историко-культурных, политических, социально-экономических изменениях, происходящих в семьях в мире, о роли и влиянии мужчин в стабилизации отношений поколений в узбекских семьях. О правах и обязанностях мужчин в семье и были даны им рекомендации.

Abstract

The article talks about historical-cultural, political, socio-economic changes taking place in families in the world, the role and impact of men in the stabilization of generation relations in Uzbek families. About the rights and obligations of men in the family and recommendations were made to them.



ILK O‘RTA ASRLARDA SUG‘D VA TOXARISTONDAGI SIYOSIY VA ETNOMADANIY JARAYONLAR

**ШерзоД НОРМАТОВ,
Қарши ДУ, «Ўзбекистон тарихи» кафедраси, ўқитувчи**

Таянч сўз ва иборалар: *Суғд ва Тохаристон ўлкалари, Амударё ва Сирдарё оралиғи, ҳукмдорлик бошқарув, Чағаниён (Денов), Термиз, Қубодиён, Хуттал, Вахш, Кумед (Қоратегин), Самарқанд, Панч-Маймуғ, Иштихон, Кушония (Каттақўрғон), Нахшаб, Кеш, Эфталийлар, Турк хоқонлиғи, этномаданий жараёнлар.*

Илк ўрта асрларда Суғд ва Тохаристон ўлкалари Амударё ва Сирдарё оралиғи ҳамда унга туташ ҳудудлардаги ўнлаб воҳа ҳукмдорликлари орасида ўзига хос ўринга эга эди. Уларнинг ҳар иккаласи бир неча катта-кичик ҳукмдорлик - бошқарув мулкликларини ўз ичига олиб, бундай сиёсий тузилмаларнинг сони Суғдда 10 га яқин, Тохаристонда эса 27 та эди. Сиёсий томондан конфедерацияларга ўхшаш тузилмага эга Суғд ва Тохаристон ўзаро қўшни бўлиб, улар орасида яқин сиёсий, этномаданий ва ижтимоий-иқтисодий алоқалар мавжуд бўлгани турли тиллардаги ёзма манбалар орқали маълум. Суғд ва Тохаристон V асрнинг бошлари - VI ўрталарида Эфталийлар (420-565) давлатининг, VI асрнинг иккинчи ярми - VIII аср илк ярмида эса Турк хоқонлиғи (552-744) қўл остида бўлиб, ўз ички бошқарувини сақлаб қолади.

Ўзаро ёнма-ён жойлашган ўлкалар бўлишига қарамай, улардан бирортасининг бу даврда ўз қўшнисига нисбатан ҳудудий даъво қилгани, сиёсий устунлик ўрнатишга урингани ёки уруш олиб борганига доир ёзма маълумотлар деярли учрамайди. Эфталийлар даврида Тохаристон ўлкаси ушбу салтанатнинг таянч ҳудуди бўлиб[1], Суғднинг бу давлатдаги ўрни қандай бўлгани, бошқарувда қандай сулолалар тургани, уларнинг этник келиб чиқиши, бу томондан Эфталийларга боғлиқлиги бор ё йўқлиги тўғрисида ёзма манбаларда етарлича маълумотлар учрамаслиги сабабли бу борада аниқ бир тўхтамга келиш қийин. Кўринишидан ўз маҳаллий сулолалари томонидан бошқарилган Суғд Эфталийларга ўлпон тўлаб турар эди. Шу билан бирга, VI аср ўрталарида Нахшаб Эфталийларнинг бошқарув марказларидан бирига айланган даврларда[2] Суғднинг сиёсий ўрни анча ошган эди. Кейинги йилларда қўлга киритилган нумизматик топилмалар VI асрда Самарқандда Эфталийлар таъсири ортганини кўрсатмоқда. Айниқса, баъзи кўринишидаги тамғаларнинг ҳам Тохаристон, ҳам Самарқанд тангаларида учраши[3], VI-VIII асрларда эса бу тамғанинг Самарқанд-



даги Ихшидлар сулоласининг бош тамғасига айланиши кузатилади. Кўпчилик изланувчилар ушбу тамғанинг Самарқандда учрай бошлашини Эфталлийлар билан боғлаб тушунтирадилар[4].

Турк хоқонлиги даврида Суғд ва Тохаристон бошқарувида бир томондан ўхшашлик, иккинчи томондан эса ўзига хослик кўзга ташланади. Биринчидан, хоқонлик Суғднинг айрим ерли сулоалари билан тигиз алоқа ўрнатиб, улар орқали бошқарувни йўлга қўйган бўлса, иккинчи томондан эса айрим ҳукмдорликларнинг бошқаруви тўғридан-тўғри туркий сулоалар орқали амалга оширила бошланади. Тохаристонда эса марказий бошқарув хоқонлик вакиллари қўлига ўтиб, қолган ҳукмдорликлар эса ё маҳаллий сулоалар томонидан, ё бўлмаса, хоқонликка бориб тақалувчи туркий сулоалар томонидан бошқарилиши йўлга қўйилади.

630-йилларнинг бошида Ту-хо-ло (Тохаристон)га келган хитой роҳиби Сюань Цзан Ши (Кеш) орқали тоғ йўли Темир-Қопуғ (Дарбанд)дан ўтгач, биринчи бўлиб Чиеганна (Чағониён)га, кейин эса Тами (Термиз)га, сўнгра эса Тохаристоннинг маркази -Хо (Қундуз)га етиб боради[5]. Унинг саёҳатномаси ва ундан олдинги хитой йилномаларида VI-VIII асрлар Суғд ва Тохаристондаги сиёсий аҳвол тилга олинар экан деярли бир хил тафсилотлар берилади. Турк хоқонларига куёв бўлиб, ўз теварагидаги ҳукмдорликлар устидан сиёсий мавқеи янада ошган Самарқанд бошқарувчилари Суғдда, бошқарув маркази Балх ёки Қундуз бўлган, келиб чиқиши турк хоқонларига тақалувчи Ашина хонадони эса Тохаристонда етакчиликни қўлга олишади. Сюан Цзан бу ўлканинг 27 та катта-кичик ҳукмдорликлардан ташкил топгани, улардан ҳар бирининг алоҳида ўз бошқарувчиси борлиги, улар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий ва этномаданий алоқалар мавжудлиги, шу билан бирга, уларнинг барчаси Тохаристон ябғусига бўйсунушига урғу беради. Роҳибнинг ёзишича, бу пайтда Тохаристон ябғуси Тарду-шад бўлиб, у Ғарбий Турк ҳукмдори Ябғу-хоқон (яъни Тун ябғу-хоқон)нинг ўғли эди. У ўзини "Тохар ябғуси" деб атаб олгани тўғрисидаги маълумот Сюан Цзан саёҳатномасининг қадимги турк (уйғур)ча ўтирма-сида эслаб ўтилади[6].

Манбаларда этник муносабатлар ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд бўлиб, Хитойнинг "Тан-шу" йилномасида 590-620 йилларда Самарқанд бошқарувчиларидан иккитасининг Ғарбий турк хоқонларига куёв бўлиб "туркларга бўйсунгани" ва теварак (Суғд)даги қолган ҳукмдорликлар устидан устунликка эга бўлганига урғу берилса[7], "Бэй-ши" ва "Суй-шу" йилномаларида Кан (Самарқанд) бошқарувчиларидан Шифубининг хотини турк хоқони Даду (Тарду; 576-603.) хоқоннинг қизи экани айтиб ўтилади. Шунингдек, "Тан-шу"да яна бир Самарқанд ҳукмдори Кюймучжининг Суй сулоласи (581-618) даврида Ғарбий турк хоқони Шеху кехан (Ябғу-хоқон)нинг қизига уйлангани тилга олинади[8].

Суғд ва Тохаристон орасидаги сиёсий муносабатлар кўпроқ элчилик алоқаларида ўз ифодасини топган бўлиб, 650-йилларга тегишли Афросиёб (Самарқанд) сарой деворий битикларида Чағониён ҳукмдори Туронтош-



дан Самарқанд ҳукмдори Авархуманга юборилган элчилар тўғрисида сўз боради[9]. Чағониён ўша чоғларда Тохаристоннинг энг шимолидаги алоҳида мулк бўлиб ўлканинг сиёсий ҳаётида ўз ўрнига эга эди. Бу ернинг маҳаллий сулоласи туркийлардан бўлиб, 650-йиллардаги бошқарувчиси Туронтошнинг исми туркий негизда экани, VII-VIII асрларда зарб этилган Чағониён тангаларида сугдий ёзув ва туркий тамгалар ўрин олгани бу қарашни кучайтиради. Айниқса, ўнг томонида ҳукмдор ва малика, тескари томонида илмоқли ромб бичимидаги тамга учрайдиган Чағониён тангаларидаги инсон тасвирларининг қадимги туркийларни эслатадиган бироз қисик кўзли, думалоқ юзли кўринишида экани диққатни тортади. Шунга ўхшаш юз тузилиши ўша чоғларда Чоч, Суғд (Панч), Бухоро ва Ўтрорнинг туркий тангаларида ҳам кўзга ташланади[10].

Этномаданий муносабатлар масалаларига тўхталадиган бўлсак, ёзма манбалар ва археологик топилмалардан аниқланишича, илк ўрта асрларда Суғд ва Тохаристонда этномаданий жарёнлар анча мураккаб кечади. Бунда Эфталийлар ва Турк хоқонлиги каби бошқарувда асоси кўчманчилик устуворлик қилувчи элатларнинг йирик-йирик гуруҳлари билан ҳар иккала ўлканинг шаҳар ва қишлоқларига, яйлов ҳамда тоғ ёнбағирларига кўчиб келишлари ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Тубжой аҳолисининг кўпчилигини сугдийлар ташкил этадиган Суғдда илк ўрта асрларда туркийларнинг салмоғи анчагина ошган бўлса, маҳаллий аҳолиси кўпроқ бақтрий тилли бўлган Тохаристонда, айниқса, унинг дашт-чўл ва тоғлик ҳудудларида Эфталийлар ва қадимги турк уруғлари - ашина, халаж, қарлуқ, ўғузлар ҳам анчагина салмоққа эга эди. Эфталийлар манбаларга кўра, прототуркча ёки туркий тилларнинг оғур (ўғур) тармоғида сўзлашар эдилар[11].

Бундан ташқари, ушбу ўлкада Кушон салтанатининг негизи ҳисобланиб, минтақада уч-тўрт аср етакчилик қилган юэчжи (тохар)лар Тохаристоннинг маҳаллий аҳолиси орасига сингиб кетган эди. Илк юрти Олтой тоғлари - Тангритоғ (Тяншан)нинг кунчиқар этаклари бўлган тохарлар орасида прототурк элатлари ҳам ўрин олиб, айрим тадқиқотчиларнинг фикрига кўра улар Кушон салтанатида бошқарувчи уруғлардан бири, айримларга кўра эса қўшимча этник гуруҳ сифатида Бақтрияга кириб келган эди[12].

Кўплаб маълумотлар Эфталийлар ва Турк хоқонлиги даврида кўплаб элатларнинг ўзаро аралашуви, бирининг иккинчиси орасида сингиб кетиши каби этник жараёнлар юз берганини кўрсатади. Айниқса, Тохаристоннинг кунчиқар томонларидаги Помир / Бадахшон ва Ҳиндикуш тоғлари этакларида бундай жараёнлар анча тигиз кечади. Гардизийнинг "Зайн ал-ахбор" асарида (XI аср) Тохаристон ҳайталлари ва халлук (қарлуқ)лар орасида яқин алоқалар бўлгани тўғрисида қуйидагича ёзган бўлиб, бу бежиз эмас эди:

Қисқаси, Тохаристонда, аниқроғи унинг ажрламас бир бўлаги бўлмиш Шимолий Тохаристон- Чағониён ва унинг яқинидаги ўлкаларда, Термиз ва бошқаларида VII - VIII асрларда зарб қилинган сугдий ёзувли тангаларда



қадимги турк ва суғдий унвонлар ўрин олиши Турк хоқонлиги фаолияти билан тўғридан-тўғри боғлиқдир. Шунингдек, Шимолий Тохаристоннинг тарихий Суғд ўлкасига яқин қўшни бўлиши, айниқса, ушбу ўлка таркибидаги Кеш ва Нахшаб каби Жанубий Суғд билан ёнма-ён жойлашгани бу ерда суғдий тилнинг ёйилишида ўзига хос кўприк бўлган. Бизнингча, суғдий тилнинг хоқонлик даврида Марказий Осиё ҳудуди бўйлаб ёйилиши, бу тилнинг сиёсий жиҳатдан расмий тил экани, шунингдек, Турк хоқонлиги савдо-иқтисодий ҳаётида Суғд маъмуриятининг муҳим ўрин тутгани[13] бунга туртки бўлган. Суғдий ёзув ва тил асосан турк-рун ёзуви ҳукмрон бўлган Мўғулистон, Еттисув, Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари, Фарғона ва Шимолий Тохаристон ҳудудларида кенг ёйилиши Турк хоқонлиги даврига тўғри келиши ҳам бу қарашни кучайтиради. Айниқса, Кушон давридаёқ юнон алифбоси негизидаги бақтрийча тил ва ёзув маъмурий тил сифатида ишлатилган, Шимолий Тохаристон ҳудудида суғдий тил ва ёзувнинг тарқалиши ушбу ҳудудларнинг хоқонлик ҳудудига қўшиб олиниши [14] билан боғлиқдир.

Хуллас, илк ўрта асрларда Суғд ва Тохаристон ўлкалари орасидаги ўзаро алоқаларни сиёсий ва этномаданий жараёнлар кесимида қисқача қараб чиқиш шуни кўрсатадики, бу даврда уларнинг ҳар бири алоҳида сиёсий уюшмалар бўлиб, бундай жараёнлар кўпроқ Эфталлийлар давлати ва Турк хоқонлиги доирасида содир бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Sughd and Tokharistan region, Amudarya and Syrdarya region, management, Chagarian (Denau), Termez, Lips one, Khuttal in the Vakhsh, Komed (Karategin), Samarkand, Pang Meiburg, Ishtihan, Dishes (kattaqo'rg'on), Nakhshab, Cache, Turkish khanate, ethnic and cultural processes.
2. Sughd and Tokharistan region, Amudarya and Syrdarya region, management, Chagarian (Denau), Termez, Lips one, Khuttal in the Vakhsh, Komed (Karategin), Samarkand, Pang Meiburg, Ishtihan, Dishes (kattaqo'rg'on), Nakhshab, Cache, Turkish khanate, ethnic and cultural processes.
3. Альбаум Л. И. Живопись Афрасиаба. - Т., Фан, 1975. С. 55
4. Баратова Л. С. Византийско-согдийско-тюркский симбиоз на монетах Средней Азии // Second International Congress on Turkic Civilization, Bishkek, October 4-6, 2004. Bishkek, 2005. С. 415-422; Бабаяров Г., Кубатин А. К вопросу о некоторых доисламских монетах Отрара // Проблемы изучения нематериального культурного наследия народов Казахстана и Центральной Азии: топонимика, эпиграфика, искусство.-Сб. мат-лов межд. науч. конф. -Алматы: Из-во EVO PRESS, 2014. С. 183-194. Бабаяров Г. Монеты Отрара с изображением парного портрета // "Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқоти методлари ва методологиясининг долзарб масалалари" мавзуидаги Республика VI илмий-назарий конференциясининг материаллари. Т., 2014. С. 70-75.
5. Vaissi?re E. de la. Is There a "Nationality of the Hephtalites"? // Bulletin of the Asia Institute. New Series.Vol. 17.London, 2003. P. 119-132.



6. Тугушева Л. Ю. Уйгурская версия биографии Сюань-Цзана. М.: Наука, 1991. С. 68, 202.
7. Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. С. 311;
8. Бу борада тўлиқроқ маълумот учун қаранг: Бабаяров Г., Кубатин А. Некоторые аспекты взаимоотношений между кушанами и древними тюрками в свете нумизматических данных // "Этнос ва маданият: анъанавийлик ва замонавийлик" "Академик Карим Шониёзов ўқишлари" туркумида этнологларнинг V Республика илмий конференцияси материаллари. -Т., 2010. Б. 64-74.
9. Гумилев Л.Н. Древние тюрки. М., 1967. С. 45-46.
10. Гафуров Б. Г. Таджики, древнейшая, древняя и средневековая история. М.: Наука, 1972. С. 127, 129; Гоибов Г. Ранние походы арабов в Среднюю Азию. Душанбе: Дониш, 1989. С. 25, 30-31.

Резюме


Илкўртаасрларда Суғд ва Тохаристон ўлкалари ҳисобланган Амударё ва Сирдарё оралигида юз берган сиёсий ва этномаданий жараёнлар ва ижтимоий-иқтисодий алоқалари манбалар асосида таҳлил қилинган.

Резюме

В раннем средневековье на основе источников анализировались политические и этнокультурные процессы социально-экономические отношения, имевшие место в Согдийской и Тохаристанской областях между Амударьей и Сырдарьей.

Resume

In the early Middle Ages, political and ethnocultural processes, socio-economic relations that took place in the Sogd and Tokharistan regions between the Amu Darya and Syr Darya were analyzed on the basis of sources.





O‘ZBEKISTONDA BOLALAR SOG‘LIGINI SAQLASH VA IONUNIIY MANFAATLARINING KAFOLATLARI

Нигора ТОШТЕМИРОВА,
ҚарДУ мустақил-тадқиқотчиси

Таянч сўз ва иборалар: Ўзбекистон, қонун, соғлом авлод, оналик ва болалик, ҳуқуқ, чақалоқ, эмлаш, юқумли касалликлар, дифтерия, қоқшол, полиомиелит, перинатал, скрининг марказ, педиатр.

Республикамызда болалар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг мустаҳкам асоси яратилган. Жумладан, бу соҳага оид бир қанча халқаро конвенция ратификация қилинган, ўндан ортиқ қонун қабул қилинган. Мамлакатимизда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси талаблари, Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунида назарда тутилган мақсад ва вазифалар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ота-оналар ҳамда фарзандларнинг ҳуқуқ ва бурчлари Бош Қомусимизда ҳам алоҳида белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади¹, дейилган. Бу соҳадаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка жорий қилиш ва қонунчиликни такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилаяпти. Олиб борилган ислохотлар жараёнида тегишли ҳуқуқий базани такомиллаштириш мақсадида "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида", "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг олдини олиш тўғрисида", "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида", "Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида"ги қонунлар² ҳам қабул қилиниб, амалда ўз ифодасини топмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг "2014 - 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги bosқичга кўтарди.

1993 йил мустақил Ватанимизнинг илк ордени "Соғлом авлод учун" номи билан таъсис этилди³. Табиийки, бунинг замирида мустақил мамлакатимизнинг буюк келажагини яратиш, миллат генофондини асраш, соғлом ва

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 2019 Б13

² Айтжанова Н. Тизимдаги қонунчилик такомиллашмоқда. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш. 2013 йил 1 февраль № 5 (922). Б4

³ Санаев Ф. Эл саломатлиги фарзандлар камоли. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш. 2013 йил 1 февраль № 5 (922). Б2



баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсад мужассамлиги фикри-мизнинг ёрқин далилидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 140-сонли қарорига биноан 1998 йилда болалик давридан ногиронликка олиб келувчи туғма ва бошқа касалликларни ҳомиладорликнинг илк ойларидаёқ аниқлаш ва касалликка қарши тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, касаликни олдини олиш ва ҳомилани эрта аниқлаш мақсадида "Она ва бола скрининги" Давлат дастури қабул қилинди. Давлат дастурига мувофиқ болаларни ҳар томонлама соғлом туғилишини таъминлаш, туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш мақсадида республикада скрининг марказлар ташкил этилди.

Ўтган йиллар мобайнида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида юртимизда сифат жиҳатдан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган даволаш муассасаларининг мукамал тизими вужудга келди.

Бир ёшгача бўлган болалар ўлими (1000 та тирик туғилган болага нисбатан) 1991 йилда 35,5 промилле бўлган бўлса, бу кўрсаткич 1997 йилда 22,7 промиллега камайган⁴. Ўлим ҳолатлари таҳлил қилинганда, патолого-анатомик текширувлар фоизи Қорақалпоғистон Республикасида 29,4%, Навоий вилоятида 35,0% ни ташкил қилади. Бу кўрсаткич жуда паст бўлиб, ўлим сабаби ва даволаш ишларига тўғри баҳо беришга тўсқинлик қилади. Ўлим сабабларини ўрганиб чиқиш ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида патолого-анатомик текширувларини фоизини ошириш лозим⁵.

Бугунги кунда туғруққа ёрдам берувчи ва болаларга тиббий хизмат кўрсатувчи барча туман ва шаҳар муассасалари Осиё ривожланиш банки иштирокида "Оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш" лойиҳаси доирасида болалар учун замонавий наркозли нафас олиш аппаратура ультратовушли сканерлар, ҳаётни таъминловчи мониторлар, чақалоқ ўпкасини ноинвазив винтеляция қилиш аппаратлари, кювезлар, зарур воситалар ва ҳаражат материаллари билан жиҳозланган. Лекин, самарали ишлаш учун мутахассисларни малакасини ошириш талаб этилади⁶.

2014 йилда 6 миллион 500 минг нафар мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, мактаб, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Бу эса касалликларни барвақт аниқлаш ҳамда уларни самарали даволаш имконини бермоқда. Республикамизда сўнгги ўн йилда ривожланишида туғма нуқсонлари бўлган болалар сони 1,3 баробар камайди⁷. 6-15 ёшли ўғил-қизлар орасида ўткир юқумли касалликлар билан оғриш 34,4 фоиз, пневмонияга чалиниш 49,7 фоиз, бронхит билан хасталаниш 32,8 ва сколиоз билан касалланиш 32,7 фоиз камайди.

Мамлакатимизда болалар иммунитетини мустаҳкамлаш мақсадида эрта эмлаш тадбири ўз вақтида ўтказилаётир. Бунинг натижасида мамлакатимизда сўнгги йилларда сил, гепатит ва шу каби эпидемиологик хасталик-

⁴ ЎзР МДА, М-15-фонд, 1-рўйхат, 1382-иш, 100-варақ

⁵ ЎзР МДА, М-15-фонд, 1-рўйхат, 1382-иш, 40-варақ

⁶ ЎзР МДА, М-15-фонд, 1-рўйхат, 1382-иш, 40-варақ

⁷ Ашурова З. Аҳоли саломатлиги муҳофазаси// "Халқ сўзи" 16 октябрь 2014 йил.



лар билан оғриш ҳолатлари сезиларли даражада камайди.

2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, соғлом бола туғилиши, баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури ҳаётга изчил татбиқ этилди⁸.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Айни чоғда уларни хавфли, юқумли касалликларга қарши режали эмлаш изчиллик билан олиб борилаётгани натижасида дифтерия, қоқшол, полиомиелит каби қатор юқумли касалликларга бутунлай барҳам берилаётир. Айниқса, чекка ҳудудларда она ва бола перинатал ҳамда скрининг марказлари тармоғи яратилгани, қишлоқ жойлардаги барча ҳомиладор аёлларнинг давлат бюджети маблағлари ҳисобидан зарур поливитамиинлар билан таъминланаётгани кутилган самарани бермоқда⁹.

Бу борада Президентимиз ташаббуси билан 2009 йилда ташкил қилинган Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор. Чунончи мазкур масканда фтизиатрия хизматини такомиллаштириш, сил ва сурункали носпецифик ўпка касалликларига қарши курашиш, бундай хасталикларни замонавий муолажалар асосида самарали даволаш учун барча имконият мавжуд. Унинг малакали мутахассислари соҳадаги илғор усуллар ва жарроҳлик амалиётлари бўйича Буюк Британия, Германия, Нидерландия сингари кўплаб давлатларнинг нуфузли клиникаларидаги ҳамкасблари билан мунтазам тажриба алмашиб келаяпти. Ушбу марказ 2011 йилда тубдан қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилган¹⁰.

2009 йил 21 майдаги "Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази фаолиятини ташкиллаштириш масалалари тўғрисида"ги 145-сонли Қарорига мувофиқ Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази (РИПИАТМ) ташкил этилган. Марказда асосан бола туғилган пайтдан бошлаб болаликнинг кейинги босқичига ўтгунга қадар мунтазам кузатув ишларини олиб бориш, юқори моддий-техник ва илмий база шакллантириш, шунингдек, болаларга халқаро стандартларга мос малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатувчи педиатрия мактабини яратиш ишлари амалга оширилади¹¹.

2010 йилда қабул қилинган яна бир муҳим ҳужжат - "Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида"ги Қонун аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида муҳим қарорлардан бири эди. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги "Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшим-

⁸ Санаев Ф, Махсумов С. "Халқ сўзи" 2015 йил 5 май.

⁹ Ашурова З. Аҳоли саломатлиги муҳофазаси//2014 йил. "Халқсўзи" 16 октябр

¹⁰ Санаев Ф, Махсумов С. Кўрсатилган мақола.

¹¹ www.akusherstvo.uz



TADQIQOT

ча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори¹² эса оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлди.

2007 йил 19 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича Давлат дастурини амалга оширишга доир асосий чора тадбирлар тўғрисида" ги Фармони ва 2007 йил 2 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика тиббиёт муассасалар фаолиятининг ташкиллаштирилишини такомиллаштириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида" ги Қарорига мувофиқ Республика ихтисослашган эндокринология илмий амалий тиббиётмаркази ташкил этилди¹³.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дунёда 840 миллиондан ортиқ киши, яъни деярли ҳар саккизта одамнинг бири тўйиб овқатланмаяпти, сайёрамиз аҳолисининг 30 фоизидан зиёди тўлақонли равишда овқатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошдан кечирмоқда. Бу эса 160 миллион нафардан ортиқ болаларнинг бўй ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Юртимизда рўёбга чиқарилаётган Озиқ-овқат дастури аҳолининг тўлақонли ва мутаносиб рацион асосида овқатланишини таъминлаб, фуқаролар, аввало, болалар саломатлигини тубдан яхшилашга хизмат қилаяпти. Охирги ўн йилда вазни тиббиётда кўзда тутилган меъёрдан кам бўлган болалар сони икки баробардан зиёд қисқаргани, уларнинг бўйи ўртача 3 сантиметр ўсгани, хотин-қизларда камқонлик даражаси 2,5 марта пасайгани бунинг ёрқин тасдиғидир¹⁴.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳаси ривожини учун 2012 йилда республика-миз давлат бюджети ҳисобидан 2,8 триллион сўм маблағ ажратилган бўлса, 2013 йили бу кўрсаткич 3,4 триллион сўмга етди. 2014 йилда эса соғлиқни сақлаш тизимини янада яхшилаш учун давлат бюджетидан 4,4 триллион сўм ажратилди.

Давлат бюджети жами харажатларининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳанинг барқарор фаолиятини таъминлашга йўналтирилаётгани¹⁵ бунда катта ўрин тутди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, тиббиётимизнинг ривожланиш жараёнидаги энг муҳим вазифалардан бири, шубҳасиз, аҳоли саломатлигини асрашга оид ҳуқуқий асосларни яратиш ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом болалар туғилишига бўлган зарур шарт-шароитлар яратиш, оилаларда тиббий маданиятни шакллантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни самарали равишда тарғиб этишдан иборатдир. Ўзбекистонда амалга оширилаётган тиббиёт соҳасини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган кенг самарали чора тадбирлар аҳолининг ижтимоий ҳаётини янада яхшиланишида асос бўлиб хизмат қилмоқда.

¹² Ортиқов Ш., Санаев Ф. Баркамол авлодни вояга етказиш энг улуғ мақсад. // Халқ сўзи. 2014 йил 13 ноябрь

¹³ www.endocrin.uz

¹⁴ Санаев Ф, Махсумов С. Кўрсатилган мақола

¹⁵ Ашурова З. Кўрсатилган мақола.



O'ZBEKLAR AN'ANAVIY LIBOSLARI UCHUN MATO TANLASH USULLARI

(QASHQADARYO VOHASI AHOLISI MISOLIDA)

Фотима ТЎХТАМИШЕВА,

Қар ДУ "Жаҳон тарихи" кафедраси ўқитувчиси

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгандан кейин халқимиз маданий меросини тиклаш ва ривожлантириш, миллий анъаналарни ҳар томонлама холисона ўрганиш учун кенг имкониятлар туғилди.

Мозий саҳифаларидан маълумки, ўзбек халқи кўп асрлик тарихи давомида анъанавий ҳунармандчилик соҳасида ҳам бебаҳо маданият дурдоналарини яратган. Улар ҳозирги кунда ҳам халқимиз ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олиб, халқимиз дунёқараши ва миллий тафаккурининг нечоғли теран эканлигини ўзида намоён этади.

Кийимларнинг бичими асосан минтақалар бўйича шаклланган. Бичими бир хилда бўлса-да, мато танлаш ва рангларни белгилашда регионлар бир-бирларидан фарқ қилганлар. Ўзбек халқининг кийим-кечаклари жуда хилма-хил, ранг-баранг ва жозибалидир. Бу даврларда ҳам либосга қараб инсоннинг қайси ижтимоий тоифага мансублигини билиш мумкин бўлган.

Шунинг учун мазкур асарда халқимизнинг ҳар бир ижтимоий қатлами алоҳида берилди: бойларнинг кийими - бой савдогар, шаҳарлик саноат корхона эгалари, маҳаллий аслзода вакиллари кийимлари.

Ҳунарманд шаҳарликлар кийими - шойи тўқувчи, этикдўз, заргарлар кийими.

Қишлоқ меҳнаткашлари кийимлари - деҳқонлар, темирчилар, кулоллар, тўқув- Маҳаллий зиёлилар кийими - жаҳидлар, муллалар, дин аҳллари: имом, сўфи, дарвеш, қозикалонлар либоси кабилар.

Маълумки, ўзбек халқи ўзининг миллий маросимларида алоҳида кийи-нади. Никоҳ тўйида келин-куёвлар, хатна тўйида тўй боланинг либослари, дафн маросимида марҳумни ёдлаш расм-русумида кийиладиган либослар. Яна либослар байрам тантаналари, кундалик, коржомо каби турларга бўлинади. Жинсига қараб: эркаклар, аёллар ва болалар кийимлари, ёшига қараб: ёшлар, ўрта ёшли, кексалар кийимлари.

Ўзбек аёлларининг либослари ички (ичдан киядиган) ва устки кийимдан иборат бўлиб, бош кийим, пойафзал, безак-зийнатлардан иборат.

Эркакларнинг миллий либослари ҳам ички (ичдан кийиладиган) ва устки - елкага ташланадиган ҳамда белга боғланадиган турлардан иборатдир.

Бош кийимлар дўппилар, саллалар, турли-туман телпаклар, чўгирмаларни ўз ичига олган.

Пойафзаллар чармдан тикилган хилма-хил этиклар, маҳсилар, чориқлар, чарм ва ёғочдан ясалган кавушлардан, зардўзи этиклардан иборат



бўлган.

Диний ва эътиқод аҳамиятига эга бўлган баъзи бир кийимларгина авлоддан-авлодга табаррук буюмлар сифатида ўтиб келган. Баъзи бир муқаддас жойлар, қабр ва мақбараларда азиз-авлиёларнинг бош кийимларидан одамларни инс-жинслардан сақлашда ва ҳар хил хасталиклардан даволашда фойдаланилган. Қадимги давр кийим-кечакларининг бичимлари ва қайси матодан қандай вақтда тикилганини тасаввур қилишда археолог олимларнинг маълумотларидан қадимги ер остида қолиб кетган қасрлар ва ёдгорликлардан - Афросиёб, Варахша Панжикент Болаликтепа, Холчаён, Айритом кабилардан топилган деворга солинган расмлар, кичкина ҳайкалчалар, мато парчалари, ўймакорлик намуналарида акс эттирилган тасвирлардан билимиз мумкин.

Ўзбекистон ҳудудидан ўтган Буюк ипак йўли ушбу воҳанинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий ривожини учун катта ҳисса қўшган. Ушбу савдо йўли сўнгги ўрта асрларда ҳам Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб халқларини бир-бири билан боғлаган. Бунинг натижасида нафақат савдо-иқтисодий алоқалар, балки халқаро маданий алоқалар ҳам тараққий этган. Шаҳрисабз ва Қарши каби йирик шаҳарлар қадимий маданият ўчоқларидан саналади.

Қашқадарё воҳасида мавжуд бўлган ҳунармандчилик марказлари (Қарши, Шаҳрисабз, Китоб ва бошқалар) воҳанинг ўзига хос иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаёти, миллий анъаналари, тараққиёт даражаси ҳақида кенгроқ маълумотга эга бўлиш имконини беради.

Ўзбек анъанавий ҳунармандчилигининг мато тўқиш, каштачилик, зардўзлик, гиламдўзлик, бўёқчилик, мисгарлик, дегрезлик, темирчилик, заргарлик, кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги ва бошқа шу каби турларида яратилган бетакрор, бебаҳо санъат асарларида моҳир усталарнинг ўзига хос нозик диди ва маҳорати ўз аксини топган. Айниқса, воҳада яхши ривожланган, бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган халқ ҳунармандчилиги тарихини ўрганиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Тўқимачилик зарурий хомашёлардан бири пахта бўлиб, XIX -XX аср бошларида Қашқадарё воҳаси, хусусан, Қаршида пахтанинг икки нави, яъни ғўзаи сафид ва ғўзаи макка навлари ўстирилган¹. Пахта ҳосили йиғиб олинган, ҳар бир хонадон ўзига кераклисини чигитдан ажратиб олиб, мато тўқишга тайёрлаб қўйган. Уй шароитида пахтадан ип йиғириш ва мато тайёрлаш учун олдин чигириқ ёрдамида пахтанинг чигити ажратилган. Чигириқ ёки ҳалажи маҳаллий дурадгорлар томонидан ясалган ва улар бозорларда сотилган. Бир ҳафта давомида икки пудга яқин пахтани чигитдан ажратилган.

Кўпгина хонадонларда эса қиш фаслида бутун оила аъзолари қўлда пахтани чигитдан ажратишган. Тозаланган пахта ип йиғириш учун жамғарилган. Ип жуда қадимдан чарҳда йиғирилиб, ип калава қилинган. Айрим

¹ Ханыков Н. Описание Бухарского ханства СПб., 1843. С.112



жойларда аҳоли пахтани тозалаб сотилган бўлса, бошқа жойларда пахта ип турзда йигирилиб, бозорларга чиқарилган.

XIX аср охирларигача матоларнинг эни жуда тор, аксарият ҳолларда 35 -40 см бўлган². XX аср бошларидан эса кенг энли матолар тўқиш одат тусига кирган. Матоларни улчаш учун қарч, газ каби ўлчовлар қўлланилган.

Карбос Ўрта Осиёда кенг тарқалган пахтали матолардан бири карбос, яъни бўз бўлиб, уни ишлаб чиқариш ҳозиргача давом этиб келмоқда. Пишиқ қилиб тўқилган бу мато қалинлиги ва рангига қараб бир неча турли бўлган. Бўз, асосан, сарғиш ёки кўкиш рангли мато бўлиб, унинг саккиз ранглисини (оқ, қора, яшил, сиёҳранг, сариқ, кулранг ва кўк ранг) учратиш мумкин бўлган.

Улар ичида энг сифатлиси карбос дунумбанди деб номланган. Қишда иссиқ, ёзда эса салқин сақловчи бу мато шаҳар ҳамда қишлоқ аҳли томонидан нафақат ўз эҳтиёжлари учун, балки сотиш учун ҳам ишлаб чиқарилган. Бўз XVIII асрда Ўрта Осиёдан Россияга экспорт қилинган газмоллар ичида кўп марта тилга олинади. Муаррих Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳоннинг ёзишича, кўчманчи аҳолининг ҳам бўзга талаби катта бўлган³.

Олача ҳам қадимдан Ўрта Осиё, хусусан, Қашқадарё воҳасида кўплаб ишлаб чиқарилган йўл-йўл матоларидан бири ҳисобланган. Олачанинг энг яхши тури зибак деб аталган⁴. Қарши ҳунармандлари олача ишлаб чиқаришда тенгги йўқ уста саналган. Қаршилиқ Охун олачанинг довруги Ўрта Осиёга таралади. Олача Шаҳрисабз ва Китобда ҳам ишлаб чиқилган. Бу ерда ишлаб чиқарилган олача рангининг очлиги билан ажралиб турган. Воҳа шаҳарларида шу матони ишлаб чиқаришга ихтисослашган гузарлар ҳам мавжуд бўлган. Жумладан, Қарши шаҳрининг Юқори Зорза маҳалласида олача матоси тўқилган, бундан ташқари, Касби қишлоғида олача билан бирга бўз ва чит матоси ҳам тўқилган. Косон туманида Олачабоф қишлоғи ҳам мавжуд. Олача юқори сифатли рангдаги ипак ва пахта толларида тўқилган йўл-йўл чизиқли ола-бўла мато бўлиб, унинг номланиши ҳам шундан келиб чиққан. Худди шундай олача Россия бозорларида ҳам ола-була, яъни пестрядь номи билан машҳур бўлган. XVII асрдан XX аср бошларигача Россияга экспорт қилинган моллар ичида пестрядь номи кўп бор келтирилган⁵.

Адрас. Бухоро, Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз, Марғилон, Хужанд ва бошқа жойларда ишлаб чиқарилган ҳамда бу мато нафақат ички бозорда, балки Буюк ипак йўли бўйлаб Шарқ мамлакатлари бозорларида ҳам сотилган. Адрас таңда ипи табиий ипакдан, арқоғи пахта ипдан тўқилган ярим ипакли мато турига кирган. Ундан турли хил ёзлик ва қишлик кийимлар тикилган.

² Исмоилов Ҳ. Анъанавий ўзбек кийимлари (XIX- XX аср бошлари) Т., 1979. Б.10

³ Ҳамидова М. Қашқадарё воҳаси ҳунармандчилиги тарихи (XIX- XX аср бошлари) Т., 2009. Б.44

⁴ Аъзамова Г. А Сўнгги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида ҳунармандчилик ва савдо. Т., 2000. Б.19

⁵ Давлатова С. Ўзбек анъанавий ҳунармандчилиги тарихий жараёнлар контекстида. Т., 2018. Б.85



Шойи. Бухоро амирлигига қарашли қатор шаҳарларда тўқилган соф ипакли мато бўлиб, унинг канаус номли тури кенг тарқалган. Ундан аёллар ёзлик кийимлари, белбоғ, каштачилик буюмлари учун асос сифатида фойдаланилган.

Фўта енгил шаффоф мато бўлиб, эшилмаган ипак ва жун ипдан тўқилган. Фута, асосан, Самарқандда ишлаб чиқарилган. Маълумки, Шаҳрисабз ва Китоб кўпроқ Самарқанд тўқимачилиги йўналиши таъсирида бўлган ҳамда кўплаб усталар Самарқандлик ҳунарманддан касб сирларни ўрганишган. Бунинг таъсирида Шаҳрисабз ва Китобда кўпроқ Самарқанддаги каби фўта, тафта, чит, кимхоб каби газмолларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Қатон – пишиқ қимматбаҳо пахта толасидан ишлаб чиқарилган мато. Ундан юқори табақа аҳли учун дастурхон, тўшак, чопон ва ҳоказолар тикилган. Баъзида қатондан тикилган чопониар зар ип ва кимматбаҳо тошлар билан безатилган.

Алак–пахта ипдан қўл дўконда тўқилган мато; силлиқ бўз.⁶

Қашқадарё воҳасида, хусусан, Қарши шаҳрида ушбу матони ишлаб чиқаришда шуҳрат қозонган маҳаллалар аҳолиси ва шаҳардан ташқарида яшовчи якка тўқувчи-ҳунармандлар ҳақида маълумотлар мавжуд. Бу каби матолар Россияга кўп миқдорда экспорт қилинган.

Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўзига хос мураккаб жараён ҳисобланган. Ҳар бир тўқувчи-ҳунарманд фақат биргина мато турини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Шунга кўра, улар қуйидагича ном олган: бахмал, яъни духоба тўқувчилар – *бахмалбоф*, шойи тўқувчилар – *шойибоф*, фўта тўқувчилар – *фўтабоф*, чит тўқувчилар – *читгар*, олача тўқувчилар – *олачабоф* ва ҳоказо

Тўқимачилиқда Ўрта Осиё шаҳарларининг деярли барчаси ўзига хос бирор мато тури ёки маҳсулот ишлаб чиқаришда машҳур бўлган. Мисол тариқасида, Самарқанд *бахмали*, Қарши *олачаси*, Марғилон атласи, Бухоро заңданачисини келтириб ўтиш мумкин. Матолар, асосан ҳунармандчилик уюшмаларида ва ҳунармандларнинг хонадонларида тўқилган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёда ипакчилик ва ипак матолар тўқиш ўзининг юқори тараққиёт босқичига кўтарилган⁷. Бу даврда маҳаллий аҳоли томонидан ишлаб чиқарилган ипак мато ва либослар Россия фабрика моллари билан рақобатлашибгина қолмай, балки Европа бозорларида ҳам машҳур ва харидоргир бўлган. Қўл меҳнатига асосланган тўқимачилик ҳунари нафақат қадимий анъаналар, балки даврлар оша моҳир ҳунарманд усталарининг маҳорати натижасида тараққий эта борган.

Хуллас ўтмишда Қашқадарё воҳаси анъанавий матоларга бой бўлиб, ўзининг сифатлилиги ва харидорлиги билан алоҳида ажралиб турган. Ҳозирги замон кийимлари европача услубда тикилган бўлса-да, уларда миллий анъаналарнинг давомийлиги сақланиб қолганини кўришимиз мумкин.

⁶ Ҳамидова М. Кўрсатилган асар.Т., 2009. Б.45

⁷ Давлатова С. Кўрсатилган асар. Т., 2018. Б.347



«O‘ZBAKI KANGUL» NING FAYLASUF SHOIRI

Салима ЖУМАЕВА,
ҚарДУ «Адабиётшунослик» кафедраси, доцент

Таянч сўз ва иборалар: *ижод, маънавият, фалсафий мушоҳада, руҳият, талқин, жанр, дoston, ижтимоий гоя, маърифий гоя, бадий образ, Ватан, ватан-парварлик.*

Бугунги ўзбек шеъриятида ижтимоий ҳаётимиздаги мавжуд муаммолар фақат одамийлик фазилатларини улуғлаш ёки инсонийликка зид хулқ-атворларни қоралаш тарзида тасвирлаш билан чекланмасдан, инсон руҳиятида яширинган ботиний ва сирли оламларни кашф этиш ҳамда унга фалсафий ёндашиш принциплари етакчилик қилмоқда. Бу борада истеъдодли шоир Икром Отамурод ижоди алоҳида эътиборга лойиқ. Унинг ижодий фантазиясида ҳаёт, дунё, яралиш ва яшашдан мақсад, ўзликни англашга оид фалсафий мушоҳадалар талқини етакчилик қилади.

Маълумки, оддий ҳодисалардан катта фалсафий хулосалар чиқариш ижодкордан чуқур мушоҳадакорликни талаб этади. Шоир шеърларидаги инсон руҳияти тасвири ўзининг кўламдорлиги, бадийлиги, рамзий образлар ва фалсафий мушоҳадалар орқали катта ижтимоий маъно – мазмун ташиши билан характерланади. Хусусан, унинг "Вақт ранглари", "Жануб қушлари", "Тўрғайли манзиллар", "Уфқлар орти бепоён", "Харитага тушмаган жойлар", "Узоқлашаётган оғриқ", "Сопол синиқлари", "Сен", "Ичкари ва ташқари", "Руҳимнинг қайғуси", "Канглум ўзинг", "Тавр", "Тағаззул" каби шеърий тўпламларидан ўрин олган лирик қаҳрамон руҳиятида ўзининг миллат ва юрт тақдири ҳақидаги қарашларини ўзига хос тарзда баён этади. Бу асарларда инсон ҳаётининг фалсафий талқини, тасвирдаги равонлик ва мусиқийлик, қаҳрамони характеридаги кўз илғамас қатламларни психологик асослаш, образлиликни таъмин этган бадий воситалар бўртиб туради.

Адабиётшуносликка оид асарларда "...поэзиянинг таъсир кучи, юксак мазмуни фақат ҳаққонийлик туфайлигина бўй кўрсатмаслиги ҳақидаги қайдлар мавжуд. Зеро, ҳаққонийликка самимийлик орқали, ҳаяжонлар ва эҳтиросларнинг кучи, жўшқинлиги орқали эришилади" [1. С.142]. Шу маънода, шоир чинакам инсонийликни айнан маънавий камолотда, илоҳий файздан баҳрамандликда кўради. Инсонни ўрганиш, нуқсонлардан холи тарзда тасаввур этиш, унинг маънавий камолоти ҳақида қайғуриш Икром Отамурод шеъриятининг гоёвий мундарижасини ташкил этади. Унинг ҳар бир асари инсон руҳиятининг муайян бир ҳолати тавсифига бағишланган.

Маълумки, бадий асар инсон фаолиятининг бошқа соҳаларидаги каби тафаккурнинг маҳсули ҳисобланади. Санъат асари фақат бадий сўз санъ-



атига оид манбаларни ўз ичига олибгина қолмай, балки гоёвий-эстетик мазмун, дунёқараш, фалсафий тушунишни ҳам қамраб олади. Ижодкор учун билим – бу ҳаётий материал, ҳаётни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш бўлиб, усиз санъат асари яратиб бўлмайди. Ҳаётни билиш ижодкорда унинг ҳиссиётлари орқали ўтади. [2. С.183]. Шунингдек, "поэтик ижоднинг "сир"ини фақат шоирнинг ўзигина топа олиши, шунда ҳам фақат ўзидан топа олиши мумкин" [3. С.97].

Ҳис қилинган нарса юракка бориб тегади. Юракка теккан нарсанинг таъсири катта бўлади, у бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга кўчади. Икром Отамурод ижоди шу хусусиятга эга. Шоир ботнида туғилган фикр унинг жисмига туртки бериб, ҳаяжонга солади, қонида ўт ёқиб, кўксига типирчилаб уйғонади. Шоирнинг "Ичкари ва ташқари" номли достони бунга яққол мисол бўла олади. Асар инсониятнинг икки ботиний ва зоҳирий ҳаётининг фалсафий моҳиятига бағишланган. Инсон ҳаётининг мукаммаллиги бу икки нарсанинг уйғунлигига, бир-бирини тўлдиришга боғлиқ. Назариясиз амалиёт, амалиётсиз назария бўлмаганидек, ичкарисиз ташқари, ташқарисиз ичкари бўлмас. Чунки ташқи ҳаётнинг тўлаллиги, ички ҳаётнинг мукаммаллигига боғлиқ. Ўз навбатида, ташқи олам ҳам ички оламга ўз таъсирини ўтказади. Бу ҳолатни шоир шундай изоҳлайди:

*Ичкари ташқарига чиқмоқ истаюр,
истаюр ташқарида тўлувни.
Ташқари ичкарига кирмоқ истаюр,
истаюр ичкарида бўлувни.
Ичкари ташқарига чиқмоқ истаюр,
истаюр ташқарида жавобни.
Ташқари ичкарига кирмоқ истаюр,
истаюр ичкарида тавобни. [4.Б.29].*

Инсон фикрлаш, мулоҳаза қилиш қобилиятига эга бўлибди-ки, ташқи оламни мукаммал билишга интилади. Аммо унга муяссар бўлиш осонлик билан кечмайди. Чунки инсоннинг ўзи ҳали-ҳануз тўлиқ мукаммалликка, комилликка эришгани йўқ. Зигмунд Фрейднинг фикрига кўра, "...Одамзод ўзининг моҳиятини билмайди, ёки... бор ҳақиқатни тан олгиси келмайди. Бу борада у ё риёкорлик қилади ёки ўзи хусусида ҳақиқатан ҳам чуқурроқ тушунчага эга эмас" [6. Б. 63]. Икром Отамурод шеърини замирида худди шу ҳақиқат мужассам. Шундан шоир ички бир дард билан ёзади:

*...Ташқари - рутубат..
Ичкари-саффо.
Ташқари-гирён.
Ичкари-чамангиз.
Ташқари-қубат.
Ичкари-гаффор.
Ташқари-симён.
Ичкари-камангиз.
Ташқари-ғусса.
Ичкари-ҳувайдо.*



Ташқари-надомат.

Ичкари-гулгул.

Ташқари - шамолга соврилар сайдо.

Ичкари-руҳга тўкилар кангул... [4.Б.29].

Бу ҳолатни икки маънода тушуниш лозим. Ҳозирги кунда бу икки олам - ташқари ва ичкари бир-бирига уйғун эмас. Инсон тасаввуридаги оламни ташқарида кўра олмайди. Чунки инсонлар илоҳий ахлоқ билан яшамаяпти. Унга йўл қўйган ташқи оламдан бу каби шахслар мамнун. Ваҳоланки, уларнинг аъмолидан ташқи олам симён. Илоҳий ахлоқ билан яшайдиганлар, яъни ўзининг моҳиятини англайдиганлар эса сукунатда нола қиладилар. Илоҳий ахлоқ билан яшамайдиганлар ҳақида Қуръони каримда шундай дейилган: "Мол-мулк, фарзандлар, дунё ҳаётнинг зийна-тидир. Раббингиз наздида эса, боқий қолувчи солиҳ амаллар савоблироқ ва орзу қилишга лойиқроқдир" [7. Б. 299]. Демак, барча илоҳий ахлоқ билан яшаса, ички ва ташқи олам уйғун кечади, дунёвий олам мукаммаллашади, шунда инсоннинг амаллари кенг қулоч ёзади. Оқибатда инсон дунёвий саодатга эришади. Бу эса инсон кўнглининг поклигига боғлиқ, Чунки маърифатли одамнинг кўнгли ҳаётнинг ҳар бир жабҳасидан покланади, ўзини англаб боради:

Ҳайронинг ҳам кангунгда,

Вайронинг ҳам кангунгда.

Оринг ҳам кангунгда,

Хоринг ҳам кангунгда...

Тўзинг ҳам кангунгда,

ўзинг...ҳам кангунгда...

ўзинг...ҳам кангунгда...[4. Б.32].

Таъкидлаш жоизки, инсоннинг кўнглини кашф қилиш одам ва оламни кашф қилиш демақдир. Шу маънода, адабиётшуносликка оид асарларда характерлар оламини яратиш ижодқорнинг ўзлигини танишига, руҳияти қатламларидаги сирларни англашига, уни тадқиқ ва таҳлил қила олишига ва гоёвий - бадий ниятини очиб берадиган қилиб тасвирлашига боғлиқ эканлиги ҳақида айрим қайдлар мавжуд.[8. Б. 260; 34-36; 50-52; 208-214]. Эҳтимол, шунинг учун адиб ўзбек шеърляти ихлосмандлари орасида сўз ва шеърнинг "кангулда"ги мўъжизаси билан яшайдиган шоир сифатида танилгандир. Ижод оламида "Ўзбаки кангул"нинг файласуф шоири сифатида қалам тебратаётган адиб шундай ёзади:

Кангумнинг ичига кириб бораман,

кангумни ахтариб, кангум.

Зора топсам, зора-а ман,

жоним тўзиб?!

Кангумнинг ичига кириб бораман,

руҳимни ахтариб руҳим.



*Зора топсам, зора-а ман,
интизор мунглим?! [4. Б.35].*

Икром Отамурод ўзининг "Харитага тушмаган жой" достонида кўнгил оламига сафар қилади. Сафар вақтида кўрган манзараларини бадий ва фалсафий таҳлил этади. Асарда шоир кўнгилни ва кўнгилсиз одамларни таърифлар экан, кўнгил софлиги, соғлиги йўқолса, инсон руҳий оламида ва инсоният ҳаётида қандай фожеалар юз бериши муқаррарлигини таъкидлаб, гофилларни огоҳлантиради:

*Кангулга путур етса одам оламни бузар,
Қадрдонлар ёвлашиб, меҳр-у мурувват тўзар.
Нодонлар тўрга чиқиб, донолар қолар пастда,
Ёлгонлар ростга дўниб, ростлар белисанд, хаста...*

*Мардларни мўлжал олар зимдан маломат тоши,
Номардлар ғоз юради, баланд кўтариб бошин.
Шўр емирган бинодай идраб боради кангул,
Чорасизлик дастидан бечора, ғариб кангул... [4. Б.25].*

Кўнгил - Оллоҳ илми ва ишқининг хазинаси. Кўнгил - Оллоҳ яширинган тилсимот. Шу боисдан, шоир ҳаёт ва тилсимот қонунияти сирларини - буюк Тангри маърифатини ўз ҳаётини кузатишлари асосида хассослик билан бадий талқин этади:

*Канглум, ким ҳам сенинг ҳаддинг сиғдирар,
канглум, ким ҳам сенинг кўтарар ройинг ?!
Биргина ўзингсан ўзингга ярар,
биргина ўзингсан ўзингга сойим.*

*Канглум, сен кимга ҳам юрагинг тўкиб.
канглум, сен кимга ҳам бўшатардинг дил ?!
Биргина ўзинг ўзингнинг бағрингга чўкиб,
Биргина ўзинг ўзингнингдилдошингсан бил!*

Канглум...канг... лум...[4. Б.28-29].

Инсон - олам меҳвари, олий мавжудот. Шу боисдан ҳам кўнгилни Каъба деб тан олади ва унга сиғинади. Муҳаммад Ғаззолий шундай ёзадилар: "Ҳазрати Али дейди: "...Кимдаки олти хил табиат жамланган бўлса, у жаннатга тушади, жаҳаннамдан омон қолади: Оллоҳни таниб, унга итоат этса. Шайтонни таниб, унга эргашмаса. Ҳақни таниб, унга таслим бўлса. Ботилни таниб, ундан қочса. Дунёнинг ҳавоий ҳаётини таниб, уни тарк этса, Охират ҳаётини таниб, унга тайёргарлик кўрса" [9. Б.37]. Бунга имони мустаҳкам, кўнгили хотиржам одамгина муяссар бўлади. Чунки шайтон турли йўл билан йўлдан уришга ҳалақит қилади, уради ҳам:

*Фитнаю игволар тўқийди неча
иблиснинг дасиса дўкони.
Дақ уриб югурар кўчама-кўча,
ичкари тирқишин пойлаб ҳар они... [4.Б.36].*



Лекин шайтон қутқисига берилган зот ўзининг кимлигини унутди ва ҳар нарсани орзу қилади:

*У зот бирорта ниҳол экмаган,
меҳр ҳам бермаган бирор ниҳолга.
Лекин*

*дарахтлар соясидан
умидвор бўлаверади,
умидвор бўлаверади
дарахтларнинг қуюқ-қуюқ соясидан
жудаям. [4.Б.37].*



Достон замирида шарқона фалсафа мужассамлашган. Муҳаммад Ғаззолий ёзади: "... Дунё ҳаёти бе-ниҳоя чуқур бир денгиздир. У ерга кўп кишилар чўқди. Бу ҳаёт денгизида кеманг Тақво бўлсин. Кемангнинг ашёлари Оллоҳга Иймон бўлсин. Елкаи Оллоҳга Таваккул бўлсин. Шундай бўлса... ҳаёт денгизида чўкмасдан омон қоласан". [9. Б. 39]. Бу фалсафий ҳақиқат достон замирига сингдирилган шоир гоёси аслида.

Икром Отамуроднинг "Сопол синиқлари" номли достони воқеалар эмас, туйғулар асосига қурилган. Шоир бадиий тасвир воситалардан моҳирона фойдаланиш санъати орқали ҳаётдаги воқеликни фалсафий тасвирлашда ўзига хос индивидуал изланишни намоён этади. Биз қаҳрамоннинг фалсафий мушоҳадасида, хотираларида, дардларида инсониятнинг ўрнини, юртнинг бошига тушган қулфатларини англаймиз, энг муҳими дунё деб аталмиш борлиқ воқеа-ҳодисаларидан изтиробга тушган калб тебранишларини ҳис қиламиз. Асарда шоир рамзий тасвирларга кенг ўрин беради ва ўз навбатида бу тасвирларга катта гоёвий-бадиий вазифа юклайди. Воқелик Ҳолат ва Ранг деб номланган қисмлар орқали тасвирланади. Ҳолатлар, ўз навбатида, мумтоз адабиётимиз саҳифаларидан кенг ўрин олган мақолат ва ҳикоят каби намуналарни ёдга солади.

Маълумки, мақолат назарий йўналишда бўлса, ҳикоятда ўша йўналишлар амалиётда ўз ифодасини топади. Мазкур достонда Ҳолатда фалсафий-назарий йўналишда ҳаёт ҳақиқати очиб берилса, Рангда эса кечаги ва бугунги ҳаёт манзаралари ўз ифодасини топади. Ҳолатда шоир ёзади:

*...Одам боласи
бир хил ҳаёт тарзидан,
қачондирким бўлмасин, зерикади.
Зерикиш-
Бошқа шаклнинг истаги..
Руҳиятда содир бўлган бу ҳодиса -
Янги ройишни,
...Соғиниб яшайди..
нотаниш манзилларни..
Ҳар қандайин портлаш, Авваламбор,
Одам боласининг руҳиятида кечади...*



*Юрагида томиратади...сўнг,
кенг майдонга қўнади.[10. Б. 203-204].*

Шоир ўзига хос образли воситалардан, ихчам ўхшатиш ва рамзлардан, мумтоз адабиётимиз ва халқ ривоятларидаги анъаналардан фойдаланиб, Ҳолат ва Ранг тимсолларида замондошларимизга мустақилликнинг қадрига етиш ва уни қадрлаш гоёсини уқтирмоқда. Айти сатрларда самимийлик, туйғулар тиниқлиги, мазмун ва шакл мутаносиблиги, тасвирдаги табиийлик ва ички драматизм асарнинг гоёвий-бадий хусусиятини белгилайди. Зеро, бундай ҳолат маънавияти бой, руҳи тетик, доимо янгиликка интиладиган шахсларда рўй беради. Дунё тараққиёти шу каби инсонларнинг саъй-ҳаракати туфайлидир. Дастондаги лирик қаҳрамон шундай инсон. У ҳаётдан ҳам, ўздан ҳам қониқмайди. Унинг табиати, аста-секин китобхонга ҳам кўчади. Рангда шундай сатрларни ўқиймиз:

*Моғорлайди. Занг босар. Музлар,
Унутилар кўп йўлаклари.
Тепалар қаъридаги излар -
Хотира бўлаклари.
Лойга ботиб синиққан камон -
Юрт ори деб тўкилган дарддир.
Қўлда лочин тутган паҳлавон -
Қадрин қучиб йиқилган марддир.
кўмилган имондир, кўмилган тилдир
тепалар...Кўмилган Ватандир.
Кўмилган едир, тепалар... [10. Б. 205].*

Бу ўринда теран фалсафий мушоҳадалар, салмоқли поэтик фикрлар билан жўшқин ҳис-туйғулар уйғунлашиб кетган. Унда юртимиз бошидан кечирган яқин тарихимиздаги хунук манзаралар тасвири акс эттирилган. Зеро, бундай асарларда бадий тасвир орқали миллат турмуш тарзи ва мустамлакачилик сиёсати юзага келтирилган маънавий-ахлоқий қарашлар ўз ифодасини топади.

Ҳақиқатан ҳам тоталитар тузум маънавий қадриятларимизга - динимиз, тилимиз, иймонимизга дахл қилиб, ватанпарварлик туйғусидан жудо қилган эди. Бу манзаралар хотира орқали чизилади. Ўз навбатида, хотира бир-бирига боғлиқ икки вазифани бажаради. Зеро, ўтмишсиз келажак йўқ. Ўтмиш хотираларда тикланади. Хотирага берилган одам ўзини ҳам англай боради. Шунингдек, хотирлаш онгининг фикрлаш жараёнини ҳам белгилайди. Чунки, фикрлаган одамнинг ўз олами бўлади:

*Ёлғиз оламда ёлғизман.
Руҳим остонасида турар Ёлғизлик
Умид эшигин ўксик тавқасин чертиб. [4. Б. 74].*

Давоми кейинги сонда



QASHQADARYO

VOHASI SHAHARLARI TARIXIGA

BAG'ISHLAGAN SALMOQLI MONOGRAFIYA

(А.РАБИМҚУЛОВ. ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИНИНГ ЎРТА АСР
ШАҲАРЛАРИ. - ҚАРШИ, "НАСАФ", 2018.- 204 б.)

Очил БҮРИЕВ,

Қарши ДУ профессори

Нилуфар РАЖАБОВА,

"Жаҳон тарихи" кафедраси катта ўқитувчиси, т.ф.н.

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Кеш воҳаси шаҳарлари халқаро савдо трассаларидан чеккароқда, нисбатан биқиқ водийда, асосан сув йўллари, яъни дарёлар устида жойлашган бўлиб, муаллиф фикрича, уларнинг ривожига Ҳисор ва Зарафшон тоғларида мавжуд бўлган бир неча ўнлаб конлардан қимматбаҳо ва рангли металллар, темир, минераллар, ош тузи ва бошқа ерости бойликларини қазиб олиш ва қайта ишлаш, металл рудаларининг хомашё ёки тайёр маҳсулот сифатида бозорга чиқариш ҳамда қулай иқлим ва сунъий суғориш тизимлари ҳисобига тараққий қилган қишлоқ хўжалиги (деҳқончилик, боғдорчилик ва қисман чорвачилик) устувор ўрин эгаллаган. Воҳа шаҳарлари ривожланишини Тошкент воҳасини ўраб турган тоғлардаги юзлаб конлар эвазига Шош ва Илоқ ўлкалари ўрта асрлар даври шаҳарларининг тараққиёти билан қиёслаш мумкин.

Жанубий Суғднинг ўрта асрлар даври шаҳарлари ва қишлоқлари тарихий топографияси ва тарихий географияси масалалари билан В.В.Бартольд, М.Е.Массон, С.К.Кабанов, С.Б.Лунина, Б.Д.Кочнев, Ш.С.Камолиддинов каби олимлар жиддий шуғулланишган.

Жанубий Суғднинг Нахшаб-Насаф, Кеш (Китоб-Шаҳрисабз), ва Ғузур воҳаларининг ўрта асрлар даври шаҳарлари тарихий топографияси хусусида ёзма манбаларда ҳам таърифлашган.

Насаф. Насаф шаҳрига ташриф буюрган ўрта аср сайёҳлари, тарихчилар ва жуғрофий олимлар асарларида бу ерда вайронага айланган қуҳандиз, дарё соҳилидага "Раъс ал-қантара" - "Кўприк боши" деган жойда қад кўтарган "Дар ал-Имара", яъни ҳоким саройи, унинг яқинидаги зиндон, шаҳарнинг тўртта - Бухоро, Самарқанд, Кеш ва Ғубдин дарвозалари, Жувик, Сиккат Баён, Сиккат Жўйбор, Сиккат ас-Саға (Заргарлар кўчаси), Қуйи Шарғиён каби маҳаллалар ва улар билан боғлиқ кўчалар тилга олинган.

Кейинги йилларда Ш.С.Камолиддиновнинг тадқиқотлари натижасида Насафнинг Муъаз ал-Косоний, Абул Юсур, Раъс ал-Қантара маҳалласидаги Абу Йаъла Абд ал-Мўъмин ибн Халаф масжиди, Ал-Аҳмар қудуғи



KITOBLAR OLAMIDA

яқинидаги Синоп ибн Йасар масжиди, эски буюмлар бозори яқинидаги ал-Хулканийн масжидларини тўғрисида маълумотлар маълум қилинди. Шу билан бирга, олим томонидан таржима қилинган Абу Хафс ан-Насафийнинг "Ал-қанд фи зикр улама Самарқанд" асарида Кеш дарвозаси яқинидаги "Мақбара Дарб Кисс", яъни шаҳар работидаги Кеш дарвозаси яқинидаги шу пайтгача номаълум бўлган қабристон номи тилга олинади. Бу қабристон XX асрнинг 80-йилларида ЎзРФА Археология институти олимлари томонидан тадқиқ этилган. Қабристон шарқ томонга қараб давом этган бўлиб, унинг бу қисми манбаларда "Аҳмад ибн Мусин қабристони" номи билан тилга олинган. Қабристон Насафнинг "Раъс ал-Қантара" яъни "Кўприк боши" деган жойи рўпарасида бўлган. Хуллас, Насаф шаҳри харобалари бўлмиш Шуллиуктепада олиб борилган археологик қидирувлар хулосаларига кўра, X аср охирларида Насаф шаҳрининг умумий майдони 220 гектардан ҳам ортиб Мовароуннаҳрнинг энг йирик шаҳарларидан бирига айланган.

Кеш. Кеш воҳаси ҳудуди X асрда Арғон, Ару, Балондарин, Бузмажон, Кашк, Моймурғ, Ички Санккарда, Ташқи Санккарда, Мийон Кеш, Росмойин, Руд, Сийом, Сурруда, Харуда, Хузор, Хузорруд каби ўн олти рустокдан ташкил топган бўлиб, уларнинг жойлашган ўрни хусусида монографияда муаллифнинг теран фикр ва мулоҳазалари баён этилган ва биринчи марта рустокларнинг географик жойлашуви харитаси ишлаб чиқилган.

Ўрта асрларда Кеш шаҳрига ташриф буюрган араб сайёҳларининг шаҳарга берган таърифларида "Кеш "кўҳандиз", "ҳисна" ва "работ" дан ташкил топганлиги, яна бир шаҳар "мадина" работ билан туташиб кетганлиги, ички шаҳарнинг ва қўҳандизнинг хароба ҳолатда эканлиги таъкидланган. Аҳоли ташқи шаҳарда яшаган, "Дар ал-Имара", яъни ҳукумат уйи шаҳар ташқарисида, работ эса ал Мусалла деган жойда жойлашган. Зиндон ва жомеъ масжиди харобага айланган ички шаҳарда, бозорлар эса работда фаолият кўрсатган. Шаҳар иморатлари лойдан ва ёғочдан қурилган. Ички шаҳар деворларида "Баб ал Ҳадид" - Темир дарвоза, "Баб Убайдуллоҳ" - Убайдуллоҳ дарвозаси, "Баб ал Қассарин" - тозаловчилар дарвозаси, "Баб ал Мадина ад Доҳила" - ички шаҳар дарвозаси. Ташқи шаҳар деворларида "Баб ал Мадина ад Доҳила" - ташқи мадина дарвозаси ва "Баб Баркнон" - Баркнон дарвозалари мавжуд бўлган.

Ташқи мадина аҳоли билан тўла бўлган, шаҳарнинг иккита рабоди бўлган. Жомеъ масжиди ички, харобага айланган шаҳарда жойлашган, у Самарқанд жомеъ масжидидан кейин Суғддаги энг чиройли масжид ҳисобланган.

Кеш яқинидан иккита дарё, шаҳарнинг жануб томонидан "Наҳр ал Қасарин" - Тозаловчилар дарёси ва шимол томонидан "Наҳр Асруд" оқиб ўтган.

Ташқи шаҳарнинг жанубий дарвозаси "Баркнон дарвозаси" деб аталган. Баркнон X асрдан бошлаб шаклланган Шаҳрисабз шаҳрининг илк номи бўлиб, манбаларда Кеш (Шаҳрисабз)нинг тарихий топографияси тўғрисида маълумотлар учрамайди.



XX асрнинг 70-80 йилларида КАТЭ олимлари ва кейинги йилларда А.Райимқулов томонидан Шаҳрисабз шаҳри ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқотлар ва натижаларини умумлаштириб шу хулосага келганки, Китоб шаҳри ўрнидаги қадимий Кешнинг тамоман инқирозга юз тутганлиги жараёнида ҳозирги Шаҳрисабз шаҳри ўрнида Сомонийлар (IX-X асрлар) давридаги қишлоқ (Баркнон қишлоғи), Қорахонийлар (XI-XII асрлар) давридан бошлаб тез суръатлар билан ривожлана бошлаган. XI-XII асрларда Кўкғумбаз масжиди жойлашган ҳудудда жомеъ масжиди, шаҳар марказида маҳобатли сарой бунёд этилган.

Хоразмшоҳлар даврида эса шаҳар атрофи маҳобатли мудофаа деворлари билан ўралган ва у энди тўлақонли марказий шаҳар мақомига эга бўлган. Мўғуллар ҳужумида бу шаҳар вайрон этилмаган бўлса-да, уларнинг ҳукмронлиги йилларида қаровсиз қолиб харобага айлана бошлаган. Муаррих Ҳофизи Абрў тилга олган шаҳар деворлари Амир Темур даврида бутунлай қайтадан тикланган. Шаҳарнинг қорахонийлар даврига оид маданий қатламлари унча қалин эмаслиги Кеш (Шаҳрисабз) шаҳри бу даврда мудофааланмаган, тарқоқ ҳолда жойлашган маҳалла (гузар) лар мажмуасидан иборат бўлганлигини кўрсатади, шунинг учун шаҳар атрофида алоҳида рабобларнинг шаклланишига эҳтиёж бўлмаган.

Хоразмшоҳлар даврида қурилган мудофаа деворлари Кеш (Шаҳрисабз) шаҳрини ва унинг атрофидаги экин майдонларини ҳам қамраб олган ҳолда қурилган.

Кеш (Шаҳрисабз) Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларида арklar ўз фаолиятларини тўхтатганларидан кейин шакллангани учун шаҳарда арк барпо этилмаган. Мана шу сабабларга кўра, Кеш (Шаҳрисабз) XI- XII асрлардан бошлаб фақат шаҳристондан иборат шаҳар сифатида сақланган. Шаҳристон ичида ҳокимлар саройлари, жоме масжидлари, мадрасалар, карвонсаройлар, ҳаммомлар, савдо расталари ва бошқа маъмурий иншоотлар ва албатта бир неча ўнлаб маҳаллалар мавжуд бўлган.

Илк ўрта асрларда алоҳида-алоҳида воҳаларда тарқоқ, лекин сиёсий ҳамда иқтисодий жиҳатдан бирмунча мустақил бўлган вилоятларнинг ўрта асрларга келиб марказлашган давлатлар ҳукмронлиги остида бирлаштирилиши, алоҳида шаҳарлар мудофаасининг марказлашган давлатлар мудофааси тизимига кириши тўғридан-тўғри бу вилоятларда фаолият кўрсатаётган катта-кичик шаҳарларнинг морфологик тузилишига бевосита таъсир ўтказган. Арklar VIII-IX асрларда ўз мудофаа қобилятларини йўқота борган.

Мана шу даврда Нахшабдаги Шулуқтапа, Қалъайи Заҳҳоки Морон, Таллисортепа, Кофиртепа, Қоратепа, Кеш воҳасидаги Олтинтепа, Чилламо-зортепа, Қўрғонтепа каби шаҳарлар арklари турлича сабабларга кўра ўз фаолиятларини тўхтатган. Бу ҳолат бу даврда бир неча асрлар давомида бир маромда ривожланиб келган Ўрта Осиё шаҳарсозлиги тарихида туб бурилишлар рўй берганлигини кўрсатади.

Шулуқтапада олиб борилган археологик тадқиқотлар арkнинг пастки қисмидаги 100x60 м. майдон Хоразмшоҳлар даврида, яъни XIII аср бошла-



рида қалин мудофаа девори билан ўраб олинганлигини, бу жой яна қайтадан шаҳарнинг асосий негизи сифатида, (балки сарой шаклида) фаолият юритганлигини аниқлади.

Ушбу монографияда Жанубий Суғднинг VIII-XIII аср бошларига оид шаҳарлари ва қишлоқларининг локализацияси масалалари махсус тадқиқот остига олинди. Ёзма манбаларда тилга олинган шаҳарлар ва қишлоқлар, муаллиф томонидан биринчи марта Роҳсарсана - Олтинтепа (Насафдаги), Бадйана-Барктепа, Тадйана-Қумоқтепа, Хузиён қасри-Худиёнтепа, Устуғдодиза - Майманоқтепа, Фижакас - Қаҳлактепа, Андади - Қўштепа (Насафдаги), Сақбадёзу-Сахтапиез, Тубон-Хўжа Руммас, Искифағн - ўзор- Хўжа Бузурртепа, Субах- Савбахтепа, Дидаки ва Кандак-Оқработдаги Қўрғонтепа ва Юпорлитепа каби ёдгорликлар билан локализация қилинган.

Ундан ташқари Жанубий Суғднинг ўрта асрлардаги сунъий суғориш тизимларининг дастлабки тадқиқоти жараёнида ёзма манбаларда тилга олинган Амтади Калон - Косон ариғи билан, Жўйи Барин - Бешкент ариғи билан, Шибли ота - Файзобод ариғи билан локализация қилинди. Шунингдек, Айрум ва Абуйир каби эски ариқлар ва уларининг йўналишлари ҳам аниқланди. Ва мазкур монографияда Жанубий Суғд ҳудудидан ўтган халқаро ва маҳаллий йўлларнинг йўналишлари ишлаб чиқилган ва биринчи марта Кеш- Самарқанд йўлининг Жом довони орқали ўтган йўналиши аниқ археологик манбалар асосида теран таҳлил қилинган.

Шаҳарларнинг қадимий шаҳарлар харобалари устига қурилишлари, текис майдонларда барпо бўлган янги шаҳарлар, шаҳарлар ичидаги ҳудудларда рўй берган туб ўзгаришлар ҳамда кейинги асрларда бу ўлкага кириб келган янги типдаги шаҳарлар қурилиши усуллари Қашқадарё воҳаси ўрта асрлар даври шаҳарларини қуйидаги топографик хусусиятларга ва турларга бўлинишига олиб келганлиги монографияда ўз аксини топган.

Биринчи туршаҳарлар арк, шаҳристон ва работдан иборат бўлган, арк ва шаҳристони яхлит бир тепаликни ташкил этган шаҳарлар (Чандароқтепа, Қўрғонтепа (Бегиш), Гуржобтепа, Қамайтепа, Хўжа Руммас, Олтинтепа (Насаф воҳасидаги), Парчақалъа, Дағайтепа, Қоратепа). Бу турдаги шаҳарларда арк ва шаҳристон икки поғонали, яхлит тепалик кўринишида. Муаллиф фикрича, бундай шаҳарлар илк ўрта асрларда пайдо бўлган шаҳарлар бўлиб, уларнинг топографик кўриниши ва майдони ўрта асрларда ҳам деярли ўзгармаган. Улар атрофида шакланган работлар эса бундан мустасно.

Иккинчи туршаҳарлар арк, шаҳристон ва работдан иборат бўлган, шаҳар марказидаги арк шаҳристондан мудофаа ҳандақлари билан ажратилган шаҳарлар (Шуллуктепа, Касбитепа, Кўҳна Фазли, Чимкўрғон, Бобокенттепа, Паштонтепа, Қаҳлактепа, Таллисортепа, Кожартепа, Шаҳри Ҳайбар, Бобожонттепа, Ўликтепа, Олтинбоштепа, Ҳазор Буқи). Қашқадарё воҳасининг асосий йирик шаҳарлари мана шу турга мансуб бўлиб, уларнинг кўпчилигида арклар ўрта асрларда ҳарбий иншоот сифатида ўз аҳамияти-



ни йўқотган.

Учинчи тур шаҳарлар арки шаҳристон ҳудудида кўзга ташланмайдиган шаҳарлар (Саубахтапа, Хўжа Бузургтепа). Бу шаҳарлар асосан ўрта асрларда шакланган бўлиб, улар илк ўрта асрлардан мерос бўлган икки погонали қишлоқлар ёки аркларга эга бўлган шаҳарлар харобалари устига қурилмаган.

Тўртинчи тур шаҳарлар арки, шаҳристон ва работи алоҳида турган тепаликлар кўринишида қад кўтарган шаҳарлар (Кофиртепа, Лихлитепа, Олтинтепа (Кеш воҳасидаги)).

Бешинчи тур шаҳарлар арксиз ва работсиз шаҳарлар. Бу тур шаҳарга ҳозирча фақат Кеш-Шаҳрисабзни киритиш мумкин. Кеш-Шаҳрисабз ўрнида бўлган Баркноннинг йирик қишлоқдан шаҳарга ўсиб ўтиши даврида Мовароуннаҳрда арклар қурилиши амалда бўлмаган. Шу билан бирга, шаҳарда Сомонийлар ва Қорахонийлар даврида мудофаа деворлари мавжуд бўлмаганлиги работнинг шаклланишига ҳам эҳтиёж туғдирмай шаҳарнинг маъмурий маркази сифатида сарой фаолият кўрсатган.

Ривожланган ўрта асрларда Мовароуннаҳрда оламшумул маданият шакланган. Бу буюк маданиятдан Қадимги Шарқ, бутун ислом олами баҳра олган ва натижада бу маданият инсониятнинг буюк тараққиётига тамал тошини қўйган. Бу маданият Мовароуннаҳрнинг Самарқанд, Бухоро, Термиз, Насаф, Кеш, Бинкет, Урганч, Ахсикент ҳамда бошқа ўнлаб шаҳарларида асрлар давомидашакланган ва ривожланган. Мана шу даврнинг оламшумул маданияти ривожда Мовароуннаҳрнинг юксак даражада ривожланган шаҳарлари қаторида Жанубий Суғднинг Насаф, Кеш ва бошқа шаҳарлари ҳам ўзига хос ўрин эгаллаган.

Муаллифнинг самарали археологик тадқиқотлари натижалари Жанубий Суғдда диний бағрикенглик (толерантлик) муҳити ҳукм сурганлигини кўрсатади. Араблар истилосидан аввалги даврларда Қашқадарё воҳасидаги суғдий шаҳарлар ва қишлоқларда оташпарастлик, зардуштийлик, маъжусийлик, монийлик, насронийлик ва бошқа динлар ва диний дунёқарашларга эга аҳоли яшаган бўлса, ислом дини қарор топгандан кейин улардан фақатгина насронийлик сақланиб қолган ва ўрта асрларда бу воҳада асосан ислом ва қисман насронийлик динига мансуб аҳоли яшаган.

Насаф ва Кеш шаҳарлари ўрта асрларда Мовароуннаҳрнинг диний-маданий, диний-маънавий ва диний-маърифий марказларига айланган. Ўрта асрларда Туркистон, Хуросон ва араб дунёсининг кўплаб шаҳарларида насафий, кеший, паздавий, касбавий ва бошқа нисбаларда диний ва дунёвий илмларда қалам тебратган юзлаб мутафаккирларнинг самарали фаолиятлари, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа кўплаб буюк алломаларнинг айнан мана шу шаҳарларга илм излаб келишлари ва шу юрт олиму фузалоларидан сабоқ олишлари, халқаро илмий анжуманларнинг ўтказилиши ҳам Насаф ва Кеш шаҳарларининг ислом оламидаги юқори мавқеини белгилаш учун хизмат қилади, албатта.

Афсуски, XIII асрнинг бошларида Чингизхон бошлиқ мўғул қўшинла-



KITOBLAR OLAMIDA

рининг Мовароуннаҳрга ҳужуми Қашқадарё воҳасида асрлар давомида шакланган мана шундай оламшумул маданиятни бузиб вайрон қилган. Бу қабохатли ҳужум туфайли харобага айланган Насаф, Кеш ва ўзор воҳасининг бир неча ўнлаб шаҳарлари ва юзлаб қишлоқлари вайронлари ҳозирги кунда турлича археологик ёдгорликлар кўринишида сақланиб қолган.

Хуллас, А.Райимқуловнинг тақриз қилинаётган ушбу монографияси Марказий Осиёнинг энг қадимги шаҳарсозлик маданияти марказларидан бири, тарих ва археология фанларида Жанубий Суғд деб ном билан тилга олинган ҳозирги Қашқадарё воҳаси ўрта аср шаҳарларининг шаклланиши, ривожланиши, воҳа шаҳарларининг тарихий топографияси ва локализацияси масалаларини тадқиқ этишга бағишланган.

Мазкур китобда Жанубий Суғдда Нахшаб-Насаф, Кеш (Китоб-Шаҳрисабз) ва Ғузур воҳалари шаҳарлари шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари, воҳанинг сунъий суғорилиш тарихи, воҳа бўйлаб ўтган халқаро ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўллар йўналишлари теран таҳлил қилинган. Шунингдек, ҳанузгача фанда номаълум бўлиб келган қадимий шаҳарлар, қишлоқлар тўғрисида ҳам муҳим маълумотлар ҳам келтирилган.

Монография олий ўқув юрти талабалари, ўрта махсус таълим тизими ўқувчилари, бакалаврлар, магистрантлар, умуман Қашқадарё воҳаси тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонларга мўлжалланган.


Ушбу китобни тайёрлашда А.Райимқулов Қашқадарё вилояти ҳудудида чорак асрдан зиёд тизимли олиб борган археологик қазишмалари натижаларидан, археологик, антропологик, этнографик, палеографик, нумизматик ва бошқа турлиманбалардан ҳамда мавжуд хорижий адабиётлардан самарали фойдаланган. Муаллиф ўз илмий фаолиятида воҳада хорижий олимлар билан бирга ҳамкорликда кўплаб уюштирган қўшма экспедициялар маълумотлари ҳам бу монографияда ўз аксини топган.

Китоб охирида илова тарзида шартли қисқатмалар мавзуга оид расмлар, иллюстрациялар, жадваллар, хариталар кабиларнинг берилганлиги уни мукамаллигини анча оширишга хизмат қилган.

Фикримизча, китобнинг иловасида мавзу бўйича глоссарий (лугат) илова қилинса, унинг қиммати янада ошар эди. Яна бир мулоҳаза. Бутун Ўзбекистоннинг аҳолиси 33 млн. нафардан зиёд, қолаверса Қашқадарё воҳаси аҳолиси 3 млн. нафардан ортиқ эканлигини ҳисобга олсак, тақриз қилинаётган китоб атиги 50 донга чоп этилган, холос. Ушбу монография лотин алифбосида қайта нашр этилса, таълим тизими ўқувчилари, ўқитувчилари, илмий изланувчилар учун ўлка тарихини ўрганишда муҳим манба ва қўлланма бўлиб хизмат қилиши шак-шубҳасиздир.



Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат, нотижорат ташкилотларнинг ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди гранти асосида "Ёшларимизни халқимизнинг нодир тарихий-маданий мероси, миллий ва умумбашарий қадриятлари билан яқиндан таништириш - уларда Ватанга муҳаббат, истиқлол гоյларига садоғат туйғуларини мустаҳкамлаш" лойиҳаси доирасида тайёрланди.



ЛЕВ ТОЛСТОЙ

BALDAN SO'NG

Н.Алимухаммедов таржимаси

- Сиз, киши ўзи яхши-ёмонни ажрата олмайди, ҳамма гап муҳитда, кишини муҳит хароб қилади, дейсиз. Мен эсам, ҳамма гап тасодифда деб ўйлайман. Мана мен ўзим ҳақимда гапирсам...

Ҳамма иззат-ҳурмат қиладиган Иван Васильевич билан иккимизнинг орамизда кишининг камолга етиши

учун энг аввал одамлар яшайдиган муҳитни ўзгартириш кераклиги тўғрисида бўлиб ўтган суҳбатдан сўнг у киши ҳалигидек гап бошлади. Яхши-ёмонни одамнинг ўзи ажратолмайди, деб ҳеч ким айтгани ҳам йўқ, аммо Иван Васильевичда гап вақтида эсига келиб қолган ўз фикрларига ўзи жавоб бериш ва шу фикрлар муносабати билан ўз саргузаштларидан гапириб бериш каби одат бор эди. Аксари ҳикоя айтишга шундай берилиб кетардики, жон-дилидан чиқариб рост сўзлашга қизиқиб кетиб, нима муносабат билан гап бошлаганини ҳам бутунлай унутиб қўярди.

Ҳозир ҳам у ана шу одатни қилди.

- Менинг ўзимга келсангиз, бутун ҳаётим муҳитдан эмас, балки бутунлай бошқа бир нарсадан шу тарзда бўлиб кетди.

- Нима сабабдан шундай бўлди? - деб сўрадик.

- Бунинг воқеаси узоқ. Буни тушунтирмақ учун гапириб беришга тўғри келади.

- Жуда соз, гапириб беринг,

Иван Васильевич ўйга толиб, бошини ирғади.

- Шундай- деб қўйди у - Бир кеча ёки тўғрироғи, бир эрта бутун ҳаётимни ўзгартириб юборди.

- Хўш, нима воқеа бўлган эди?

- Шундай бўлган эдики, мен ошиқу беқарор бўлиб қолган эдим. Мен жуда кўп марта ошиқ бўлганман, аммо бу сафаргиси қаттиқ эди. Ўтган гаплар. Унинг ҳозир эрга теккан қизлари бор. Бу Б, ҳа, Б, Варенька эди,- Иван Васильевич унинг фамилиясини ҳам айтди. - У элик ёшида ҳам ажойиб соҳибжамол эди. Аммо ёшлигида, ўн саккиз ёшида гоятда сулув



эди: қадди-қомати келишган, латофатли, савлатли эди. Бошини салгина орқасига ташлаброқ, гўё бошқача юра олмайдигандек доимо роз юрарди. Ўзи хипча, ҳатто суюклари туртиб чиққан бўлишига қарамай, гўзаллиги ва қадди-қомати келишганлигидан, бу юриши ўзига аллақандай бир савлат бахш этар эди. Агар ҳамиша табассум қилиб кулиб турган оғзи ва порлаб турган ажойиб шаҳло кўзлари, бутун ёш вужудидаги дилбарлик бўлмаса, савлати кишини чўчитар эди ҳам.

- Иван Васильевичнинг мақташига қойил-э!

- Қанчалик таърифини қилсам ҳам барибир уни сиз тушунадигандай қилиб таърифлаб беришнинг иложи йўқ. Аммо гап бунда эмас: менинг айтадиган воқеам қирқинчи йилларда бўлиб ўтган. У вақтларда мен ўз провинциямиздаги университетда ўқир эдим. Яхшими-ёмонми, ҳар ҳолда, университетимизда ўша вақтда ҳеч қандай тўғарак ва ҳеч қандай назария деган гаплар йўқ эди, бизлар ёш эдик, ёшларга хос яшардик, ўқиш ва ўйин-кулгидан бошқани билмасдик. Мен жуда қувноқ ва шўх бола эдим, бунинг устига, давлатим ҳам бор эди. Ўйноқи йўрға отим бор эди, қизлар билан минишиб тепалиқдан пастга чопишар эдик (у маҳалда коньки расм бўлмаган эди), ўртоқларим билан кайф-сафо қилар эдик. (У вақтларда шампанскоедан бошқасини ичмас эдик, пулимиз бўлмаса ҳеч нарса ичмас эдик, эндигидек ароқ ичмасдик.) Менинг энг яхши кўрган нарсам базму зиёфат эди. Яхши танца қилар, хунук ҳам эмас эдим.

Ҳамсуҳбат хотинлардан бири унинг гапини бўлиб:

- Ўзингизни шунчалик камситмасангиз ҳам бўлади. Биз сизнинг эски сернақш суратингизни кўрганмиз. Хунук эмас, аксинча, чиройли эдингиз.

- Чиройликка чиройли эдим-а, лекин гап бунда эмас. Гап шундаки, унга ошиқу беқарор бўлиб юрган чоғларимда, масленица байрамининг охириги кунида, губерниямизнинг оқсоқоли - очиққўнгил, меҳмондўст, кексайиб қолган, бадавлат бир камергернинг уйида зиёфатда бўлдим. Меҳмонларни кутиб олган хотини ҳам эрига ўхшаш очиққўнгил эди. Хотини жигарранг бахмал кўйлак кийиб, бошини инжу қадалган жияк билан танғиб олган. Елка ва кўкраклари ёшларникига ўхшамаса-да, Елизавета Петровнаинг (1) сурати сингари очиқ, оппоқ момиқдай эди. Базм жуда жойида бўлди: ҳашаматли зал, ўша замондаги ҳаваскор помешчикнинг машҳур музикачи ва ашулачилари келган, дастурхон ясатилган, шампанский дарё бўлиб оқмоқда. Жон-диллим шампанское бўлса-да, лекин ичмадим, чунки май ичмасам ҳам ишқ ўтида маст эдим, лекин беармон танца тушдим, кадрилга ҳам, вальсга ҳам, полькага ҳам тушдим, албатта, мумкин қадар Варенька билан тушишга ҳаракат қилдим. У оқ кўйлак кийган, белида пушти камар, қўлида нозик ва ингичка тирсакларига етар-етмас оқ чарм қўлқоп, оёғида эса оқ атласдан бошмоқ бор эди. Мазурка ўйини бошланганда бадбахт инженер Анисимов уни таклиф этиб, мендан олиб кетди. Ҳалига довр бунинг алами мендан сира чиқмайди. Мен қўлқоп олай деб саргарошхонага кириб, андак кечикиб қолибман. Шундай қилиб, мазуркага у билан тушмасдан, аввал бир оз яхши кўриб юрганим бир немка билан тушдим. Аммо бу кеча унга камроқ илтифот қилдимми, деб кўрқаман, у



билан гаплашмадим, унга қарамадим: кўзимга фақат оқ кўйлакли, қомати келишган, баланд бўйли, юзлари кулдиргичли ва қип-қизарган, ҳусндор, кўзлари ёқимли қиз кўринади, холос. Бир менгина эмас, ҳамма ҳам унга қарарди, ҳамманинг ҳаваси келарди, ҳусни ҳамма хотинларникидан ўткир бўлса ҳам эркагу хотин - ҳамма баравар унга тикилар эди. Ҳавасинг келмасдан иложи ҳам йўқ эди.

Хуллас, мазуркага у билан тушмадим, аммо ҳақиқатда эса бошқа ўйинларнинг ҳаммасига у билан тушдим. У ҳам уялиб-нетиб турмасдан, залдан ўтиб тўғри менинг олдимга келарди, мен ҳам унинг таклиф қилишини кутиб ўтирмай, сакраб ўрнимдан турардим, шунда у ҳушёрлик қилганим учун кулимсираб ташаккур изҳор қиларди. Бизларни бир-биримизга тақдим қилганларида у менинг кўнглимдагини била олмай, қўлини менга эмас, бошқага узатиб, нафис елкаларини қисар ва ачинганини ҳамда менга тасалли бермоқчи эканини изҳор қилмоқчи бўлиб жилмайиб қўярди. Мазуркага тушиб айланганимизда мен уни анчагача пириллатиб айлантириб кетсам, у нафасини ростлаёлмай ҳарсиллаб қоларди-да, жилмайиб, менга "Епсоге" (2), дерди. Мен эсам борган сари чирпирак бўлиб ўз танамни ҳам сезмай қолардим.

Меҳмонлардан бири:

- Жуда ҳам сезмай қолмагандирсиз, ўз белингизнигина эмас, балки унинг белини ҳам қучганингизда хўп яхши сезган чиқарсиз, деб ўйлайман, - деб сўз қотиб қўйди.

Иван Васильевич бирданига қизариб кетиб, зарда билан айтди: -Сизлар, эндиги ёшлар шундай қиласизлар. Сизлар баданан бошқасини билмайсизлар. Бизнинг замонамизда бундай эмас эди. Шайдо бўлган сарим, мен унинг танасини камроқ ўйлайдиган бўлиб қолдим. Сизлар оёқларни, тўпиқларни ва яна алақаерларнигина биласиз, сиз яхши кўриб қолган хотинингизни ечинтирасиз, менинг учун эса Alphonse Кагг (3) айтгандек, - кўп яхши ёзувчи эди-да, - маҳбубамнинг эгнида доим бронза рангли кийимлар бўларди. Бизлар ечинтириш у ёқда турсин, балки Нуҳнинг номусли ўғлидек авратини бекитишга ҳаракат қилар эдик. Гапириб ҳам нима қилдим, барибир тушунмайсизлар.

Ичимиздан кимдир:

- Унинг гапига қулоқ солманг, хўш, сўнгра нима бўлди? - деди.

- Шундай қилиб, кўпроқ у билан танца тушиб вақтнинг ўтганини ҳам билмасдим. Музикачилар чарчаганликдан, билсангиз, базм охирида бўладигандек, зўр бериб мазурка куйига чалмоқдалар. Меҳмонхонада карта ўйнаб ўтирган кексалар ҳам кечки овқатни қилишга чиқдилар, хизматкорлар ҳам у-бу ташиб югуриб-елиб қолдилар. Соат иккидан ошган: ғанимат дамлардан фойдаланиб қолмоқ керак. Мен уни яна топиб олдим, назаримда зални юз марта айланиб чиқдик-да. Уни жойига обориб ўтқазиб қўярканман:

- Овқатдан сўнг кадрилга тушамиз-а? - дедим.

- Башарти мени "илиб" кетмасалар, албатта тушамиз, - деди у ҳам кулимсираб.

- Ҳеч кимни йўлатмайман, - дедим мен.



- Елпигични беринг, ахир, - деди у.
Арзонгина оқ елпигични унга узатиб:
- Бергим келмаяпти, - дедим.
- Беришга қизгансангиз мана сизга, - деди-да, елпигичдан бир пат юлиб олиб менга берди.

Мен патни олдим. Аммо хурсандлигим ва ташаккуримни қараш билангина билдира олдим, холос. Шу дамда мен хурсанд ва мамнун бўлиш бир ёқда турсин, ҳимматим ошган, ўзимда йўқ эдим. Ўзимни ёмонликни сира билмайдиган, фақат яхшилик қиладиган аллақандай самовий бир вужуд деб фаҳмлардим. Патни қўлқопим ичига яшириб қўйдим, уни ташлаб кетишга мадорим етмай, ёнида туриб қолдим. У уй бекаси ва бошқа хонимлар билан эшик олдида турган баланд бўйли, қомати келишган, елкасида заррин попуклари бор полковник отаси томонга қўллари билан ишорат қилиб:

- Анов ёққа қаранг, дадамни танца қил, деб сўраяптилар, - деди. Шу вақт бошини инжу жияк билан тангиган, елкалари Елизаветаникига ўхшаш беканинг:

- Варенька, бу ёққа келинг, - деган овозини эшитиб қолдик.
Варенька эшик олдида келди, унинг кетидан мен ҳам бордим.
- Ма chere, отангизга айтинг, сиз билан танца тушсинлар, - деди-да, сўнгра полковникка қараб.- Қани, Пётр Владиславич, марҳамат қилинг, - деди бека.

Вареньканинг дадаси чиройли, узун бўйли, басавлат ва тетик бир чол эди. Юзи оч қизил, а la Nicolas I оппоқ, хушмўйлов, оппоқ бакенбарди мўйловигача тутшиб келган, чаккасидаги сочлари олдинга қаратиб таралган. Чақнаб турган кўзлари билан лаблари худди қизиникига ўхшаб майин кулиб турарди. Жуссаси келишган, ҳарбий кишиларникидек кўтарилиб турган кенг кўкрагида бир-иккита нишон. Яғрини кенг, оёқлари узун ва тўғри. Бу киши Николай замонасида машқ кўрган эски сипоҳларга ўхшаш аскар бошлиғи эди.

Биз эшик олдида келганимизда полковник, танца тушиш эсимдан чиқиб кетган, деб кўнмасдаи туриб эди, аммо ҳар қалай, қўлини чап томонга ташлаб кичкина қиличчасини қинидан суғуриб олиб, ёнидаги ёшгина мулозимига берди-да, ўнг қўлидаги чарм қўлқопни таранг қилиб тортаркан, кулимсираб, "Қоидасини ўрнига қўймоқ керак", деди ва қизининг қўлидан ушлаб, сал қайириб музика мақомини кутиб турди.

Мазурка куйи бошланиши билан бир оёғини шаҳдам тепиб, иккинчи оёғини эса ёнига ташлаб, танца тушиб кетди. Унинг баланд, савлатли гавдаси гоҳо секин ва равон сузиб, гоҳо оёқларини бир-бирига уриштириб, ер тепиниб зални айлана бошлади. Вареньканинг хушқомати унинг олдида гириллаб айланар, унинг мўъжаз оппоқ ва майин оёқлари дам катта, дам майда қадам ташлаб, елдек учарди. Залдагиларнинг ҳаммаси иккаласининг ҳар бир ҳаракатини томоша қилиб турарди. Хусусан, мен завқланганимдан ҳайрон бўлиб томоша қилдим. Айниқса отасининг бетлик этиги, - яхши укуфа этик, лекин учи чўзинчоқ мода этик эмас, балки учи тўмтоқ, ўкчаси паст эски замон этиги, менга жуда ёқди. Афтидан, уни батальонда-



ги этикдўз тиккан бўлса керак. "Арзанда қизини ясантирмоқ ва тўй-томошаларга бирга олиб юрмоқ учун мода этик киймасдан, балки хонакисини кияр экан", - деб ўйловдим мен, аммо тўмтоқ учли этиги менга жуда ёқди. Унинг бир маҳаллари жуда яхши танца қилганлиги кўриниб турибди, аммо энди эса вазминлашиб қолган, чаққонлик билан қилмоқчи бўлган чиройли, илдам ҳаракатларига энди оёқлари қовушмай турарди. Лекин шундай бўлса ҳам у икки марта жуда яхши айланиб чиқди. Оёқларини жуда эпчиллик билан икки ёққа кериб ташлаб, сўнгра яна жуфтлаштириб, гарчи сал қўполлик билан бўлса ҳам бир тиззаси билан чўккалаб ўтиргач, қиз эса отасига илашиб қолган кўйлаги этагини ростлаб, майин жилмайиб, унинг атрофидан айланиб чиққач, ҳамма бараварига қарсак уриб юборди. Отаси бир оз қийналиброқ ўрнидан турди-да, қизининг бошидан мулойим ва ёқимли қучоқлаб пешонасидан ўпгач, мен билан танпа тушар, деган хаёл билан уни олдимга олиб келди. Шунда мен, бу кишининг жуфти мен эмас, дедим.

У ёқимли жилмайиб туриб қиличчасини қинига соларкан:

- Майли, ҳечқиси йўқ, энди сиз тушиб кўринг, - деди.

Шишадан тушган бир томчи кетидан ичидагининг ҳаммаси шариллаб тўкилиб кетганидек, менинг кўнглимда ҳам Варенькага бўлган муҳаббат қалбимдаги пинҳона ошиқлик иқтидорини ечиб юборди. Шу чоқ мен бутун дунёга муҳаббат қўйдим. Инжу жияк тангиган бекани, унинг Елизаветаники сингари кўкрагини ҳам суйиб қолдим, унинг эрини ҳам, хизматкорларини ҳам, ҳатто мендан ранжиган инженер Анисимовни ҳам суйиб қолдим. Хонаки этик кийган, қизига ўхшаб мулойим кулган отасидан эса шу он қандайдир майин завқ олар эдим.

Мазурка тугади, мезбонлар меҳмонларни кечки овқатга таклиф қилдилар, аммо полковник Б. эртага вақтлик туришим керак, деб хайрлашиб чиқиб кетди. Мен қизни ҳам олиб чиқиб кетар, деб кўрқиб тургандим, лекин қизча онаси билан қолди.

Кечки овқатдан сўнг, ваъдалашган кадрилигимизга тушдик, бахтиёрлигимнинг поёни йўқдай кўринса-да, бахтим борган сари очилаётгандай бўлар эди. Бизлар муҳаббатдан сира огиз очмадик. Мени севадими, йўқми деб ўзимдан ҳам, ундан ҳам сўрамадим. Ўзимнинг уни севганим кифоя эди. Мен бирон воқеа бўлиб, бахтимни қора қилмасайди, деб хавотир олардим, холос.

Уйимга қайтиб келгач, ечиниб ухламоқчи бўлдим, лекин кўзларга сира уйқу келмади. Қўлимда елпигичдан юлиб олинган пат билан қўлқопи қолган эди: жўнаб кетаётганида мен аввал онасини, сўнгра эса, ўзини аравага ўтқазётганимда қўлқопини менга берган эди. Мен бу нарсаларга қараб кўзимни юммасдан хаёлимда уни кўрардим. Гоҳо икки йигитдан бирини танлаб менинг ниятимни билмоқчи бўлиб ўйланиб турган чоғи кўзимга кўринарди ва "Мағрурликми? Ҳали шундайми!", - деган товушлари қулогимга киради. Қувониб қўлини менга узатган чоғи, кечки овқат устида гоҳо шампанское қадаҳини лабларига теккизиб, меҳрибон кўзлари билан менга ер остидан қараб турган чоғлари кўзимга кўринар эди. Лекин кўпроқ отаси билан танцага тушган чоғи, отасининг олдида хиромон юриши, ўзига



хам, отасига ҳам маҳлиё бўлиб томоша қилиб турганларга виқор билан қараб турган чоғлари кўз ўнгимдан кетмасди. Шунда мен нозик ва майин бир хаёл билан ота-болани беихтиёр бир тан, бир жон деб ҳис қилардим.

У вақтда марҳум акам билан бирга турардик. Акам киборлар суҳбатини ёмон кўрар ва базмларга бормас, номзодлик имтиҳонига тайёрланаётганлигидан тинч умр кечирмоқда эди. Акам уйқуда эди. Мен унинг ёстиққа мукка тушган ва ярмиси жун одеялга бурканган бошига қараб жуда ачиндим. Қўнглимдаги хурсандлигимни, мендаги бахтиёрликни сезмаганлигига, менга ҳамдамлашмаганлигига ачиндим. Хизматкоримиз крепостной Петруша қўлида шам билан мени кутиб олди. Кийимимни ечиб қўймоқчи бўлган эди, мен унга ижозат бериб, чиқариб юбордим. Уйқудан шишган юз-кўзлари, пахмайган сочларини кўриб кўнглим бузилиб кетди. Товуш чиқармай, деб оёқ учида юриб ўз хонамга кириб, тўшакка ётдим, Йўқ, мен ҳаддан ташқари бахтиёр бўлганлигимдан ухлаёлмадим. Бунинг устига, унинг печкаси ёқилган экам, уй жуда исиб кетди, Мундиримни ечмасдан, аста юриб даҳлизга чиқдим-да, шинелимни кийиб, ташқари эшикни очиб, кўчага чиқиб кетдим.

Зиёфатдан соат бешга яқин кетган эдим. Уйимга келиб бирпас ўтиргунимча яна бир соат вақт ўтди. Шундай қилиб, кўчага чиққанимда кун ёришиб қолган эди. Ҳаво ҳам байрам ҳавоси, ҳамма ёқни туман босган. Қорга ёмғир аралашиб, кўчалар шилта бўлган, барча томлардан томчи чакиллайди. У маҳалда Б. лар шаҳарнинг бир чеккасида туришар эди. Ялангликнинг бир томони сайилгоҳ, бир томонида қизлар мактаби бор эди.

Мен хилват тор кўчамиздан юриб бориб, катта кўчага чиқдим. Кўчада менга пиёдалар, ерга тегиб бораётган чанага ўтин ортган аравакашлар учрай бошлади. Сирланган дўға остида ҳўл бошларини солинтириб, салмоқлаб бораётган отлардан тортиб, бошига чипта ёпиниб, арава ёнида катта этикда шалолаб кетаётган аравакашлар, туман ичида балан бўлиб кўринган уйлар ҳам менга жуда ёқимли ва маънодор бўлиб кўринар эди.

Уларнинг уйлари олдидаги ялангликка чиққач, ялангликнинг охиридаги сайилгоҳ томонда қандайдир улкан қора бир нарсани кўрдим, шу пайт қулогимга най (флейта) билан ногора овози эшитилди. Юрагим ҳамон хониш қилмоқда, қулогимга гоҳо мазурка куйи киради. Лекин бу алақандай раҳмсиз, нохуш музыка овози эди.

"Нима бўлса экан!" - деб ўйладим ва ялангликнинг ўртасига тушган сирғанчиқ йўлдан овоз келган томонга қараб юрдим. Юз қадамча юргач, туман орасидан қора кийинган бир талай одамни кўрдим. Солдатларга ўхшайди. Машқ қилаётгандирлар, - деб ўйладим. Мой босган нимча пўстин устидан фартук тутган ва олдимда бир нима кўтариб келаётган темирчи икковимиз уларга яқин келдик. Қора мундир кийган соддатлар икки саф бўлиб, милтиқларини ёнларига қилиб, икки ёқда қимирламай турибдилар. Буларнинг орқасида ногорачилар билан найчилар ҳамон ўша ёқимсиз ва хунук машқларини чалмоқдалар.

(Таржима матни "Хуршид Даврон кутубхонаси" томонидан жузъий таҳрир билан тайёрланган).

(Давоми бор)